

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АҲБОРОТЛАШТИРИШ  
АГЕНТЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**УНИВЕРСИТЕТИ**

**МЕНТАЛИТЕТ ВА  
ДЕМОКРАТИЯ**

**Тошкент – 2006**

**Масъул мұҳаррир: Сиёсий ғанлар доктори,  
профессор Н. ЖҮРАЕВ**

## **К и р и ш**

Ўзбекистон Республикаси мустакиллик туфайли демократик жамият қуришни асосий мақсад қилиб белгилаб олди, миллий-маънавий меросимизга, миллий давлатчилик соҳасидаги қадриятларимизга таянган ҳолда ўзига хос ва мостараккиёт йўлини танлади ҳамда фукаролик жамияти қурилиши билан баглик вазифаларни аниклаб олди. Ўзининг маънавий қадриятларига, меросига таянмаган, уни ҳисобга олиб умумбашарий қадриятлар, тамойиллар билан уйғунлаштира олмаган жамиятни ҳақиқий демократик жамият деб бўлмайди.

Президентимиз Ислом Каримов: “Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоги керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халкнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қиёми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир”,-деб таъкидлаганларида Ўзбекистонда ҳуқукий, фукаролик жамияти илдизлари ҳақида гап юритган эдилар.

Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши билан баглик ўзгаришларга, ютуқ ва муаммоларга миллий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларини зътироф этган ҳолдагина тўғри баҳо бериш мумкин. Бунга ҳеч қачон бошқа бир мамлакатдаги демократик жамият қурилиши тажрибасидан

келиб чиқиб тұғри баҳо бериб бўлмайди. Бундай ёндашув холис эмас. Чунки демократик жамиятни бирон-бир мамлакатга қиёсан ягона андоза асосида қуриб ёки бошқа халқларга уни кўчириб ўрнатиб бўлмайди.

Демократик жамият қурилиши ўзининг хилма-хил миллий хусусиятларига эга бўлади. Ҳар бир халқ демократияни ўзининг миллий-маданий мероси, сиёсий менталитети, феълатвори, қадриятлари асосида қуради ҳамда демократиянинг умумбашарий маъно ва мазмунини бойитишга хисса қўшади.

Мамлакатимизда демократиянинг қарор топиб бориши, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўзининг нуфузли ўрнига эга бўлишига, ёшларда демократик онг ва тафаккурни шакллантириш, миллий-маънавий меросни қадрлаш, ватанпарварлик туйгуларини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Мамлакатда эркин, демократик фуқаролик жамиятини қуриш назарияси ва амалиёти билан чуқурроқ таништиради. Шу мақсадни амалга оширишда хизмат қиласи.

Тошкент ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги маъruzасида белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, ўзини-ўзи бошқариш, менталитет, қадриятлар ва демократияга бағишлиланган илмий-

амалий семинар ўтказиш анъанага айланган. 2004 йил 15 апрелда “Ўзини-ўзи бошқариш ва миллий анъаналар” мавзусида, 2004 йил 17 ноябрда “Демократия ва миллий анъаналар” мавзусида, 2006 йил 25 январда эса “Менталитет ва демократия” мавзусида илмий семинарлар ташкил этилган.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган “Менталитет ва демократия” деб номланган ушбу тўплам ана шу илмий-амалий семинарлар натижасидир

**Нарзулла Жўраев,  
сиёсий фанлар доктори,  
профессор  
ДЕМОКРАТИЯ: ТАРИХ, БУГУН, ЭРТАГА**

Демократия деганда, домлаларимиз уқтирган, фалсафа фанида аниқ мазмунга эга бўлган "халқ ҳокимияти" деган тушунчага эгамиз, холос. Бирок унинг асл мазмуни, жамият тараққиётида тутган ўрни, инсон ҳак-хукуқларини белгилашдаги вазифаси хусусида кўп ҳам ўйламаганмиз. Зотан, бизда бундай шароит ҳам, зарурат ҳам йўқ эди.

"Қизил империя" демократияни ўзича тушунди ва бизнн ҳам ўз тушунчаси доирасида тарбиялади. Қарашларимиз унинг таъсирида шаклланди. Онгимиз ва тафаккуримизга инсон манбаатларига, унинг яшаш ҳукуқига зид бўлган гоялар сингдирилди. Инсон ўйламаслик, фикрсизлик кобигида қолиб кетаверди.

Демократия — кишилик тарихида инсоннинг онгли ҳаёти бошланган даврдан бошлаб, унинг эрк-иродасини, хоҳиш-истагини белгилайдиган мезон бўлиб келмоқда. Албатта, бу борада кишилик жамияти шаклланиш давридан тортиб то цивилизациялашган турмуш тарзи, ҳар жиҳатдан чукур илдиз отган давлатчилик ва шу асосда маълум тартиб-қоидага кириб қолган аниқ йўналишлар ўртасида катта фарқ бор. Чунки асрлар мобайнида одамлар дунёкараши ўзгариб, талаб-эҳтиёжлари ошди. Ҳаёта муносабатлари янгича тус олди. У ҳар бир даврнинг ўзига хос маҳсули сифатида янгидан-янги шаклга кира бошлади.

Демократия бевосита жамият тараққиёти, унинг сиёсий, ҳукуқий, маънавий ва бошқа жиҳатлари билан бирга ана шу жамиятни ташкил этган ахоли умумий дунёкарашини ўзига мужассам этади, Бошқача қилиб айттанди, ахолининг турмуш тарзи, анъаналари ва урф-одатлари асосида шаклланган маънавий руҳий олами жамиятда карор топадиган демократик жараёнлар мазмунини белгилайди. Акс холда, демократия давлат мағкураси асосида курилса, унинг ўз манбаатларига мос келадиган сиёсатига хизмат килади. Агар демократия сиёсий "ўйин"лар ҳолатига кирса, мамлакатда

парокандалик, анархия вужудга келади. Зоро, ҳар қандай давлат ўз ҳукукий асосига, сиёсий режимига, бошқарувидаги аниқ тамойилларига эга бўлмаса, фуқаролар эса ўз ҳак-хукукларини химоя қилиш билан бирга жамият ва давлат олдидағи, ўз мамлакати истиқболи йўлидаги вазифалари ва бурчларини тўла англаб олмаган тақдирда демократия ўзининг том маънодага мазмунига ва жаҳон тажрибасида тан олинган моҳиятига эга бўла олмайди.

Жаҳон давлатчилиги тарихи турли даврларда турлича давлат тизимларини ва бошқарув йўналишларини кўрган. Демак, инсон ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар турли даврларда турлича тус олган. Ана шундан келтиб чикиб ер шарининг турли минтақаларида ҳалқлар дунёқараши, турмуш тарзи, анъаналари ва урф-одатлари асосида турлича режимлар, тартиб-коидалар ва русумлар дунёга келган.

Жаҳон давлатчилига тажрибалари тобора бойиб, ҳалқнинг ўзлигини англаш жараёни тобора тезлашиб боргани сайин демократиянинг шакли, мазмuni ва унинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни хусусидаги мунозаралар кескин авж олди. Айниқса XX аср кишилик тарихида кескин бурилиш ясади. Ер куррасида икки қарама-қарши ижтимоий сиёсий тузумнинг пайдо бўлиши дунё давлатчилиги тажрибасида ва жаҳон ҳалқлари тафаккурида турлича — бир-бирига зид бўлган ғояларни келтириб чиқарди. Ана шу ғоялар, табиий равишда, ўзлари ҳуқмрои бўлган ҳудудда одамлағ онгини ўзгартириб юборди. Аникроғи, улар тафаккурига сингиб кетди. Икки лагерь ўртасидаги бундай сиёсий, ҳукукий, иқтисодий ва мафкуравий ракобат кучайиб, бир-бирини мавҳ этишга уринишлар инсон ҳукукларини маълум бир тартибга солиб туриш, уни ҳимоя қилиш мақсадига йўналтирилган бир катор ҳалқаро ташкилотларнинг пайдо бўлишига эҳтиёж тутғирди.

Тоталитар тузумда инсон ҳукукларининг чекланганлиги, мафкуравий якка хокимлнк жамият маънавий тараққётини чеклаб кўйди. Бу-биринчидан. Иккинчидан, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида озодлик учун кураш, миллий давлатчиликка замин яратиш ва шу асосда инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама баркамол демократик жамиятни вужудга

келтиришга интилиш кучайди. Натижада ана шу китъаларда миллий озодлик ҳаракатлари авж олди. Бу ҳаракатлар замирида инсониятнинг язалий орзу-умиди — озодлик ва хурриятга эришиш, эркин яшаш эктиёжи ётарди.

Қадим Шарқда азалдан хукукий демократик давлатчилик ва фуқаролик жамиятининг турли элементлари мавжуд эди. Бунга узок ўтмишимиздан Корахонийлар, Хоразмшох, Темурнийлар ва бошқа қатор сулолалар давлатчилигини мисол көлтириш мүмкін. Бу даврлар ҳақиқат ва адолат гояси ниҳоятда баланд кўтарилигани ва бутун мамлакатда аниқ тартиб интизом ўрнатилигани натижасида инсон хаёти, ахоли турмуши кафолатланғанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Агар ана шу даврларда сўз ва фикр эркинлиги, гоялар хилма-хиллиги мавжуд бўлмаганда эди, бу қадимий маконда фан, маданият ва маънавият жаҳон тараққиётига бу даражада кучли таъсир кўрсатмаган бўлур эди.

Шарқ уйғониш даври ва кескин юксалиш пайтларида дунёвий илмлар билан Ислом маданияти назарияси ва фалсафаси уйғун ҳолда тараққий топди. Унинг натижасида вужудга келган маънавий-ахлоқий анъаналар турмуш тарзимизга айланиб қолди. Акс ҳолда Ислом динининг буюк намояндалари, уламо ва фузалоларининг дунё тан олган асосий кўпчиллиги қадимий Турон заминида етишиб чиқмас эди. Бу бизга "дин — афъюндир", -деб ўргатиб келган, бизни худосизликка, имонсизликка ва зътиқодсизликка даъват этган, жаҳолат йўлини тутган ёлғон мағкуранинг ёлғон умридан дарак берганидек, ислом дини ва Шарқ турмуши фалсафасининг абадиятини, ҳақиқати ва қадриятларининг бокийлигини хам кўрсатади. Соҳибқирон Амир Темурнинг биргина "Куч — адолатда" деган шиорида хукукий демократик давлатнинг хам, фуқаролик жамиятининг ҳам айрим белгилари, инсоннинг яшаш хукуки, унинг барча эркинликлари хам мужассам бўлган. Айни пайтда, худди ана шулар ҳозирги замон демократик ҳаракатлар илғор тажрибаларининг ўқ илдизини, бош йўналишини ташкил этади.

Албатта, бу анча-мунча мунозарали масала. Мамлакатимизда янги тарихий шароитларда янгича давлатчилик карор топаётган бир пайтда демократия, фуқаролик жамияти,

аҳоли ва жамият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатлар турли соҳа мутахассислари ўртасида турлича талкин этилмоқда. Бирок ҳар қандай хулосалардан катъи назар, шу нарса аникки, қадимий Шарқ давлатчилигига инсон эрки, ҳак-хукуклари кўп жиҳатдан химоя килинган ҳамда ўз давринииг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб инсон озодлиги ва ҳатти-ҳаракатлари эркилиги таъмин этилган эди. Бу айни демократик жамиятнинг муҳим ва асосий белгиларидан ҳисобланади.

Энди биз бутунлай янги тарихий шароитларда яшайпмиз. Жаҳон демократик жараёнлари тобора чукурлашган, унинг имкониятлари анча кенгайган, одамларнинг онглилик даражаси бир мунча ошган бир пайтда яшайпмиз. Жаҳон воқеаларидан ва ижтимоий-сиёсий жараёнларидан хабардор бўлиш ва бу жараёнларнинг мамлакатлараро, минтақалараро ва китъалараро таъсири тобора кучайиб бораётган бир шароитда кун кечираյпмиз. Буларнинг барчаси инсон онги, тафаккури ва қалбини ҳеч качон четлаб ўтмайди. Энди демократиянинг шунчаки оддий "эркинлик", "хуррият", "озодлик" деган тушунчалари ва айни пайтда "халқ ҳокимияти" деган мазмуни ҳам бир мунча ўзгармоқда. Одамлар онги ва тафаккури кенгайгани сайин, уларнинг демократияга муносабатлари ҳам ўзгармоқда. Айни пайтда демократия имкониятлари тобора кенгайиб, миқёси ошиб бормоқда.

Бизнинг яқин ўтмишимиизда "қизил империя" демократик харакатлар тамойилларига мос келадиган инсон эрки ва яшаш ҳукукини анча-мунча чегаралаб қўйган эди. /оятда зўравонликка таянган сиёsat табиатан озодликни ёқтирилас ва том маънодаги демократияни тан олмас эди. Америкалик сиёsatчи Диана Ревіг' таъбири билан айтганда, "Тоталитар сиёсий тузумлар сустлик ва локайдлик кайфиятини ривожлантиради. Тузум итоаткор ва лаббайгўй фуқароларни шакллантиришга интилади. Бундан фарқли ўлароқ, демократик жамиятнинг фуқаролик маданияти алоҳида шахслар ва гурухларнинг эркин равишда ихтиёр этган фаолияти туфайли шаклланади. Озод жамият фуқаролари ўз манфаатлари йўлида ҳаракат киладилар, ўз ҳукукларидан фойдаланадилар ва ўз ҳаётлари учун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар". Ана

шу масъулиятнинг ўзи одамни жамият олдидағи бурчини ҳам, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни ҳам белгилайди. Бу бевосита шахс, жамият ва демократия тушунчаларининг ўзаро боғликлигидан, муносабатлар ўртасидаги маданиятдан келиб чиқади.

Ўтиш даврида, жамият бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга юз бураётган пайтда, айникса, тоталитар тузумдан эркин фукаролик тузумига ўтаётган бир шароитда демократияни англаш, унинг бутун моҳиятини тушуниш ва масъулиятини зиммага олиш анча қийин иш. Энг аввало, одам янгича шароит мазмун-моҳиятини англаши, унга ўзини-ўзи тайёрлаб бориши, эркин фикрлаш қўникмасини ҳосил қилиши даркор. Гарчи, инсон табиатан ҳур ва озод яшашга интилиб яшаса-да, энг аввало, ўзига-ўзи шундай шароитни яратса билиши, маънавий-рухий жиҳатдан унга тайёр бўлиши лозим. Котиб қолган тушунчалар қобигини синдириш, фикрсизлик ва танбаллик руҳиятидан халос бўлиш осон эмас. Биз ҳозир ана шундай мураккаб жараённи бошдан кечирмоқдамиз.

Вандерблит университетининг профессори Честер Финн "Инсонлар шахсий озодликка ташвалик ҳисси билан таваллуд қўришлари мумкин, аммо улар озодликни ўзлари ва фарзандлари учун рӯёбга чиқарувчи ижтимоий ва сиёсий воситаларни билиш қўникмаси билан туғилмайдилар. Бундай нарсалар қўлга киритилиши лозим. Улар ўрганилиши керак", — дейди.

Дарҳакиат, ижтимоий ҳаёт, мамлакатда юз берәётган жiddий ўзгаришлар ва инсон ҳаётининг дахлсизлигини таъминлаш янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқаради. Одамлар эса ана шу муаммоларни бирин-кетин ҳал этиш жараённида ўз эрки ва ҳақ ҳукукларини ҳимоя қилиб бораверади. Жамият тараққиётiga мос равишда аҳоли "тарбияланиб", шаклланиб, баркамоллашиб боради. Бу-табиий ҳол. Истиклолнинг дастлабки йилларида биз маънавий, ахлоқий ва руҳий янгиланиш ҳодисасини бошдан кечирмоқдамиз.

Демократиянинг муросачилик ва яқдиллик маданияти, юкорида таъкидлаганимиздек, мамлакат ички ҳаётида ҳам, ташки сиёсатда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, одамлар - мамлакат фукаролари ўртасидаги муносабатлар

канчалик илик бўлса, умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари йўлида бирлашишга канчалик кўпроқ ихтиёр сезилса, муаммоларни ҳал этишда яқдиллик билан фаолият кўрсатилса, барча учун умумий бўлган вазифалар олдида масъулият чукур ҳис килинса, бу — демократиянинг мамлакат ички ҳаётидаги маданиятини, бой маънавий қиёфасини белгилайди.

Демократиянинг ташки сиёсатдаги кўриниши бу бевосита Президент Йўслим Каримовнинг дунё муаммоларини ҳал этишдаги ёндашувига жуда мос келади. Жумладан:

- Президент И.Каримов тасаввуррида ҳар кандай можароли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, музокаралар йўли билан фикр алмашиш ва энг тўғри, ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган хулосаларга келиш лозим.

- Ҳар кандай зўравонликларга, тазиқ ва куч ишлатишларга қарши шаркона муносабатлар илмини эгаллаш, демакки, шаркона демократия тамойиллари асосида иш юритиш керак.

Дарҳақиқат, Шарқда, Шарқ давлатчилигига ҳар кандай зўравонликлардан ҳоли ҳолда масалаларни ақл-идрок билан, рўйи-рост ва ошкора мулокот килиш асосида ҳал этиш тамойиллари мавжуд. Бу ҳар кандай жирракиликдан ҳоли, ақл-идрокка ва доноликка асосланган, ҳар кандай сиёсий мухолиф билан ўзаро ҳурмат асосида гаплаша олиш, мунозара қила билиш, охир-окибатда ўз фикри ва гоясининг тўғрилигига ишонтира билиш каби Шаркона муносабатлар илмини — дипломатияни талаб этади.

Ўзбекистон раҳбарининг ана шундай муносабатлари хозирги замон жаҳон демократик харакатларининг энг илғор тажрибаларига жуда мос келмоқда ва хатто, уни бойитмоқда. Бу ер юзида ҳар кандай зўравонлик ва куч ишлатишни рад этиш билан бирга жаҳон сиёсати маданиятини оширишга даъват этиш орқали сиёсагга демократик тамойилларни олиб киршнинг ўзбекона йўлидир. Зотан, АҚШлик сиёсатшунос Диана Ревич фикри билан айтганда, "Иттифок тузиш демократик жараённинг асл моҳиятини ташкил этади. У муштарақ манфаатлар замирида бирлашган гурӯхларни бошқалар билан музокаралар олиб бориш, келишувга эришиш ва конституцион тизм доирасида

иш олиб боришига ўргатади. Иттифоқ тузиш сари инициар экан, ўзаро фарқлар мавжуд гурухлар тинч йўл билан мунозара олиб бориш, ўз мақсадларига демократик йўл билан эришиш ва пировардида хилмачилликлар мавжуд дунёда қай тариқа яшаш кераклигини ўрганадилар".

Демократия бир йўла курилган бино ёки доимий бир хилтарзда ўзгармай турадиган буюм эмас. Балки у доимий харакатдаги жонли ҳодисадир, Айни пайтда, у жамият тараққиёти ва мавжуд сиёсий режим таъсирида ўзини-ўзи тўлдириб, бойитиб, янга тарихий шароитларда янгича мазмун касб этиб борувчи воқеликдир. Мухтасар қилиб айтганда, демократия тажрибага асосланган ва доимий мазмунан бойиб, шаклан баркамоллашиб, моҳиятан чуқурлашиб борадиган узлуксиз ҳаракатдаги фаолиятдир.

Ҳакли равишда савол тугилади. Хўш, Ўзбекистон демократиянинг қайси йўналишларидан бормоқда? Ҳукукий демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини вужудга келтириш олий мақсад экан, унга эришишнинг ягона йўли демократияни чуқурлаширишdir. Айни пайтда, Ўзбекистонда давлатчиликнинг худди ана шу жиҳатига қандай қаралмоқда?

Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, демократик жамиятни барпо этишнинг ҳалқаро тамойиллари, дунё тан олган, эътироф этган, барча учун умумий бўлган йўриклари мавжуд.

Бу бевосита фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгалиги, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чикиши ва диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуклилиги, давлат ва жамият бошқарувида конун устиворлиги, сайлаш-сайланиш ҳуқуки ва бошқалардир. Булар кариб барча мамлакатлар конститутцияларида қатъий белгилаб кўйилган тартиб-қоидалар ҳисобланади.

Ана шундан келиб чикиб, демократиянинг турли шакллари вужудга келиши муқаррар. Айримлар Ўзбекистондаги демократик жараёнлар, уни ҳаётга тадбиқ этишининг Шарқона

тамойиллари ҳакида гапирап экан, демократия демократияда, унинг шаркона гарбоналиги борми? — деган фикрларни билдиришмокда. Тўғри, юзаки қараганда демократия - демократия-да. У ҳамма учун бирдай ижтимоий ҳодиса! Бирок унинг магзини чақсангиз, мазмунини чукуррок англасангиз, масала анча-мунча мураккаб эканлигини сезиш қийин эмас. Эркин фикр, энг аввало, фикрлаш тарзидан, маънавий руҳий кўнікмадан, эркин ҳатти-харакат эса, турмуш тарзидан, ахлоқий мезонлардан келиб чиқади. Ана шунинг ўзи гарбда гарбоналикни, Шарқда шарконалийни тақозо этади. Демак, демократияни ҳаётга тадбиқ қилишда халқнинг миллий эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёндашиш керак бўлади. Акс ҳолда, демократия тадбирбозлик ва компаниябозликка айланиб қолиши мумкин, холос.

Маълум бир мамлакатда демократияни жорий этишда фақат шунинг ўзи кифоя қиласдими? Фақат шунинг ўзи ахолининг барча эҳтиёжларини қондира оладими, маънавий-руҳий оламини қамрайдими? Йўқ! Чунки ҳар бир халкнинг ўз турмуш тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабатлари ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқиб, демократияга ёндашиш усули бор. Ана шу нұқтаи назардан қараганда, Президент И.Каримов "Шарқда демократик жараёнларнинг кадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят ноҳуш, ҳатто фожеали натижаларга олиб келади. Инқилобни гарб олимлари ҳам "ижтимоий тараккиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли" деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди"-, деганида демократияни жорий этишнинг босқичмабоскич, аста-секинлик билан, одамлар онги ва қалби орқали амалга ошириш каби ўзбекона тамойиллари мавжудлигини кўрсатади.

Дарҳакиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бир қатор мамлакатлар, жумладан, Туркия, Германия, Англия, Франция ва бошқа давлатлар ўз тараккиёт дастурлари ва моделларини тавсия этдилар. Аслида бу мамлакатларда

демократиянинг ибратли ва ўрганишга арзирли тажрибалари мавжуд. Бирок Ўзбекистон Президенти бу тақлифларга ўзининг муносабатини аниқ қилиб кўрсатади. Ҳар бир миллатнинг ўз малий руҳиятидан келиб чикиб масалага ёндашин зарурлигини билдири. Айникса, ўзбеклар сингари жуда қадимий миллат ва жуда бой анъаналарга эга бўлган халк эҳтиёжларини ҳисобга олмаслик оғир натижаларга олиб келиши мумкинligини уқтириди ва "Одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқ" эканлигини кўрсатиб берди.

Тарихий тажриба шундан далолат беради, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўrona кўчириш асло самара бермайди. Аксинча, бундай йўл чалкаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Демак, бошқарувда бўлгани каби хурриятга муносабатда ҳам бошқалардан андоза олиш, мамлакат туб ахолиси руҳиятини ҳисобга олмаслик раҳбарни ҳам, ахолини ҳам, бутун мамлакатни ҳам боши берк кўчага киритиб кўяди. Масалан, гарб демократиясини Шарқ мамлакатларида жорий этиш мумкин эмас. Унга тақлид килиш кутилмаган фожеаларга олиб келиши мумкин. Бунинг аччиқ натижаларини Тожикистон мисолида кўрдик. Эркинликка ортиқча йўл бериш, давлат ва бошқарув аппаратининг бехад бўшашиб кетиши, ҳокимнят жиловининг ўз ҳолига ташлаб кўпилиши минг-минглаб хонадонлар бошига кулфат келтириш билан якунланишини кўрдик, кўплаб салбий ҳодисаларга гувоҳ бўлдик.

Республикамида вужудга келаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий баркарорлик, ишлаб чиқаришдаги узлуксиз жараён умумхалк ва умумдавлат манфаати йўлидаги қаттиккўллик, талабчанлик ва қатъий интизом натижасидир.

Одатда, якка-якка шахсларнинг руҳий кечинмалари, ҳатти-харакатлари ва феъл-авторидан умумжамият кайфияти, унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Мустакиллик ҳаётимизга тобора чукурроқ кириб бораётган, янгича маънавий-сиёсий муҳит шаклланётган бир пайтда бу муҳим аҳамият касб этади. Энди ҳар галгидан ҳам хушёрроқ

бўлишимиз, кўлга киритган буюк неъматни асрай олишимиз керак.

Хатти-ҳаракатлар, интилишлар хар кандай шароитда хам умумхалқ манфаатини ҳисобга олиб, унга таянсагина қадриятга айланади. қадриятлар эса бебаҳо мулк. Уни ҳалқ яратади, ҳалқ баҳолайди. Унинг ўзи асрайди, авайлайди. Демократия худди ана шундай буюк неъмат. Уни олий қадрият сифатига тушуниш, нечоғлик асраш ёки топташ, авваламбор, хар бир фуқаронинг ички маданиятидан, маънавий-ахлоқий қиёфасидан, сўнг эса бутун миллатнинг умумий маданий савиясидан, сиёсий ва ижтимоий фаолиятидан далолат беради.

Айримлар сўз ва фикр эркинлиги зарур, деб бонг уришади. Ҳамон жазавалари тутиб узок-яқиндан айюҳаннос солишимоқда. Иситмаси ошиб кетган бемор каби алаҳсирашмоқда. Бироқ улар ҳеч нарса билан чегараланмаган сўз ва фикр эркинлиги, ноўрин ва беўхшов, ҳалқ бошига кулфатлар келтириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатимизни чегаралаб туриш зарурлигини тушунишмади. Ҳали ҳамон тушунишмаялти. Атоқли файласуф Андре Жид ҳам "эркин фикрлаш имкониятига эга бўлиш учун энг аввало хатти-ҳаракатимиз оғир оқибатларга олиб келмаслиги кафолатига эга бўлмок лозим", - деган эди.

Ҳуррият — бу фақатгина яхши турмуш кечиришга ва кўнгил тусаганча яшашга даъво килиш имконияти эмас! Аксинча, у-эркин меҳнат килиш, яратиш, бунёд этиш имконияти! Барча эҳтирослару жумбушлардан холи бўлган ақл-идрок тантанаси! Биз демократияни ана шундай тушунишимиз, англашимиз лозим. Ана шунда у аҳолининг ирова кучи, идроки ва тафаккури билан турмуш тарзига, яхши яшаш воситасига, жамиятни ҳам, инсон ҳаётини ҳам эзгулик сари йўналтирадиган кудратли кучга, буюк қадриятга айланади. Демократик жараёнлар ва бевосита шахснинг унга тайёрланиш ҳодисаси бирмунча мураккаб. У қатъий ирова ва ўз-ўзини бошқаришни, маълум қонун-коидалар доирасида эркин фаолият кўрсатиш ва эркин фикрлаш тамойилларини ўзлаштиришни, "демократия занжирни" остида яшашга кўникма ҳосил қилишни талаб этади.

Демократиянинг тақомиллашиш жарсёни, унинг умуминсоний кадриятга айлана бориш ходисаси бевосита шахс етуклнги, комиллик даражаси ва маънавий қиёфаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўта мураккаб воказеликдир. Айни пайтда, у бутун жамият тараккиётининг асосий мезонидир. Дарҳакиат, жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита демократик жараёнларнинг нечоғлик чуқурлашиши ва фуқаролар оғлилик даражасининг микёси билан белгиланади. Ёки Диана Ревич таъбири билан айтганда, "демократия бир жараён, муштарак хаёт ва иш усули бўлиб, котиб қолган эмас, ривожланаётган ходисадир. Демократия барча фуқаролар орасида ҳамкорлиқ, келишув ва ўзаро муносабатларда чидамили бўлишни такозо этади. Бунга риоя этиш осон эмас. Эркинлик бурчдан озод этилиш эмас, айнан бурч дегани" (таъкид бизники - Н.Ж.).

Америкалик илоҳиётчи Рейнхольд Нибурнинг фикрича, "инсоннинг адолатпарварлик кобилияти демократиянинг рӯёбга чиқишига имконият яратади, аммо инсоннинг адолатсизликка мойиллиги демократияни зарурат даражасига кўтариади". Бу ниҳоятда жиддий ва айни пайтда ниҳоятда мураккаб маънавий-руҳий ходиса Демак, инсон қанчалик адолатга, ҳакиқатга интилса, бу жамиятда демократик режимнинг, турмуш тарзининг шаклланишига имкон яратади, унинг яшаб кетишига шароит тугдиради. Бироқ факат шунинг ўзигина эмас. Инсон табиатан адолатга қанчалик интилса, адолатсизлик ҳам шунчалик мойил бўлади. Чунки адолат ва ҳакиқатга интилиш маълум қонун-қоидаларга бўйсуниб яшашни такозо этади. Адолатсизлик эса аксинча, кўнгил тусаганини, турли хилдаги сунистъмолчилик ва ашаддий худбинлик иллатларининг кучайишига замин яратади. Бундай пайтда маълум бир тоифадаги одамлар яхши яшайди, "замона зўрники" бўлади. Ахолининг асосий қисми тазиик ва зўравонлик исканжасида қолади. Натижада том маънодаги демократияга зарурат кучаяди.

Демократияни Президент ёки ҳукумат бир фармон ёки карор билан, парламент бир қонун билан ўрнатиб бермайди. Уни ҳалқ ўзига-ўзи ақл-идрок билан яратади. Кенг дунёкараш, бой тафаккур, етук сиёсий тушунча, баркамол маънавий-ахлоқий мезонлар, қонун устиворлигига эришиш-эркинлик асоси.

Демократияни англаш — шахснинг ҳамма учун бирдай зарур бўлган конунларга тўла риоя этиш, аниқ тартиб-интизомга таяниб яшаш салоҳияти. Демократия бизга инсон ҳак-хуқуқларини химоя қиласиган умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини асрайдиган барча конунларга бўйсуниб яшашни ўргатади.

Колаверса, ҳар бир ҳалкнинг фикрлаш даражаси воқеа ва ҳодисаларга муносабати, уни баҳолаш тарзи, ўзининг тарихий келиб чикиши, қадимий анъаналар асосида шаклланган турмуш тарзи ва табиати билан белгиланади. Farb демократиясида очиқдан-очик муносабат, Шарқ демократиясида эса аксинча — андишалилик, гарбда ота-онасини сенсираш, Шарқда эса ўзидан катталарга, оқсоқолга ҳурмат билан қаращ, ақл билан иш тутиш анъаналари мавжуд. Умуман, ҳаёт тарзи, анъаналар ҳамма вақт ҳар бир мамлакат ҳалқларининг хулк-атворини шакллантиради, хатти-харакатини, воқеаларга муносабатини одатга айлантиради, миллатнинг кон-конига сингнб кетади, минг бир хужайрасидан жой олади. Демак, зарурат туғилганда, юкорида айтганимиздек, Магрибдаги воқеани **Машрикка** кўчириш, **Машриқдаги** ҳолатни **Магрибда** зўрлаб амалга ошириш мумкин эмас. Ана шундан келиб чикиб, мамлакатимизда юз берадиган жараёнларни кузатиб, айтиш мумкинки, ўз миллий давлатчилик тажрибаларимиз ва анъаналаримизга таяниб ҳар қандай шароитда ҳам оғир-вазминлик ва ақл-идрок билан иш тутиш — Президент Ислом Каримов сиёсий йўлининг, иш услубининг бош концепцияси хисобланади. Бу "каттиққўл" ва "ўжар" сиёсатда қонунга ҳурмат билан қараш, қатъий интизом тушунчалари зарурий эктиёж даражасига кўтарилиган!

Айримларнинг фикрича, Президент ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш хусусида факат оғизда гапиради-ю, амалда барча имкониятларни чеклаб ташлаётган эмиш. Бу гапни айтиётгандар нукул Ўзбекистонни Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Англия ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги ахвол билан солиштирадилар. Бу унчалик ҳам тўғри муқояса эмас. Биринчидан, мазкур мамлакатларда чинакам, рисоладагидек демократия мавжудлигига ҳеч ким кафолат бемайли. Сабаби ҳаёт борки, қайсиadir даражада

"тартиббузарлик" содир бўлади. Инсоннинг табиати шундай. У ҳеч қачон энг мукаммал инсонпарварлик конуниятлари билан хам чекланиб, чегараланиб колмайди, қолаверса, мутлақ тўғри ва абадий конун хам бўлмайди. Инсон эҳтиёжлари табиий равишда чексиздир. Бундай чексизлик фукаро ва давлат ўргасидаги муносабатларда хам, фукароларнинг ўзаро муносабатларида хам маълум даражада худбинликка, сунстельмолчиликка олиб келади.

Шунингдек, бироз бўлса-да, ҳақикатга юз тутайлик. Бу мамлакатларда инсон ҳукуклари, давлат ва фукаро ўргасидаги муносабатлар борасида тўпланган тажрибалар, амалга оширилган ишлар икки юз ва ундан хам ортиқ йиллар мобайнида вужудга келған. Мустакил Ўзбекистонда тарихан жуда кисқа вакт мобайнида гарб давлатларида гидек кенг микёсли тадбирнинг амалга ошишини талаб этиш аклга сифмайдиган ҳолат. Одамлар дунёкараши, фикрлаш тарзи ва онглилик даражасини бир кун ё бир йилда ўзгартириш сира мумкин эмас.

Бироқ масаланинг бошқа томони хам бор. Бу ривожланган мамлакатлар мустақилликка эришган давр билан бугунги кун ижтимоий-сиесий жараёнларининг турличалиги, одамлар дунёкараши ва онглилик даражасидаги ўзгаришларни таққослаганда яққолроқ кўринади. Мазкур ривожланган мамлакатларга нисбатан Ўзбекистонда ҳукукий демократик давлатни вужудга келтириш жараёни анча тез, шиддатлирок тарзда бормоқда.

Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг аҳоли онги ва дунёкараши, қалби ва маънавий-рухий дунёси орқали табиий равишда чукурлашаётгани, унинг том маънодаги сиёсий маданиятини, соғлом ва гўзал маънавий қиёфасини белгилайди. Бу аста-секинлик билан турмуш тарзимизга айланаб бораётган ноёб қадрият, шууримизга ўрнашиб қолаётган олий ҳақикатdir.

## Истиқлол ва демократия

Мамлакатимиз аҳолиси ҳаётида юз берәётган демократик жараёнлар, шубҳасиз, ижобий ҳодиса эканлиги энди сир эмас. У яшаш тарзимизнинг сифат ўзгаришига асос бўлмоқда. Ҳар кимнинг қобилиятини, қасб маҳорати ва онглилик даражасини

намоён этишга имконият яратди. Ана шу имконият кишини ўлашга, фикр юритишга, ақлни ишлатиш йўли билан фаровон турмуш кечиришга давват этади. Ҳар бир оила фаровонлиги эса бутун мамлакат фаровонлигини белгилайди. Бундан давлат билан фуқаро ҳам, жамият билан оила ҳам ютади.

Бироқ демократия бизнинг фазилатларимиз, имкониятларимиз ва маҳоратимизни кўрсатишга кенг йўл очиб бериш билан бирга барча нуксонларимизу кирдикорларимизни ҳам ошкор эта бошлади. Баъзан "демократиянинг хаётбахш шабадаларидан ҳузурланиб яшаётганимизни", у "диккинафас хонадонларимизга тоза хаво олиб кирганини" шоирона ибораларга ўраб гапирдик. Дарҳакиқат, у ўз таъсирини — ҳаётбахшилик ва жонбахшилик кучини кўрсатди. Демократия барча фазилатларимиз билан бирга вужудимиздаги нимжон ва ўлимтиқ иллатлар ҳужайраларини ҳам жонлантириб, тирилтириб юборди.

Хуррият, эркинлик, демократия — улкан ойна. Бу ойнага караб айримлар ўзининг унчалик ҳам кўркам бўлмаган башарасини, чангубор босган маънавий қиёфасини аниқравшан кўраяпти. Эркинлик имкониятларидан "унумли" фойдаланиш учун бирорлар не куйларга тушишмаяпти. Орамизда хуррият, унинг имкониятларини чукурлаштириш ўрнига ундан, иложи борича, кўпроқ юлиб олиб, уни ўз мақсадига курбон килиш йўлига ўтиб олган кишилар бор. Улар баъзан бир мuddат ўлашга, фикрлашга вақт топа олмаяптилар.

Бундай ҳолат узок давом этса, жамоачилик, жамоа бўлиб яшаш ва меҳнат килиш, умумдавлат ва умумхалқ манфаатлари сингари қадимий, улуг анъаналарга асос бўлган, миллатимиз менталитетини белгилайдиган тушунчадир ўз кийматини йўкотиши мумкин. Одамлардаги бир-бири учун яшаш, кўшничиллик, андиша ва мурувват сингари фазилатлар астасекин сўнади. Натижада улар янги шароитларда ўз ўринларини топиш, фавқулодда фаоллик ва куч-гайрат билан ўзлиги учун яшашга харакат килишади. Карабсизки, худбинлик кайфияти авж олиб, турмуш тарзига айланиб колади.

Эркинлик, демократия ўзига ҳаммани бўйсундирмаслиги, ҳаммани забт этмаслиги, балки у инсоний ақл-идрокка, яхшилик ва ёмонликни ажратадиган туйғуга бош эгиши, унинг йўриғида юриши лозим. Акс ҳолда, биз яна ўзимиздаги яигидан-янги иллатларни кўрсатаверишимиз ва шу билан бутун ҳаётимизга, қолаверса, жамият ҳаётига ҳам кулфатлар келтиришимиз ҳеч гап эмас. Ана шундан келиб чикиб биз, энг аввало, эркинликни, демократияни тарбиялашимиз керак. Чунки у соғлом фикрлар ва шаклланган ақл-идрок таъсирида бўлсагина бизни тарбиялаши, жамиятни соғломлаштириши мумкин. Аксинча эмас!

Одатда, якка-якка шахсларнинг рухий кечинмалари, хатти-харакатлари ва ўзгаришларидан умумжамият кайфияти, унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Мустақиллик ҳаётимизга тобора чукур илдиз отаётган, янгача маънавий-аҳлоқий мухит шакланаётган бир пайтда бу ўта муҳим аҳамият касб этади. Энди ҳар галгидан ҳам хушёрроқ ва тийракроқ бўлишимиз, кўлга киритган буюк неъматни, бебаҳо гавҳарни барча чангуборлардан тоза тутишимиз керак. **Мустақиллик шаъни ва иуфузн барча шахсий икир-чикирлардан, жамики манфаатлардан муқаддасрокдир.**

Шахснинг фақат ўзини ўйлаши, барча ташаббуслар тагида ўз манфаати туриши, шахсий ғамхўрлик, ўзи учун яшаш, ўзгани ўйламаслик, барча умумий манфаатлардан ўз манфаатини устун кўйиш кайфияти демократиянинг чукурлашишига монелик киласи.

Биз жаҳон маданиятига дахлдор бўлган, умуминсоний кадриятлар тараккиётига оламшумул хисса бўлиб қўшилган улкан маданият меросхўларимиз. Биз кишилик тарихини инсонпарварлик, инсоннинг ўзлигини англаш сари буриб юборган буюк алломалар ворисларимиз. Рус адаби Л.Гумилевнинг фикрича, Туркистанда фан, маданият энг юкори даражага кўтарилиган бир пайтда "Франклар ва нормандар византияликлар ва араблардан илохиёт ва ҳамомда юванишни эндигина ўрганишаётган эдилар"...

Бироқ яна шуни таъкидлаш керакки, биз қанчалик улуғвор ва жаҳоншумул маданай меросга ворис бўлмайлик, ўзимизни унинг конуний меросхўри санамайлик. Барibir инсон эканлигимизни, ҳар кандай шароитда ҳам бутун фазилатларимиз билан бирга

нуксон ва иллатлардан ҳам ҳоли эмаслигимизни очик-оидин намойиш этаяпмиз.

Демак, ҳар қандай шароитда миллий маданият тагида миллий "еввойи"лик — худбияттың, ҳамма нарсадан ўз манбаатини устун күйищ, барчани ўзига қурбон килиш кайфияти ҳам турар экан-да. Ана шундай бир шароитда кимдир сиёсий шон-шухрат ва ном чикағыш йўлини тутди. Адолату инсофни байроқ килиб иродаси суст бўлган, нимадандир аламзада одамларни ўзига эргаштириб, митинглару юришлар уюштириди. Кимдир давлат мулкини талон-тарож килса, яна бошкаси ўзини ишбилармон-тижоратчи деб эълон килди. У дўкондан нарса олиб, бу дўконга хоҳлаган баҳосини кўйиб, унга инсоф, диёнату виждонни қўшиб, ҳеч оғринмай сотоверади.

Нафс — оғат! Нафс — бало! У инсон ва инсонийлик кушандаси, зулм ва сатам манбаи! Ҳавою ҳавас авж олган, нафсга эрк берилган жойда мурувват йўқолади. Шафқат юзини чанг босади. Маърифатни зулмат қоплади. Нафс хуруж килган жойда одамийлик хору зор бўлади. Инсон деган муқаддас жон оёқ ости бўлади. Бугун биз ана шундай хуруждан эҳтиёт бўлишимиз, нафснинг бекиёс даражадаги хужумини барбод этишга интилишимиз, бутун иродамизни, куч-кудратимизни, акл-заковатимизни ишга солиб, инсоф ва диёнатни химоя килмоғимиз керак. Зоро, ҳазрат Алишер Навоий ҳам:

*Эркин улким, саъид этиб нафсоният,*

*Голиб ўлса умрида руҳоният,*

- деган эдилар. Дарҳакиқат, кимки нафсини тийиб, уни енгтан бўлса, руҳий дунёси пок, маънавий-ахлокий жиҳатдан етук бўлса, эркин бўла олади, эркинлик мазмунини чукур тушунади, уни асрой олади. Қолаверса, руҳий поклик, руҳий тозалик ўзини ўзи бошқаришга, ўзини ўзи идора қилиш, барча яхши-ёмон нарсалардан тийиб туришга кодир бўлган ноёб фазилат. Хатти-харакатлар, интилишлар ҳар қандай шароитда ҳам умумхалқ манбаатини ҳисобга олиб, унга таянсагина қадриятга айланиши мумкин. Хоҳлаган пайтда хоҳлаган гапни галиравериш эркинлик Эмаслигини, аксинча, бу шахсиятимизни,

маънавий имкониятларимизни, колаверса, миллий кадру қимматимизни поймол этилиши эканлигини баъзан ўйлаб хам ўтирумаймиз.

Демократия — онгли фикрлаш, ҳар қандай эҳтирослардан ҳоли, ақл-идрокка таянган муносабат! Демократия — юксак маънавият ва ички маданиятни ошкор этиш имконияти! Демократия бизга инсон ҳақ-хукукларини химоя қиласиган, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини асрайдиган барча қонунларга бўйсуниб яшашни ўргатади ва талаб этади. Аксинча бўлган жойда жамиятда бошбошдоқлик, парокандалик авж олади. Кишилар ҳаёти таҳликали тус олади. Буни ён-атрофимиздаги мамлакатларда юз берган ноҳушликларда кўриш мумкин.

Йиллар мобайнида онгимиз ва шууримизда ўрнашиб, вужудимиизда илдиз отиб кетган сиёсий ақидапарастликдан, ҳодисаларга кўр-кўронга эргашишдан ва котиб қолган тушунчалардан воз кечиш, уйғониш ҳаётий эҳтиёждир. Ана шу эҳтиёж биз учун демократия ва унинг имкониятларини, мазмун-моҳиятини, сиёсий ва ижтимоий ҳодиса сифатида мантигини тўғри англашга интилишни зарурат дараҷасига кўтаради. Шахс ва жамият эркинлигининг муштараклиги, руҳий ва маънавий-ахлоқий уйғунлиги олий мақсад, турмуш тарзи ва энг муҳим тараққиёт йўли бўлмоги керак.

Бизнинг қарашларимиз чегараланган. Нигоҳларимиз одатий тарзда борлиқда мавжуд бўлган дарахт, симёғоч, кўкат, тош, ёмғир ва шунга ўхшаган нарсаларнигина кўради, холос. Бироқ уларнинг ҳар бири ҳақида атрофлича фикрлаш, ана шу фикр замирида дунёни тушуниш, ҳар бир воқеа ва ҳодисани ақл-идрок эзагидан ўтказиш кобилиятивиз сусайган. Биз ҳаётга шунчаки қараймиз. Нигоҳларимиз фикрчан эмас. Ҳозирги ислоҳотлар даври, туб бурилишлар жараёни биздан фикрловчи, тафаккурга қоришган қарашларни талаб этади. Бугун — миллий уйғониш ва жаҳон сахнасида ўзимизни кўрсатиш пайтида синик ва ўйчан эмас, фикрлайдиган, ҳаракатга ундирадиган, ишлайдиган, муносабат билдирадиган жонли ва уйғоқ нигоҳлар зарур. Бугун бизга шундай қарашлар керакки, улар биратўла бутун борлиқни кўрсин. Нигоҳларимиз атроф-муҳитни камраб олсин, айни пайтда, ўйласин, фикрласин, воқеликни

тушунсин, мохиятига етсин. Ана шундай пайтда маърифатга муҳтоҷлик, маърифат танқислиги яна ҳам якколрек кўзга ташланади. Кишининг ўзлигани англаши, ўз шаънини химоя кила олиши ва барча ёмонликлардан ўзини тия олиши учун одам ориф бўлмоғи, қалбининг тубида, жиндай бўлса-да, маърифат шамчироги ёниб турмоги лозим. Ана шунда одам гуноҳдан ҳазар килиш, барча незъматлардан акд-идрок ва инсоф доирасида фойдаланиш йўлини тутади. Ножӯя хатти-харакатлари учун тавба-тазарру қилиш зарурлигини англай бошлайди. Тавба — қурум босган қалб ҳужайраларини соғломлаштирадиган, уни барча иллатлардан омон сақлайдиган маънавий имконият. Шунинг учун улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий "Тавба — гуноҳкор банданинг кўнгил кўзгусини гуноҳ зангидан тозалайди: авф сайқали билан у кўзгунинг юзини ёритади. Тавба — баҳтсизлик йўлининг охири ва тўғрилик йўлининг бошланишидир; у тақаббурлик ғафлатидан сесканмоқ ва ғафлат уйқусидан уйғонмоқ ва ўзининг нолойик аҳволини англамоқ ва беҳуда феълларини ташламоқ... қабиҳ ишлар, шармандалак ва расвогарчилик туфайли хижолатга қолишдан огоҳ бўлмоқдир. Тавба — инсонга хос саркашликтан воқиф бўлмоқ, кишини тўғри йўлдан оздирувчи нафс фасодидан ва кўнгил итоатсизлигидан нафратланмоқдир", — деган эди. Бу ҳакиқат! Бундан тониб бўлмайди! Бирок унинг бутун ҳакиқатини англаб олиш ва одам тавбага — ўзини ўзи тозалашга интилиши учун ҳам ўзида маънавий куч, рағбат, интилиш, ўзини ўзи бошқарилга кодир бўлган ирода сезмоги даркор. Афсус ва надоматлар бўлсинки, бизда ана шу фазилатнинг ўзи ҳам тансик, камебдир.

Эркинлик, деморатия ҳаётимизни ҳам, ўзимизни ҳам забт этди. Мустакиллик бунга йўл очиб берди, шундай имконият яратди. Энди биз ўзимизни англашимиз, дунёни тушунишимиз ва шу билан бирга демократиянинг бутун мохияти ва имкониятларини чукурлаштиришимиз лозим. Ана шунда биз ҳам, демократия ҳам, мустакиллик ҳам буюк незъматга, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган олий кадриятта айланади. Хуллас, Ҳазрат Мир Алишер Навоий айтганларидек,

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,  
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,  
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Дарҳакикат, то маънавий камолотта етмагунча, то хатти-ҳаракатларимиз, муносабатларимиз аклу идрок ва умумий манфаат доираси билан чегараланмагунча демократиянинг мазмуни ҳам, кўлами ҳам кутганимиз даражасида бўлмайди. Бу бевосита фуқаролар онги ва дунёкарашини тубдан ўзгартириш, яқин ўтмишимиздан колган локайдлик ва бокимандалик кайфиятларини йўкотиш, шу асосда миллий давлатимиз, миллий ватанимиз истиқболи учун куйиниш туйғуларини кучайтириш каби мураккаб, узоқ муддатли жараён билан боғлик. Ана шундан келиб чикиб Президент Ислом Каримов "...демократия ўз-ўзидаи вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз аклий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожеали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибина эришиш мумкин", — деган эди. Зоро, ана шу жуда мураккаб жараёнга ҳамма ва ҳар бир киши алоҳида тайёргарлик кўриши, ўзини тайёрлаб бориши, энг муҳими, ўзини ўзи ички бир маънавий қудрат билан тарбиялаб бўрғиши керак. Шунинг учун ҳам "демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга тадбиқ килишни ҳамда уларни ҳимоялашни жамиятнинг ўзи англамоғи даркор", — деб Ислом Каримов алоҳида таъкидлайди. Ана шунинг ўзи бизнинг жамият олдидаги, янгаланаётган ҳаёт олдидаги ва бутун келажак олдидаги вазифаларимизни белгилайди.

Ҳар кандай жамиятнинг маънавий қиёфаси айни ана шу жамият тизими, унинг кандай ғояларга ва мақсадларга эргашаётгани, кандай тафаккур асосида карор топаётгани билан боғлик. Ўзбекистон танлаган йўл инсон манфаатлари тўла ҳимоя килинган, унинг ҳақ-хукуклари ҳар томонлама кафолатланган фуқаролик жамиятини шакллантиришdir. Бу албатта, инсон онги ва тафаккурини ўзгартириш орқали турмуш тарзини

янгилаш сингари қатор мураккабликлар, қийинчилеклар, зиддиятларни енгиги үтишни такозо этмоқда. Уларни нималарда кўриш мумкин?

**Биринчидан**, эскилик ва янгилик ўргасидаги зиддиятлар. Эски тузум иллатлари яшашни истайди, ўз ўрнини бўшатишни хоҳламайди. Янги тузум гоялари эса жамиятни янгилаш заруратини чукур англайди ва бу зарурат ҳаёт-мамот моҳиятига, ҳар бир фукаро тақдирига, маънавий ва руҳий эҳтиёжига, асрлар мобайнида шаклланган турмуш тарзи ва дунёқарашига боғлик бўлган, уни ҳар жиҳатдан ҳимоя киладиган фикр сифатида майдонга келади. Бу ғоянинг яшаши ва турмуш тарзига айланипш айни ана шу эскилик иллатлари билан курашнинг накадар оғир ва ҳатто изтироблилиги билан белгиланмоқда.

**Иккинчидан**, фукаролар онги ва дунёқарашининг жамиятни тубдан ўзгартириш ва янги мазмун билан бойитиш учун унчалик ҳам тайёр эмаслиги. Зотан, 130 йиллик мустамлакачилик даври бизни фикрламай яшашга мажбур этди, Фикрий танбаллик, фикрий боқимандалик кўниқмаларини вужудимизга сингдириб юборди. Энди эса ақлни ишлатиб, ўз кунимизни ўзимиз кўришимиз ва шу асосда ўз иктидоримизни, яратувчилик кудратимизни кўрсатишимиш керак. Бу осонлик билан юзага чиқадиган ҳодиса эмас.

**Учинчидан**, инсон озодлиги, ҳур ва эркин яшаш тарзи бу шунчаки «берсанг ейман, бермасанг ўламан» қабилидаги турмуш тарзи эмас. Аксинча, инсон озодлиги озод сўз, озод фикр, эркин ҳатти-ҳаракат орқали жамият эркинлигини, жамият озодлигини ва умуман ҳуррият мазмун моҳиятини англашдан иборат бўлган сиёсий, иктиномий, маънавий-рухий ҳодисадир.

**Тўртингчидан**, демократик жараёнларни чукурлаштириш шароитида фукароларни айни демократик жараёнларнинг фаол иштирокчиси, унинг фаол ҳимоячиси сифатида тайерлаш. Бу ўта мураккаб, вакт талаб этадиган ҳодиса. Чунки мустамлакачилик даври иллатларидан кутулиш азобини, фикрлаб яшаш, ақл-идрок йўриғи билан кун кўриш «машаккати»ни ёнгиш учун инсонда ички ирода, маънавий кудрат керак. Ана шу ирода ва кудратни уйғотиш, шакллантириш, унга қувват баҳш этиш осон иш эмас.

Ўзбекистон фукаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган экан, ана шу инсон онги ва қалби билан боғлиқ бўлган, уни ислоҳ қилиш, тирик, мавжуд инсонни “янги”лаш, маънавий-руҳий “таъмирлаш” каби сермашаққат йўлдан борди. Бу ҳар қандай давлатдан жуда катта сиёсий қурдат, сиёсий маданият ва сиёсий иродат талаб этадиган буюк ҳодисадир.

Президент Ислом Каримов “Аҳолимизнинг сиёсий фаоллиги ҳали замон талаблари даражасида эмаслигини, ҳамон суст эканлигини қайта-қайта айтишга тўғри келмоқда. Тан олишимиз керак: эски андозалардан тўлиқ қутула олмаяпмиз. Барча муҳим қарорлар юқоридан қабул қилиниб, бизларни бор-йўғи итоатли ижрочиларга, баъзан ўйламай қабул қилинган қарорлар қурбонига айлантирган маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тузум иллатларидан жудо бўлишимиз кийин кечаяпти”, — деган эди. Бу айни жамиятни эркинлаштириш ва шу асосда демократик жараёнларни чукурлаштиришда энг катта гов бўлаётган ҳолатлардан бири.

Сиёсий маданият, сиёсий онг ва тушунчалар даражаси жамият хаётида инсон иштирокининг қандайлигини белгилайди. Зотан, сиёсий маданият ва сиёсий онг юксак бўлган жойда одамлар ҳокимият ишида фаолроқ иштирок этишади. Қарорлар қандай қабул қилиниши, унинг ижроси қандай назорат қилинаётганлигини кузатиб боришади, муносабат билдиришади. Ўз хаётларига даҳлдор бўлган маъмурий тадбирларга бефарқ қарашмайди. Аксинча, уларни тайёрлашда иштирок этишади, натижада қарорлар ижроси учун ўзлари манфаатдор сифатида масъулиятни ҳис қилишади.

Ўзбекистонда нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини чукурлаштиришнинг ўзига хос тизими мавжуд. Давлат бош ислоҳотчи сифатида бунга алоҳида эътибор беради. Президент Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўнгги беш йил ичida мамлакатимизда жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар сони 1500 тага кўпайиб, 2300 тага етганини, улар энди одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга фаол таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидлади. Ана шу биргина мисолнинг ўзи жамиятимязда

эркинлаштириш жараёнининг кўлами ва микёсини белгилайди.

Президент И.Каримов ахолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўргасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарурлигига алоҳида эътибор беради. Бу механизм, энг аввало, жамиятни эркинлаштириш орқали одамларнинг сайловларга муносабатини ўзгартиришни, якин ўтмишимизда, дунёкарашимизда ўрнашиб колган сохта сайловбозлик ва сиёсий ўйинлардан воз кечишни тақозо этади. Одамлар ўз манфаатларини ва мақсадларини амалга ошириш, хақ-хукукларини химоя қилиш учун сайловларда иштирок этиш зарурлигини англамоги лозим. Сайлаш ва сайланиш хукуки айни хар бир фуқаро сиёсий фаоллигини, жамият тараққиётига дахлдорлигини белгиловчи омил сифатида ўзини кўрсатмоғи даркор.

Ўзбекистонда сайловлар ўтказишнинг демократик тамойиллари мавжуд. Бу тамойиллар жаҳон сайлов ўтказиш тажрибалари асосида дунёга келди ва шаклланмоқда. Фуқаролар эса уни тўла-тўқис кўллаб-кувватламоқда.

Инсон ҳак-хукукларини химоя қилиш, унинг эҳтиёжларини қондиришда давлат қурилиши, бошқарув тизими ва жамиятни эркинлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки Йилларидаёқ ўзининг стратегик мақсадларини аник ва равшан ифодалаб берди ва давлат ўз ваколатларини астасекинлик билан, боскичма-боскич жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказиши, фуқароларнинг ўз-ўзинн бошқариш органларининг ролини ошириб бориш орқали демократик жараёнларни чукурлаштириш зарурлигини айтган эди. Ана шу тамойилнинг ўзи фуқароларнинг, бир жиҳатдан, эркинлиги ва озодлигини таъмин этса, иккинчи томондан, ўз хаётларини изга солишга, демакки, жамиятни бошқаришга иштиёқини кучайтиради. Аста-секинлик билан жамият хаётининг ҳамма соҳаларига дахлдор, унинг олдида бурчли ва масъулиятли эканлигиниenglаб боради. Бу мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва хукукий ислоҳотлар сингари инсонни ислоҳ қилиш, янги жамият фуқаросини

шакллантириш, эски тузумда туғилиб, дунёкарашлари шаклланган инсонни «янгилаш» сингари “инсоний ислохотлар”нинг самарасини кўрсатади.

Президент Ислом Каримов тараққиётнинг Ўзбекистон учун мақбул тамойилларини ишлаб чикар экан, аввало, мамлакатда яратилажак жамият қандай бўлишига зътибор беради ва унинг фикрича, Ўзбекистонда бунёд этиладиган жамият барча “изм”лардан холи ва у қандай номланишидан қатъи назар, адолатли, халқчил, инсонпарвар жамият бўлмоғи лозим.

Шунинг учун ҳам, мамлакат ички ва ташки сиёсатининг асосий йўналишлари пировард натижада чинакам мустакил Ўзбекистонда янги, адолатли жамият барпо этишга қаратилди. “Республикада событқадамлик билан халқчил, адолатли жамиятии бунёд этиш бош вазифадир”, - деб утиради Президент. Бу борадаги фикрини давом этгиреб ў: “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустакил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий ахволи, сиёсий зътиқодларидан қатъи назар, фуқароларининг ҳуқуклари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Халқ давлат ҳокимиятиининг манбандир”, — деган қоидани илгари сурди,

Ижтимоий хаёт, мамлакатда юз берадётган жиддий ўзгаришлар ва инсон ҳаётининг дахлсизлиги бевосита янгидан янги муаммоларни келтириб чикаради. Одамлар эса ана шу муаммоларни бирин-кетин ҳал этиш жараённида ўз эрки ва ҳак-ҳуқукларини химоя килиб бораверади. Жамият тараққиётига мос равишда ахоли “тарбияланиб”, шаклланиб, баркамоллашиб боради. Айни пайтда, биз худди ана шундай жараёнларни бошдан кечиряпмиз.

XX аср инсоният тарихида жуда катта ҳодисаларни келтириб чиқаргани билан алоҳида ўрин эгалламоқда. XXI аср жаҳон сиёсатида янги даврни — юксак маънавиятга таянган, акл-идрокка суюнган, энг чигал муаммоларни ҳал этишида ҳам тафаккур куч-кудратини кўрсатиш даврини бошлаб бермокда.

Тарих нұктай назаридан қараганда, куни кече мустакилликка әришган Ўзбекистон икки аср оралиғида серташвиш ва муаммолар күршовида қолған эски дунёға янгича тафаккур, воеа ҳодисаларға янгича ёндашиш, аникроқ килиб айтғанда, шарқона донишмандлық ва шарқона мұносабатлар устунлигини күрсатыб, ўзлигини намоён этмокда.

Дархакиат, тарихан ниҳоятда киска даврда — мустакиллик йилларида Ўзбекистон жағон хамжамиятида ўз үрни ва ўз нуфузига эга бўлди. Дунё муаммоларини ҳал этишда "ўзбек модели" вужудга келди.

Президент Ислом Каримов, Ўзбекистон ҳукумати эски дунёнинг янгидан-янги муаммоларини бутунлай янги назар билан ўрганади. Унинг ўзи шахс сифатида жағон сиёсий майдонида мутлақ янги ҳодиса бўлгани учун хам дунё можароларини янгича тафаккур билан идрок килиш, уни янгича тушуниш, бутунлай янги йўналишларга буриб юбориш йўлини тутди. Худди шундай ёндашув Президент Ислом Каримовнинг жағон сиёсатидаги ўзига хос йўлини, миллий давлатчилигининг нодир хусусиятларини, қолаверса, дунёвий муаммоларни ҳал этишда ва инсоният тақдирини белгилашда ўзбек моделининг таъсири тобора ошиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг 1995 йил 23 февралда бўлиб ўтган биринчи чакирик биринчи сессиясида Президент Ислом Каримов мамлакатда демократик жараёнларни чукурлаштириш, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, энг инсонпарвар, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш хусусида гапирап экан, "Ўзбекистон XXI аср остонасида" дастурини ишлаб чиқиши зарурияти ҳақида алоҳида тўхталган эди. Орадан кўп ўтмай, ана шу кенг тармоқли дастур Президентнинг ўз ташаббуси билан яратилди. Бугун қўлимизга теккан "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" деб номланган йирик илмий, назарий, таҳлилий асар Ўзбекистон давлат сиёсатининг бош дастури сифатида дунёга келди.

Президент Ислом Каримов демократик жараёнларни чукурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш хусусида гапирап экан, дунё муаммоларини, дунё тажрибаларини, инсоният тараққиёти даврида тўпланган

ижобий хулосаларни чукур ўрганади ва унга ўзига хос баҳо беради. Жумладан, у бутун жаҳон сиёсатида ҳар қандай зўравонлик ва куч ишлатишдан, ҳар қандай қурол-ярок ва тазиқлардан устун келадиган тафаккур дунёга келаётганини, энди ёқавайронлик, портлатиш ва қирғинбарот келтиришлар ибтидоий ҳодиса эканлигини, "зўр бўлсанг, ўзингни ақлинг билан кўрсат" кабилида иш кўрсатиш вакти келганлигини бошқалардан кўра тезроқ англади, бошқалардан кўра чукурроқ тушунди. Энди борган сари очиқлик, юзма-юз туриб фикрлашиш, муаммоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш ва ана шу аёвсиз музокаралар пайтида соғлом ақл-идрок тантанасига эришиш зарурлигини кўрсатиб бермокда.

Президент Ислом Каримов мазкур китобида мустамлакачилик ва иркий камситишликнинг йўқ қилинганинги, социализм ва коммунистик мафкуранинг зўравонлик даъволари барбод этилганлиги, жаҳон харитасида янги мустакил давлатларнинг пайдо бўлганлиги, минтақалараро муносабатларда мувозанатнинг ўзгариб кетганлиги, аниқрок қилиб айтганда, жаҳон таракқиётида Осиё китъаси мамлакатлари ролининг ошиб бораётганлиги XXI аср ижтимоий-сиёсий жараёнларининг ўзгариб боришига сабаб бўлишини чукур таҳлил этади.

Муаллиф назарида демократик таракқиётнинг турли қадриятлари, тамойиллари ва меъёрлари такомиллашиб, бирбирини бойитиб, оммабоп тус олмоқда. Энди ана шу қадриятлар ер юзининг турли мамлакатларida турли ҳалқлар ва миллатларнинг ягона, умуминсоний, умумбашарий қадриятларига айланмоқда. Зотан, инсон ер юзининг қайси бурчагида яшамасин, у, энг аввало, инсонлигини тушунмоғи лозим, инсон каби яшашга ҳакли. Ўзбекистон сиёсати назарида жаҳон таракқиёти ана шунга асосланмоғи керак.

Муаллиф демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида фикр юритар экан, куйидагиларни мухим омил сифатида кўрсатиб беради.

**Биринчидан,** Президент И.Каримов тасаввурида: "Фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига моиелик килмайди, аксинча, ёрдам

**беради".** Демак, жамиятда энг аввало қонун устувор бўлиши, барчанинг қонун олдида тенглигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ана шунда фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъмин этилишига имкон яратилади. Ҳар қандай камситишларга йўл қўйилмайди ва инсон ҳаёти тўла кафолатланади.

Демократия сиёсий ва ҳуқукий ходисагина эмас, айни пайтда, у-юксак маънавият, бой маданият, шахс камолоти билан боғлиқ бўлган, ҳар бир фуқаро маънавий-ахлоқий ва руҳий ҳолатини белгилайдиган олий қадрият. Муаллиф демократик жараёнларни чукурлаштириш хусусида гапирав экан, демократия эркинликларни, жамият маънавий киёфасини ва шахс озодлигини ана шундай яхлит ҳолда, бир бутун жонли организм шаклида тасаввур этади.

**Иккинчидан,** демократияни чукурлаштириш омилларидан бири сифатида кўп партиявийлик ҳакида алоҳида тўхталади ва ўз фикрини аниқ, лўнда қилиб ўргатга ташлайди. Ҳеч качон партиялар сони демократия кўламини, миқёсини, даражасини ва қадриятларини тўла-тўқис белгилай олмаслигини кўрсатиб беради. Турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини ҳимоя қила оладиган турли партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари ўз фаолият доирасидагина ўз аъзолари манфаатини ҳимоя қилиши мумкин, холос. Бироқ умумий манфаат — ҳалқ, жамият, мамлакат манфаати сингари энг олий ва энг қимматли эҳтиёжлар ҳам борки, бу барча сиёсий партиялар ғоялари ва мағкураларининг умумий йигиндиндисидан, турли ва хилма-хил қарашларнинг уйгунилигидан келиб чиқади. То ана шунга эришилмас экан, демократия шунчаки русумга айланиб қолаверади. Ана шундай нуктаи назардан "Партияларнииг пайдо бўлиши, уларнииг сони, дастури, йўл-йўриклари ўзига хослиги ва ҳоказолар эса ижтимоий манфаатлар йигиндиси ва жамланиши орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим", — дейди И.Каримов.

Учинчидан, муҳолифат ҳакида. Муаллиф тасаввурнида муҳолифатнинг мавжудлиги демократик жамият учун

зарурий ҳодиса ва нормал холатдир. Бироқ бу шахсий манфаатлар заминидан униб чиккан, ўз орзу-умидларига эришиш учун интилган ёки жамиятнинг орзу килинган амаларидан маҳрум этилган бир ҳовуч норози, нолинчоқ шахсларидан иборат бўлган аламзадалар "армия"си эмас, аксинча, ташкилий жиҳатдан расмийлашган, хуқукий мақомга эга бўлган, Конституция ва амалдаги қонунларга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирган, ўз хатти-харакати билан давлат ва жамиятдаги барқарорликка масъул бўлган юксак даражадаги сиёсий маданият кўригидир.

Ҳақиқий мухолифат том маънода давлат ва жамият тараққиётига ёрдам берадиган, хукумат фаолиятининг такомиллашишига қўмаклашадиган, конструктив, илмий ва амалий жиҳатдан асосли бўлган, хаётий жиҳатдан халқ томонидан маъқулланган хulosалар билан яшайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Тўртингчидай, жамоатчилик фикрининг қай даражадалигини билиш, уни шакллантириш ва такомиллаштириш жамият ва шахс, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришда мухим омилдир. Зотан, жамоатчилик фикри айни жамият сиёсий маънавий қиёфасини белгилайди ва давлат сиёсатининг нечоғлик хаётий ва асослилигини, халқ манфаати ва эҳтиёжларига канчалик эш зўлаётганини кўрсатади.

Ана шу маънавий-рухий ва сиёсий иклимини барқарорлаштиришда сиёсий партияларнинг роли бенихоя катта. Шунинг учун И.Каримов: "Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастури, йўл-йўриклиари ўзига хослиги ва ҳоказолар эса ижтимоий манфаатлар йигиндиси ва жамланиши орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини хурмат килиш ва уларга риоя этиш... партиялар ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни чукурлаштириш катта аҳамиятга эга. Бунда оммавий аҳборот воситалари ролини ошириш зарур. Айникса, ўтиш даврида, туб ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда турли тоифа, савия ва дунёкарапшга эга бўлган халқ фикрини бир нуктага жамлаш, уни асосий йўналишга буриб туриш

ислоҳотлар тақдирини ҳал қиласиган энг муҳим омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам матбуотга муносабатни ўзгартириш, унинг жамиятда тутган ўрни ва ролини аниқлаш, "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтариш зарурдир", — деб алоҳида уқтиради.

Албатта, жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижтимоий ва сиёсий жараёнларда унинг фаол иштирокини таъминлашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш зарур. Бирок ҳаёт хақиқати, мантиги ва фалсафасининг яна бир муҳим жиҳати бор. Бу бевосита сўз ва фикр эркинлигининг меъёри, демократик жараёнларнинг табиий харакати ёки аксинча, уни сунъий йўл билан тезлаштириш ҳолатлари билан боғлиқ бўлган жиддий ҳодиса. Дарҳакиқат, демократияга ҳаддан ташқари ружу қўйиш, унга ортиқча эрк бериш жамиятни анархияга олиб келади. Демократик анархиянинг олдини олиш учун кучли давлат керак. Бунинг учун эса ҳокимиятнинг барча тармоқларини кучайтириш лозим. Чунончи, кучли ижро ҳокимияти, кучли суд ҳокимияти ва кучли қонунчилик ҳокимиятини йўлга қўйиш лозим.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Аҳоли дунёкарашини, унинг маънавий-рухий эҳтиёжларини ҳамда жамият сиёсий қатламлари имкониятларини хисобга олмасдан демократияни зўрлаб жорий этиш демократик диктатурага олиб келади. Табиийки, демократик диктатура, демократик тоталитаризм демократик тамойилларнинг умумисоний қадриятларга даҳлдор бўлган мезонлари мазмунини пасайтиради. Унга монелик қиласи.

Агар сиёсат ҳақиқий ҳалқчиллик, баркарорлик, миллий қадриятларга даҳлдорлик қасб этса, ўз-ўзидан табиий равишда демократик шакл ва мазмунга эга бўлади. Бундай сиёсат ҳалқ тақдирини, турмуши ва келажагини кафолатлаган, унинг яшаш эрки ва бутун озодлигини таъминлаган бўлади. Зотан, унинг замирида соғ умумисоний қадриятлар ва шахс баркамол турмуш тарзининг тўла кафолати мавжуддир.

Таникли давлат ва сибсат арбоби Черчилл демократия "ҳокимият боншарувининг энг яроқсан шакли, лекин

**инсоният ҳозирча унинг мақбулроқ шаклини топа олганича йўқ", -деб айтган эди.**

Сиёсатшуносларнинг айримлари буни парадокс сифатида тушунишади. Бирок демократиянинг бундай — Черчиллча талқинининг ҳам мантиги бор.

Аслида эса демократиядан келиб чикадиган таҳдид, Президент И.Каримовнинг фикрича, XXI асрда демократия қандай шаклда бўлади? У XXI асрда яшайдими ёки умумисоний қадриятлар билан уйғунлашиб, унга сингиб кетадими? — деган саволларга жавоб излаганда аникроқ кўзга ташланади.

Халқимизда “Қарс икки кўлдан чикади” деган нақл бор. Ёки одатда икки ва ундан кўп гоялар мавжуд жойдагина ўзаро кураш, фикрлар хилма-хиллиги ва қарама-қаршилиги юз беради. Дейлик, ер юзидан социализмнинг емирилиши билан капитализм ўз кийматини йўқотди. У умрини ўтаб бўлган эски мафкурага айланиб қолди. Икки қарама-қарши томоннинг бири йўқолса, иккинчи томон ўз мувозанатини йўқотиши табиий ҳодиса. Ана шу мантиқдан келиб чиқиб ҳам айтиш мумкинки, ҳозир ҳеч қандай “изм”ларнинг киймати қолмади.

Хўш, тоталатаризм ҳам, диктатура ҳам бутунлай барбод этилгач, инсон озодлиги ва яшаш эрки тўла таъмин этилгач, у қонунлар билан кафолатлангач, демократияга эҳтиёж қоладими? Демократия бундай шароитда одамларнинг ҳам, жамиятнинг ҳам қон-конига сингиб кетган бўлади-ку. Ана шу хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, демократия бу — умумисоний қадриятлар тантанасининг остонасиdir!

Агар японлардан "Нимага сизларда демократия ҳакида мунозаралар йўқ" деб сўрасангиз, улар "Биз нормал яшаяпмиз. Бу демократия эмасми?" — дейишади. Чунки улар учун демократия кундалик ҳаётнинг оддий хусусиятига айланиб колган.

АҚШда эса демократия миллий, анъанавий рамзга айланган. Бу ҳақдаги мунозаралар тор илмий доиралардагина дунёнинг бошқа минтақалари билан қиёсий тарзда ўрганилади, холос.

Шундай ҳаёттй ҳакиқат борки, факат тоза ҳавога муҳтоҷ одамгина тоза ҳаво етишмаслигини муаммо килиб кӯтаради. Оламга жар солади. Ўзига ўхшаган одамлар орасидагина мунозаралар, асабий тортишувлар авж олади. Унга етишгач, кишини ҳайратта солувчи осойишталик пайдо бўлади ва у кундалик турмушнинг оддий ҳолатига айланиб қолади.

Эскича фикр юритиш, эскича тафаккур тарзи ҳамма вакт янгиликнинг йўлини тўсади, унга гов бўлади. Президент Ислом Каримов: "Эски сарқитлардан жудо бўлиш дунёқарашлар, психологиялар, турли даъволар ўртасидаги кўзга кўринмайдиган, лекин тинкани куригадиган курашлар билан бирга бормокда. Ҳаётнинг ўзи аны шу дунёқарашлар, психологиялар, даъволар орасидан ўтишга мажбур килмоқда", - дейди. Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон ана шундай мураккаб, зиддиятли курашлар оркали янги асрга қадам кўймокда. Бу курашлар қанчалик кийин бўлмасин, эскича тафаккурни синдириш, янгиликни қабул килиш қанчалик машаққатли бўлмасин, айни пайтда, у миллионлаб кишиларни ўзига эргаштириб олмоқда. Келажакка катъий ишонч билан қаралмоқда.

Жамиятни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказишдек туб ислоҳотлар ҳеч қаҷон осон кечмаган. Ана шундай тарихий жараёнларда Ўзбекистонда демократик жараёнларни чукурлаштириш ва жаҳон тажрибасини бойитишда янги "ўзбек модели" вужудга келмоқда. Мазкур асарнинг кадрияти ана шу билан ўлчанади.

Мамлакатимизда туб ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилларининг жорий этилиши аввалига айрим мухолифларимизга унчалик ҳам хуш келмаган эди. Улар буни сусткашлиқка, маъмурий-буйруқбозлиқ тузумининг иллатларига, янги ҳокимиятнинг демократик ўзгаришлари нокобиллигига йўйишди.

Аслини олганда, ислоҳотларни инқилобий йўл билан амалга ошириш бизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзимизга буткул зид нарсадир. Бундай йўл тутилганда жамиятда мислсиз фожеаларга олиб келиши бугун барчага аён. Ҳиссиёт ақлдан

устун келган жойда жамият инкирозда юз тутишини, ҳар қандай ислоҳот эса аста-секинлик билан одамлар қалби ва онги орқали амалга оширилгандагина юксак маданий ва маънавий мазмун касб этишини муҳолифлар тушунишмас ёки тушуна туриб, бошқача мақсадларни кўзда тутишар эди.

Орадан бирмунча вакт ўтгач, аввало, иктиносидий ислоҳотларнинг дастлабки самаралари кўзга ташлана бошлади. Бу давлат мулкини хусусийлаштиришдан тортиб, пул ва банк-кредит тизимини бутунлай янги изга солиш, хорижий сармояларни жалб этиш, ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартириш, саноатни янги, илғор замонавий технологиялар билан жихозлашгача бўлган ва бошқа жиҳатларни камраб олган ислоҳотларни ўзида мужассам этади. Айни ана шу янгиланиш жараёнида "ўзбек модели" вужудга келди.

Хўш, Ўзбекистоннинг туб ислоҳотлардаги ўз тараққиёт йўли факат шулардан иборатми?

Бугун ижтимоий хаётимизнинг барча соҳаларида бутунлай янгича муносабатлар карор топди. Жамият тараққиётининг аҳоли маънавай-руҳий, сиёсий-маданий қарашларидан келиб чиккан ўзига хос ёндашиб усули шаклланади. Жумладан, демократик жараёнларни чукурлаштиришда ҳам муҳим боскич, янги давр бошланди.

Мустақилликнинг илк кунлариданок Президентимиз хукукий демократик давлатни барпо этиши ва фуқаролик жамиятини вужудга келтириш масаласини долзарб вазифа килиб ўргага ташлади. Айни ана шу тамоиллар асосида жаҳон давлатчилиги энг илғор тажрибаларига мос келадиган, дунё тан оладиган, инсон хукуқлари ҳар жиҳатдан кафолатланадиган жамият барпо этиш кўзда тутилган эди.

Маълумки, 90-йилларнинг бошлари мамлакат мустамлака тузумидан мерос бўлмиш оғир ижтимоий, иқтисодий пўртанаалар гирдобида колган, демократия "ўйин"лари авж олган, аҳолининг айрим гурухларида эҳтирослар жунбушга келган бир пайт эди. Биз бу хусусда китобимизнинг аввалги сахифаларида имкон доирасида тўхталиб ўтдик. Ана шу оғир вазиятдан эсон-омон чиқиб олиш, Президент ибораси билан айтганда "ҳеч қандай ларзаларсиз", кон тўқмасдан, мамлакатда баркарорликни саклаб турган ҳолда аста-секинлик билан хаётни изга солиш

Йўли танлаб олинди ва катъият билан амалга оширилди. "Янги уй курмай туриб, эскисини бузмаслик" сингари ҳаёт синовидан ўтган тажрибалар йўлидан борилди. Бу гоя ислохотларнинг ҳамма соҳаларига — ҳукукий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатларига тегишли эди. Унда сиёсатнинг инсонпарварлик мазмуни. ҳар бир фуқаро, ҳар бир тирик жон ҳаётининг дахлсизлигини таъминлашга масъуллик, бутун мамлакат тинчлиги ва осойишталигини саклаш, жавобгарлик ҳисси мужассамлашган эди.

Ислом Каримов ўша пайтдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг бориши хусусида фикр юритар экан, жумладан, шундай деган эди: "Дастлабки кезларда Ўзбекистонни сусткашлик ва консерватизмда айблашғанди. Аммо Ўзбекистон бугунги кунга келиб, бозор ўсгартишларининг теранлиги, ижтимоий янгиланишининг суръатлари ва тараққиёти юзасидаи собиқ совет худудидаги аник дастурга эга бўлмай туриб, асоссиз ва мулоҳазасиз ислохотлар жараёнини тезлаштиришга уринган, бесабрлик килган, сохта обрўга интилган кўпгина республикалардан олдинлаб кетди.

Минг афсуски, ана шу юзаки уринишларнинг ҳаммаси пировард натижада ислохотларнинг ўзини маълум даражада обрўсизлантириди. Уларга ортиқча сиёсий тусе берди. Жамиятдаги ички қарама-қаршиликни кучайтириди. Бу бор гап ва ундан ҳеч қаёққа қочиб кутулиб бўлмайди".

Мана, орадан бир неча йиллар ўтди. Тошқинлар тинди, атай лойикалатилган сувлар тиниклашди, булутлар таркалди. Ҳақиқий ҳаёт манзараси аник-равшан кўзга ташланди: сиёсатнинг ўткинчи ҳиссиёт ва туйғулардан холи бўлган, аклилпроқ ва тажрибага таянган амалий қиёфаси намоён бўлди. Айтиш мумкинки, шу ҳолнинг ўзиёқ янтиликни эволюцион йўл билан амалда жорий килишнинг, катъий интизомга таянган демократиянинг маънавий қиёфаси эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чакириқ 1 сессиясида (1995 йил 23 февраль) Ислом Каримов томонидан демократия ҳақидаги илмий-назарий жиҳатдан

асосли, ҳаётий жиҳатдан амалий хулосалар ўртага ташланди. Давлат сиёсатининг демократик жараёнларни чукурлаштиришга доир стратегияси ишлаб чикилди.

Бугунга келиб ҳаммамизнинг демократия ҳакидаги тасаввурларимиз бирмунча кенгайди. У ҳаётимизнинг муҳим ва ажралмас қисми, маънавиятимизнинг кўзгуси эканлигини тушундик. Ҳуррият шунчаки сўзбозлик ва тадбирбозлик, гурухбозлик ёки кўча-кўйда айюҳаннос солиб кичкириш эмас, таъbir жоиз бўлса, қонун диктатурасидир. Ҳа, ҳакиқий демократия - конунлар диктатураси!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессияси ижтимоий ҳаётимизда демократик ўзгаришларнинг янги даврини бошлаб берди ва бу жараёнларни чукурлаштириш тамойилларини янги босқичга кўтарди. Буни нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан, мустакилликнинг дастлабки йилларида, аввало, одамлар янгича турмуш тарзига кўникма ҳосил қилишлари керак эди. Ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини англаб, мустакил тараққиёт афзалликлари ва бекиёс имкониятларини тушуниб олишлари лозим эди. Бусиз ҳеч қандай натижага эришиб бўлмасди. Чунки ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда ҳам инсон асосий ҳал қилувчи омил, жамиятни харакатга келтирувчи куч хисобланади. Шунинг учун ҳам ҳаётдаги янгиланишлар дастлаб ҳар бир фуқаронинг қалбидан, онги ва тафаккуридан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистонда, иктисадий ислоҳотларда бўлгани каби, демократияга муносабатда ҳам шу гарза йўл гутиди. Олдин жамият барқарорлигини таъминлаш, одамларни демократик ҳаёт тарзига ўргатиш, уларга демократик тамойилларни тушунтириш ва шу тарика демократик жараёнларни фаоллаштириб, уларни турмушга жорий эта бориш зарур эди.

Аслида, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўли танлангандаёқ демократияни жорий этишнинг стратегик дастурлари ишлаб чиқилган эди. Бу дастурларни амалга ошириш учун назарий фаолиятни кучайтириш, тафаккур ва тушунчаларни ўзгаришиш йўли билан одамларни ҳам, жамиятни ҳам демократик ислоҳотларга тайёрлаш тақозо этиларди.

**Иккинчидан, жамиятни тубдан янгилаш, турмушимизнинг барча соҳаларида кенг миқёсли ислоҳотларни амалга ошириш ва шу асосда демократик тамойилларни турмуш тарзига айлантириш узоқ давом этадиган узлуксиз жараён. Бу кундалик хаётимиз билан боғлиқ бўлган ва умуман мамлакат тақдирини белгилашда изчилликни такозо этадиган, событкадамлик билан турли қаршиликлар ва тўсиқларни енгиб, эскича қолипларни бартараф этиб, янгича тафаккур тарзини жорий килишни ўз ичига олган мураккаб жараён.**

**Колаверса, жамиятни демократлаштириш бу иқтисодий ислоҳотлардан тортиб хуқуқий, сиёсий ва маънавий янгиланишларга бевосита таянган воказеликдир.** Сессияда таъкидланганидек, "демократиялаш жараённинг айни ана шу хуқуқий, сиёсий ва маънавий жараёнлари иқтисодий тараққиётдан орқада қолмокда". Бунинг сабаби, Президент айтганидек, "талай мухим қонунлар тегишли қонун хужжатлари билан мустаҳкамланмаганлигида, қабул қилинган хуқуқий меъёрлар ва кафолатларни рӯёбга чиқаришнинг аник механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган"идадир.

Бинобарин, бу ҳолат хокимиятнинг конун чикарувчи, ижро этувчи ва суд тизимлари хамда жамоат ташкилотларининг фаолиятини кенгайтиришни, уларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишни такозо этади. Ёки, аниқрок килиб айтганда, улар фаолиятини инсон хуқуклари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бутун бир тизимини яратишга, пировард максадларни инобатта олган узоқ муддатли стратегик дастурларни ишлаб чиқишга, уни хаётга изчиллик билан жорий этишга ва шу йўл билан одамлар тафаккурида ўзариш ясад, жамият маънавий киёфасини шакллантиришга сафарбар этиш лозимлигини кўрсатади.

**Учинчидан, конун устуворлигига эришиш, конун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш лозим.** Бунинг учун, энг аввало. хукук-тарзибот ишларини, қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларни халқаро мезон ва андозаларга мослаштириш зарур. Ҳозирги пайтда жаҳонда мазкур масалага доир етмиш хил андоза мавжуд. Буларнинг ҳаммаси жаҳон

ҳамжамиятида тан олинган тамойиллар хисобланади. Ўзбекистон ҳозир ана шу андозалардан ўн бештасига кўшилганлиги унинг жуда кисқа муддатда демократияни турмуш тарзига ва тобора шаклланиб борадиган жонли ҳодисага айлантириш борасида эришган катта ютуғидир.

Ислом Каримов мустакиллик даврида босиб ўтилган йўл, тўпланган тажрибалар ва имкониятларни таҳлил қилас экан, муҳофаза килиш органлари фаолиятини қайтадан кўриб чикиш, уни жаҳоннинг энг илғор тажрибалари билан бойитиш кераклигини уқтиради.

Сессияда инсон хукукларини кафолатлаш ва бу соҳадаги меъёрий ҳужжатларни амалга ошириш устидан назоратни кучайтиришнинг энг замонавий шаклларини вужудга келтириш зарур, деб тъқидланди. Жумладан, Олий Мажлиснинг инсон хукуклари бўйича вакили инсгшуга ҳамда хукуқпарвар жамоа ташкилотларининг мавқеи ва мақомини кўтариш, инсон хукукларини химоя қилиш вакили — Омбудсман институти, Жамоатчилик фикри институти, Амалдаги конунчилик Мониторинги институти, Инсон хукуклари миллый маркази сингари ташкилотлар ишини ривожлантириш, такомиллаштириш ҳамда бошқа бир катор институтларни ташкил этиш зарурлигини кўрсатди.

Президентимиз сессиядаги маърузасида масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратди: "Аҳолида инсон хукуклари ва эркинилкларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард иатижада эса инсон хукукларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишини умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш гоят муҳимдир. Инсоннинг ўз хукуклари ва мажбуриятларидан яхши ҳабардор бўлиши шахе хукукларининг конституциявий кафолатларини рӯёбга чиқаришнинг энг ясасий шарти бўлиб қелиши керак".

Бу вазифа одамларнинг тафаккурида ўзгариш ясаш, уларнинг ўз ҳак-хукуқини чуқурроқ англаб олишига ёрдам бериш, умуман олганда, ҳар бир фукароning хукукий билимлари савиясини оширишни тақозо этадиган жараён. Зотан,

ўз ҳак-хукуқини аниқ билган, ўзини ҳимоя қилишга қодир шахс жамият олдидаги бурч ва мажбуриятларини ҳам чукур хис этади. Фукаронинг хукуқий онги ва сиёсий билими қанчалик юкори бўлса, давлат ва жамият олдидаги мажбуриятини ҳамда фукаролик масъулиятини шунчалик чукур англайди. Ана шундай холатнинг ўзи шахс ва жамият ўргасидаги муносабатларнинг ўйғуллашган, баркамол маънавий қиёфасини белгилайди.

**Тўртингчидан**, аҳолининг сиёсий фаоллиги бевосита унинг жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларига қанчалик даҳлдорлиги билан белгиланади. Агар фукаро сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан фаол бўлса, у ўз-ўзини бошқаришга ва шу орқали жамoa ҳаракатини шакллантиришга, унинг мазмунини чукурлаштиришга қодир бўлади. Янгиланаётган жамият аҳолини кундалик ташвишлар ва ҳар хил икир-чикирлар гирдобидан олиб чиқади, уни хаётга теранрок ва сергакроқ қарашга ўргатади. Агар ҳар бир фукаро хаётда ўзини ана шундай тутса, ана шундай қобилиятта эга бўлса, демократия ўз-ўзидан жамиятнинг таркибий қисмига айланади, ижтимоий турмушимизда мустаҳкам карор топади. Бундай ҳодисани Президент И.Каримов: "Бир сўз билан айтгандан, мустақиллик, ҳуррият ҳалқимизга ниҳоятда қимматга тушган. Ҳурриятнинг баҳоси доимо авлодлар тақдири, иймони, виждони билан ўлчанади", — деб тўғри баҳолаган.

Аҳолининг сиёсий маданиятини ошириш, унинг жамият ривожланишида тутган роли ва мавқеини кўтариш кўп жиҳатдан кўп partiyaвийлик тизимини шакллантириш ва унинг фаолиятини чукурлаштириш билан белгиланади. Айни пайтда мамлакатимизда "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги конун амал қилмоқда. Ҳозир шу конун доирасида мамлакатимизда бешта партия, битта ҳалқ ҳаракати, касаба уюшмалари, жами икки юздан ортиқ жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Хукуқий демократик давлат ва фукаролик жамияти барпо этишда бу ташкилотлар мұхим аҳамият касб этади. Чунки, Ислом Каримов таъбири билан айтсан, "Жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, валюнтаризм, авторитар

**тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий кафолат ҳам бўлмайди".**

Бешинчидан, демократиянинг яна бир белгиси жамиятда мухолифатнинг мавжудлигидир. Маълумки, бизнинг мухолифат ҳакидаги тушунчаларимиз ҳали-ҳамон жўн ва содда. Чунки биз учун мухолифат янги даврнинг маҳсули сифатида истиклол арафасидагина тилимизда пайдо бўлди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Аввал Россияда демократия ва сўз эркинлигининг авж олиши, аникрофи, жунбушга келиши, унинг ибтидоий ва "ёввойи" шаклининг Шарқ ақидаларига зид ҳолда Марказий Осиёга "бостириб" кириши ана шу омиллардан биридир.

Қадимда Шарқ давлатчилигига адолат тамойилларининг устун турганлиги, конун олдида барчанинг тенглиги, давлат ва фукаро ўртасидаги муносабатларнинг тизими мавжудлиги жамиятда барқарорликка асос бўлган. Умуман, Шарқда ахлок категориясининг одамлар турмуш тарзида ҳам, давлат сиёсатида ҳам етакчи роль ўйнагани, унга ҳамма бўйсуниб яшагани учун мухолифатга эҳтиёж ҳам йўқ эди. қолаверса, мухолифат тушунчаси жаҳон давлатчилиги тажрибасида ҳам XX аср "ихтироси" сифатида демократик жараёнларнинг тобора чукурлашиши шароитида вужудга келган ҳодисадир. Тоталитар тузум манфаатига мос келмайдиган бу жараённинг собиқ иттифок худудига кириб келиши қатъий ман қилинган эди. Шуининг учун ҳам биз бу замонавий демократик тушунчалардан узокда яшаганмиз.

Мухолифат мавжуд сиёсий кучларни тарозига солиб турадиган, жамият таракқиёти мувозанатини саклаб турадиган, унинг равнақига хизмат қиласидиган янгидан-янги ғоя ва фикрларни ишлаб чиқишга даъват этадиган ижобий вокелик. Бироқ биз ана шу вокеликнинг ҳақиқий мазмунини кашф этолганимиз йўқ.

Очигини айтганда, бизда ҳақиқий маънодаги мухолифат бўлмаган. Тўгри, бир пайтлар — 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида демократия "ўйин"лари авж олган пайтда бир гурӯҳ кишилар мухолифат киёфасида майдонга

чикишиди. Уларнинг айримлари шон-шуҳрат ва амал илинжида бўлса, бир қисми совет даврида юкори партиявий мансабларда ишлаб, имтиёзлар мазасига ўрганган ва кейинчалик куруқ қолиб, янги никобда яна ҳокимиятни қўмсаб қолган — аламзада кишилар эди. Уларга эргаштанларнинг аксарияти эса хаётдан норози бўлган, турмушда ўз ўрнини тополмаган, жамиятга бир нарса беришдан кўра ундан кўпроқ нарса олишга иштиёкманд одамлар эди.

Умуман олганда, бу гурухларни мухолифатчилар эмас, балки хаётдан норозилар, деб аташ мумкин. Бундайлар эса, таассуфки, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда ва ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам бўлган ва хозир ҳам мавжуд. Бу — табиий ҳодиса. Чунки мавжуд сиёsat, тартиб-коидалар, конунлар кайсиdir жиҳати билан чекланган бўлади. Улар аҳоли барча табакасининг талаб-эҳтиёжларини тўла қамраб ололмайди. кисқа килиб айтганда, тартиб-интизомнинг чегараси бор, эҳтиёжлар эса ниҳоясиздир. Ана шу ҳолатнинг ўзи конунларни доимо такомиллаштириб, қўшимчалар билан бойитиб боришни тақозо этади. Демак, ҳеч качон мукаммал демократик ҳаёт мавжуд бўлмайди. У доим фуқаролар талаби, ҳаёт эҳтиёжи ва янгидан-янги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида ўзгариб, ривожланиб, бойиб бораверади.

Шу боис Президент мухолифат тушунчаси хусусида гапирав экан, "тушунчанинг асл маъносини аниқ англаб олишимиз лозим. Биз сиёсий мухолифатни мукобил мухолифат сифатида тушундамиз. Турмушимизнинг ҳамма соҳасида мукобиллик бўлиши лозим. Шу сабабли мухолифат ҳақида сўз борар экан, энг аввало, ислоҳотлар ўтказишга, жамиятнинг тараққиёт ва яигиланиш йўлидан олға бориши бўйича мукобил дастур турларини таклиф этишга қодир амалий мухолифатни назарда тутамиз", — деган гояни илгари сурди.

Дарҳақиқат, жаҳон демократик жараёнлари ҳуқукий мақоми ва конституциявий кафолатлари мавжуд бўлган, ўз фаолиятини жамият тараққиётни ва фуқролар осоиишталиги асосида курган, унинг бутун масъулиятини зиммасига олган, давлат равнакини таъминлашга холисона қўмаклашадиган, ҳар томонлама - илмий ва ҳаётий жиҳатдан асосланган дастурларга

эга бўлган мухолифатни тан олади. Тараккий топган мамлакатларда ва демократик тамойиллар ривожланган давлатларда мухолифатга ана шундай кўз билан қаралади. "Биз расмий ҳокимият билан ғоявий ва амалий жиҳатдан ракобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий катламлари манфаатларининг ифодачиси тарикасида майдонга чиқа оладиган мухолифатни кўришни истаймиз", — деб уктирас экан, Ислом Каримов масалага ана шу халқаро талаблар нуктаи назаридан ёндашади, бу борадаги жаҳон тажрибаларига таянади. Мухолифатчиликнинг ҳаётий зарурати, масъулияти, бурчи ва мажбурияти ҳақидаги адолатли мулоҳазаларни ўртага ташлайди.

**Олтинчидан,** сессияда ҳокимият бўлиниши тамойилларига катъий амал қилиш демократик жараёнларни чўқурлаштиришнинг мухим омили эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу, айникса, ўтиш даврида жамият бошқарувини такомиллаштиришга, унинг барқарорлигини таъминлашга, фукаро ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштиришга замин яратади.

Конун чиқарувчи орган жамиятни қонунлар тизими билан таъминласа, ижро органлари бевосита ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, жойларда қонунчиликни жорий этиш, ҳуқуқий демократик давлат тизимини мустаҳкамлашни таъминлайди.

Суд ҳокимияти эса инсонпарвар фукаролик жамияти маънавий киёфасини белгилайдиган мухим омиллардан ҳисобланади. Бизда эндигина — мустакиллик даврига келиб суд ўз вазифасини бажаришга киришмоқда, ўз мақоми доирасида фаолият кўрсатишни тамойилга айлантирмоқда.

Якин ўтмишга назар ташлайлик. Суд, прокуратура, ички ишлар ва давлат хавфсизлик ҳизмати, бизнинг тасаввуримизда, қаттол ва бешафқат жазо органлари, одамларга тазик килувчи, зўравонлик маҳкамаси бўлиб кўринар эди. Кўчада бир милиционер ёки прокуратура ходимига кўзи тушса, беихтиёр кишининг эти увушиб, товонигача музлаб кетарди. Чунки кизил империянинг асосий таянчи, қонхўр киличи ҳисобланган органлар аслида ўз вазифаларини бажармас эди. Улар давлат

ва қонунни рўкач қилиб, фукароларни кўркитиш, уларга тобелик ва мутелик руҳини сингдириш, иродасини букиш билан шугулланарди. Аслини олганда, бу муайян идораларнинг ўзбошимчалиги эмас, балки аниқ давлат сиёсати эди.

Президент сессияда "Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг хуқуқларн ва манфаатларини химоя қилувчи органга айланиб, ҳакикатдан ҳам мустакил бўлиб қолиши лозим", — деб алоҳида уқтириди. Суд энди факат жазоловчилик фаолияти билан банд бўлмасдан, одамларни химоя қилувчи, хақ-хукукини тикилашга ёрдам берувчи, инсонпарвар ва адолатпарвар тизимга айланиш йўлига кирмокда. Ана шундай тақдирда чинакам демократик жамият вужудга келади ва унинг ҳаётйлиги таъминланади.

Президент суд ҳокимиятини ислоҳ қилишни хуқукий демократик давлатни барпо килишнинг асоси сифатида қарайди. Суд фаолиятини демократиялаштиришни эса ҳалқ маслаҳатчилари тизимини такомиллаштириш, суд ишларида кенг жамоатчилик вакилларининг фаол иштирок этишини таъминлаш орқали амалга ошириш зарур. Шу холда демократик жамият пойдевори ҳар томонлама мустаҳкам бўлади.

**Еттингчидан**, биз бутунлай янги тарихий шароитда яшяйпмиз. Биз ўз ҳаётимизни кайтадан курмоқдамиз. Жумладан, суд ҳокимияти фаолиятида ана шундай янгиланишлар даврини бошдан кечиряпмиз. Энди унинг таркибини кенгайтириш, йўналишларини кўпайтириш, самарали тизимини шакллантириш даркор. "Шу мақсадда, — дейди Ислом Каримов, - транспорт ва солик судларини тузиш, холис ҳакамлар судлари (третейский суд) имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим.

1993 йил сентябрида қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги қонунда назарда тутилганлигига қарамай, судлар таркибида ҳанузга қадар маъмурий хукукбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича судьялар лавозимлари жорий этилмади.

Ўзбекистон судьялари уюшмасини ташкил этиш ҳам максадга мувофик кўринади. Бу уюшма Халқаро судьялар уюшмасига тўла хуқуқли аъзо бўлиши мумкин".

Буларнинг барчаси хукукий демократик давлат илдизларини чукурлаширишга уни курдатли механизмга айлантиришга ёрдам беради. Давлат кучли бўлган жойда таракқиёт тезлашади. Жамият маънавий жиҳатдан юксалади, сиёсий жиҳатдан янада инсонпарвар ва демократик киёфа касб этади.

Конун баркарор бўлган жойда фукароларнинг эркинликлари, ўз-ўзини бошқариш имкониятлари кенгаяди, ички салоҳиятини яққол намоён қилиш, яратувчилик иқтидорини ривожлантириш шароитига эга бўлади. Фукаролари ўз тақдирини ўзи белгилаб, ҳар бир кунини бунёд этиш, кашф қилиш, изланиш билан ўtkазадиган мамлакатда, албатта, ахоли эҳтиёжлари конун билан кафолатланади. Давлат эса бутун чоралар билан ана шу конунлар ҳаракатини назорат қилиб бориш, уни йўналтириб туриш, йўл-йўлакай "таъмирлаб", такомиллаштириб бориш сингари мухим вазифани бажаради.

Мазкур ҳолатларнинг барчаси бевосита фукароларнинг хукукий билимларни нечоғлик эгаллашига, ўз ҳак-хукукини англаб олишига, мавжуд қонунлар кафолатлаб берган имкониятлардан қанчалик фойдалана олиш даражасига боғлик. Иккинчидан, хукукшунос кадрлар сифатини яхшилаш, уларни замонавий билимлар билан қуроллантириш катта ахамият касб этади. Президент сессияда шу масалалар ҳақида сўз юритар экан, хукукшунос кадрларга эҳтиёж катта эканлигини алоҳида уқтириди. Жумладан, бизда ҳар юз минг аҳолига судлар Германиядагига нисбатан олти марта, адвокатлар эса Америка Кўшма Штатларига нисбатан 55 марта кам эканлигини кўрсатиб ўтди.

Бош ислоҳотчи — давлатнинг истикбол режалари ва стратегик дастурларига тўхталиб, Юргбошимиз қуидаги хulosани баён этди: "Шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиш керакки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини мудофаа, давлат ҳавфсизлиги ва фукароларнинг ҳавфсизлиги, тартиб-интизом, ташқи сиёsat, валюта, молия, солик тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умуммиллий вазифаларга қаратмоғи зарур.

Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан

**жамоат бирлашмалари ва фукароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилиши лозим".**

Ана шундай шароитда жамиятда демократия чукурлашади, фукароларнинг ижтимоий фаолияти кучаяди. Жойларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари иши бевосита барча фукароларнинг иштироки асосида такомиллапшб бораверади. Натижада одамлар ўзларини жамиятнинг муҳим, йўналтирувчи кучи эканликларини яхшиrok англай бошлайдилар. Уларнинг дунёкараши, мақсад ва интилишлари бевосита жамият истиқболини белгилайди. Ана шу нуктаи назардан келиб чикиб, Президент "демократия жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётининг узвий бир кисмига айланган тақдирдагина демократия хисобланади. Фарзандларимизни болаликдан айни шу руҳда тарбиялаб бориш зарур", — деган гояни илгари суради.

Биз демократик тамоилларни чукурлаштиришнинг уч омили хусусида сўзлаб ўтдик. Ҳокимият бўлинишидаги тармокларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхтадик, қонун чиқарувчи, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимиятининг фаолиятлари юзасидан фикр юритдик. Уларнинг демократик жараёнларни чукурлаштириш борасида тутган ўрни ва роли ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён этдик.

Ҳозирги замон демократик жараёнлари ва унинг энг илғор тажрибалари "тўртингчи ҳокимият" — матбуот фаолиятидан унумли фойдаланишини тақозо этмоқда. Бу бевосита оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг хукуқий асосини мустаҳкамлаш, демократик жамиятдаги роли ва вазифаларини белгилаб бериш, журналистик фаолиятни қонун билан кафолатлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур сессияда Президент "тўртингчи ҳокимият" вазифалари хусусида алоҳида тўхтади.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар бугун оммавий ахборот воситаларидан ўз иш услубларини тубдан ўзгартиришни талаб килмоқда.

Матбуотнинг холис ва ҳақконий ахборот берувчи манба, янгича онг ва тафаккурни шакллантиришда алоҳида таъсирчан восита бўлиши, кишиларнинг фикр ва хошиш-иродасининг эркин, холис ифодачиси, айтиш мумкинки, инсон манфаатларининг изчил ҳамда фаол химоячиси бўлишини ҳаёт тақозо килмоқда.

**М.Куронов**

**БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИННИГ МИЛЛИЙ  
МОДЕЛИ**

Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва  
маданиятига  
мухаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб,  
ўз халқини  
миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида  
тengлардан  
бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий  
инсонни, ўз  
Ватанининг жонкуярини тарбиялаш  
мумкин эмас.

**И.А.Каримов**

Инсоният таракқиёти тарихига разм солсак, унинг ҳар бир босқичида бир муаммо доимий равишда янгиланиб, такомиллашиб келганлигини кўрамиз. Бу - тарбия масаласи бўлган. Янги даврнинг янги талабларини рӯёбга чиқариш учун таълим ва тарбия максади, вазифалари, усуслари, шакллари янгиланган. Жонажон Ўзбекистонимизда ҳам бу конуният ўзини намоён қилди. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели, дастури ишлаб чиқилди. Давлат катта маблаг ажратиб, унинг босқисма-босқич амалга оширилиши, самарадорлитини ошириш чораларини муттасил таъминлаб бормоқда.

1999 йил жонкуяр маорифчи олимлар томонидан Ўзбекистон умумтаълим мактаблари учун таълим стандартлари илмий асосланиб, нашрандаги чиқарилди. Давлатнинг ушбу таълимий хужжатини бекаму-кўст амалиётга жорий қилиш - сиёсий аҳамиятга молик иш. Зеро, унинг

мукаммал жорий қилиниши Ўзбекистонни янгича фикрловчи, жаҳон ёшлари билан ҳохлаган фан бўйича беллаша олувчи, олган билимини нафакат ўзи, балки миллый давлати, миллати манфаатлари йўлида ҳам онгли равишда сафарбар қилувчи ёшлар билан бойитади. Президентимиз Ислом Каримов ана шундай ёшлар сонини кўпайтириш устида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шу сабабли таълим стандартлари китоблари ўзининг нақадар муҳим, мукаддас, миллат тақдирини белгиловчи хужжат эканлигини эслатиб, кишида ҳурмат ва масъулият хисларини кучлантиради. Чунки билим - фақат билиш учун эмас, балки уни Ватан, миллый давлат тараққиёти йўлида кўллаш учун берилади. Демак, ўқувчиларга барча фанлар бўйича чукур, кенг билимлар бериш баробарида уларда Ватанг, Миллатга, ўзи фукароси бўлган миллый давлатига жону дили билан хизмат қилиш нияти, эҳтиёжини ҳам шакллантириш зарур. Бизнинг айрим Европа мамлакатлари, АҚШда барк ураётган космополитик қарашлар, экзистенциал рухиятдан шарқона фарқимиз ҳам шунда. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов жуда топиб айтганларидек, «...Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фарновонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндошруғлари ва якин одамларининг, кўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик килишни биринчи ўринга кўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир».

Президент Ислом Каримов асаллари, нуткларидағи педагогик ғоялар тадрижини кузатсак, замонавий Ўзбекистонда тарбияланиши керак бўлган ШАҲС нафакат кучли биолог, тилшунос, юрист, инженер, тадбиркор, ўқитувчи, балки «миллатнинг, Ватаннинг огирини енгил қилишни фарзандлик бурчим» деган нияти, орзуси бор инсон бўлиши кераклиги равшан бўлади.

Масалага тадрижий-қиёсий ёндашув орқали шахс ва миллат манфаатлари уйғунлигининг ҳаётий заруратлиги исботланади: «...Биз совет тузумида уч-тўртта авлодни кўрдик. Улар кандай тарбия олди? «Кремль юлдузи»га итоат қилмасант, мансабда ўтирамайсан, деган гаплар бўлган. Кимки

ўз юртини, ўз халқини сотмаса, мансабдан кетарди. Мустакиллик, халқнинг миллий анъаналари, ғурурини тикилашга қарши чиқадиганлар, ўша тоифадаги одамлардир. Менинг хавотир бўладиган жойим ҳам шу. Агар ахил бўлсак, ўзимиздан соткин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди. Орамизда эртани ўйламайдиган, шахсий манфаатини халқ, Ватан манфаатидан юкори қўядиган кимсалар бўлмаслиги учун зиёлилар бизга кўмак бериши лозим. Токи бундайлар одамлар фикрини чалғитмасин...»

Ушбу дастурий фикр Ўзбекистонда маънавият педагогикаси, миллий тарбия, миллий гоя соҳасидаги тадқиқотлар учун сиёсий пойдевор яратди. Галдаги педагогик вазифа - таълим стандартлари даражасида чуқур, кенг тафаккурли ва айни вақтда миллий гурурли, ташаббускор, фидойи ватанпарвар Шахсни илмий асосда тарбияламоқдир. Кўриниб турганидек, бу яхлит вазифанинг биринчи ярми - таълим, иккинчи ярми - тарбия масаласидир. Таълим ва тарбия бирлиги тамойили улар орасидаги ўзига хосликни инкор қилмайди. Чунки таълимнинг натижаси билим, кўникма ва малакалар хосил қилиш, тарбияники эса - инсоний фазилатлардир. Таълим ва тарбия шахсни шакллантиришда нисбатан мустакил, ўзаро алоқада иштирок этиб, яхлит педагогик жараённи хосил қиласди. Яъни таълим - ўқувчиларда математика, адабиёт, тарих, биология каби фанларга оид билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантирса, тарбия - ўқувчиларда ватанпарварлик, фидойилиқ, миллий гурур, миллатлараро дўстлик, ташаббускорлик ва бошқа фазилатларни шакллантиришни бирламчи вазифа сифатида амалга ошира боради.

Афсуски, якин педагогик ўтмишимизда «таълим ва тарбия бирлиги» ибораси «таълимнинг ўзи тарбиялайди» қабилида талқин килинарди. Натижада тарбия, унинг аниқ натижалари учун ҳеч ким жавоб бермас эди. Бунинг ҳалокатли натижаси нималарда намоён бўлди? Юзлаб, минглаб билимли, лекин яхши тарбия кўрмаган шахслар, амалдорлар нафакат ахлоқ чегараларидан чиқишар, балки жиноят дунёсига ўта борарди. Чунки улар чуқур билимли, лекин Ватан, миллат,

миллий давлатга эътиқодли, садоқатли, ватанпарвар эмас эдилар. Бунинг исботи сифатида Президентимизнинг юкорида келтирилган фикрларини яна бир бор таъкидлаб кўрсатиш мумкин.

«Тарбия» сўзининг «парвариш килиш», «караш» деган маънолари ҳам бор. Дехқон экинини, чавандоз жийронини тарбиялайди. Укасига «қараётган» кизалок ҳам укасини тарбиялашда катнашади. Демак, тарбиячилик, ўқитувчилик касбларининг дехқончиликка ўхшаш амалий жиҳатлари бўлиши керак. Яъни ўқитувчи, тарбиячи болаларни парвариш килиши, улардаги яхши фазилатларни маҳсус экиб, ўстириши, ёмон сифатларни заарсизлантириши, бартараф кила олиши керак. Бугдой, пахта, атиргул инсон парвариш қилмаса, ўсиб униб кетмайди. куриб колади. Янтоқ, гумай, ажриқ эса парваришга муҳтож эмас. Ўз ҳолича кўпаяверади. Инсон сифатлари ҳам. Истиқолий фазилатлар саралаб, маҳсус шартшароит яратилиб, доимий парвариш килинмаса, ёмон сифатлар соясида колиб кетади. Чунки ёмон сифатлар парваришга муҳтож эмас. Демак, яхши фазилатларни парвариш қилиш, ўкувчиларда салбий сифатларни қосил қилувчи омилларга карши кураш билан бирга олиб борилиши керак.

Ҳа, ҳозир Ўзбекистон ҳукумати, ҳалқи педагогика фанимиздан «Ёш ўзбекистонликларда етакчи фазилатлар нималардан иборат бўлмоғи керак?» деган масъулиятли саволга илмий-амалий жавоб кутгуб турибди. Янги, истиқолий фазилатларни ўрганиб, умумлаштириб, илмий-педагогик тушунчаларга айлантириб бўлиб турибди. Аникроғи, миллий гурур, ватанпарварлик, миллий мағкуравий онглилик, фидойилик, ташаббускорлик фазилатларини тарбиялаш миллий тарбиянинг бирламчи вазифаларига айланди. Мустакилликни мустаҳкамлашни педагогик таъминлаш манбаатлари билимли ва юқоридаги фазилатларни ҳамма жойда доимо чукур зътиқод билан намоён қилишга тайёр шахсни шакллантиришни тақозо қиласди. Бу эса Ўзбекистонда жаҳон ва Марказий Осиё педагогикасида янги илмий-педагогик назария - миллий-замонавий характерга эга Шахсни

тарбиялаш модели шаклана бошлаганлигини кўрсатади. Бу эса Ўзбекистон педагогикаси назариясидан янги вазифаларни мухокама ва хал қилишни талаб килади. Жумладан, миллий мафкуравий ишлар педагогикаси, диний ақидапарастликка қарши қудратли мафкуравий тарбия тизимини ишлаб чиқиш даркор. Бу мамлакатда умуммиллий бирлик, ёт мафкураларга қарши кучли иммунитетни хосил килади. Маълумки, ҳар қандай мафкуравий маълумот(бирлиги) зарра-зарра шаклида бўлиб, унинг йигилиши, тўпланишидан ўзига хос муносабатни пайдо бўлади. Мажоз: кумнинг бир зарраси одам вазни олдида хеч нарса эмас. Бирок ҳар куни 1, 2, 3 донадан йигилавериши, тўпланавериши натижасида 1-10-100 килограммлик вазни хосил килади. Натижада бу билан ҳисоблашмаслик мумкин бўлмай қолади. Кўраяпсизми, Президентимизнинг мафкура полигонларини ҳарбий полигонлардан ҳам устун кўйиш, мафкуравий бўшлик хосил бўлишига йўл кўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги фикрларидағи педагогик ҳикматни? Бу эса баркамол авлодни тарбиялашнинг миллий модели вазифалари доирасига

-педагогик таълимнинг миллый маънавий, мафкуравий ролини белгилаб олиш;

-олий ўкув юрглари, коллеж, лицей, умумтаълим, таянч мактабларининг миллый, маънавий, мафкуравий тарбия тизимларини ишлаб чиқиш;

-бўлажак ўқитувчиларни шу руҳда тарбиялаш услубияти билан қуроллантириш;

-педагогика, психология фанлари бўйича мустақилликни мустахкамлаш, миллий гояни мустахкамлаш, мафкуравий тортишувлар воқелигини акс эттирувчи дарслерлар яратиш, қиёсий педагогик тадқиқотларни жадаллаштириш ва бошқаларни киритишиңи тақозо килади.

«Умумий ўрта таълим стандарти ва ўкув дастури»нинг «Филология», «Инсон ва жамият», «Ижтимоий билимлар», «Маънавият», «Санъат» таълим соҳалари ёндашувнинг янгилиги, яратувчанлиги ва маънавий киймати билан кишини мамнун килади.

Тил – миллатнинг ҳужжати. Ўзбек тили табиат ва жамият, инсондаги барча холат-ўзгаришларни «ўзбекча, миллий кўриш» воситасидир. ўқувчининг ўзбекча лугати канча бойиса, у Соҳибкирон Амир Темурга, Алишер Навоийга, миллатнинг бугуни ва эртасига, ўзлигига якинлаштиради. Она тилидан янги дастур ва дарсликларнинг концептуал асосларида ана шу эътироф бор. Тилга ҳурмат руҳи барк уриб туради.

Санъат дастурларида ҳам билим ва ижод уйғунлиги намоён. Улар тасвирий санъат ва унинг жанрлари тўгрисидаги билимлар дастуридан ўқувчиларни тасвирий санъатнинг «ичига» олиб киравчи дастурга айлантирилган. Унда умумэътироф килинган дидактик тамойиллар билан бир каторда тасвирий санъатда миллий ва умуминсонийлик синтези, миллий санъатни болалар ёшига мослаштириш (масалан, «Миниатюра»), мавзуларнинг чоракларга мантикий тақсимланишини тасвирий санъат педагогикасидаги дадил қадамлар дейиш мумкин.

Дастурнинг жорий қилиниши ўқитувчиларни ижодий изланишга мажбур қиласди. Бундан албатта ўқувчи, миллий санъат истиқболи ютади.

Тарих таълими натижалари – билим, кўнишка ва малакалари тизимида холислик барк уриб туради. Бу ёшларимизда тарихий жараёнлар ҳакида маълумотлар асосида қиёсий таҳлил малакаларини шакллантиради. Энг муҳим тарбиявий қиммати – Ватан, аждодлар, замондошлар, келажак тушунчаларини «Менинг Ватаним», «Менинг ота-бобом», «Менинг келажагим» деган марказий миллий мағкуравий тушунчаларни ҳосил қиласди. Ўзбек миллий давлатчилиги тараққиётидаги ғалаба ва мағлубиятлар сабабларини ўрганадилар. Бу эса ёшларимиз тафаккурини миллий давлатчилик даражасига кўтариши аниқ. Президентимиз асарларини билиш ўқувчиларда ижтимоий ижодкорлик кўнишкаларини уйғотади. Бошқача қилиб айтганда, замон ва макон муаммоларини ечишда ният, сўз амал билан иштироқ этувчи фидойи ёшларни тарбиялашга хизмат қиласди.

Хуллас, «Умумий ўрта таълим стандарти ва ўқув дастури»да XXI аср ўзбек маънавияти, иктиносидиёти, сиёсати, Ўзбекистоннинг дунё хамжамиятидаги мавқеини таъминлашнинг дидактик модели яратилган. Баркамол шахс тарбиясининг миллый модели ватандошларга муборак бўлсин.

### **Туманда миллый мафкуравий ишларни дастурлаштириш**

Ҳар бир иш аввал хаёlda кейин амалда режалаштирилиб, дастурлаштирилиб амалга оширилади. Дастур бошқарув назарияси нуқтаи назаридан ечимнинг ёзма шаклини англатади.

Дастур оддий матндан асос хужжатга айланиши учун қатор талабларга жавоб бериши керак. Яъни, биринчидан, вазият, муаммони аниқ баҳолаши, иккинчидан, вазиятни ўзгартириб муаммони ечишга қаратилган вазифаларни кўйиши, учинчидан, ана шу вазифаларни ечишга қаратилган аниқ чораларнинг баёни бўлиши, тўргинчидан, ижро муддати, ижрочилар, иш воситалари, услуби, шакллари, ижро назорати муддати ва шаклларини қайд этиши керак.

Демак, менежмент, раҳбаршунослик нуқтаи назаридан олиб караганда миллый мафкуравий ишларни режалаштириш туманда миллый мафкуравий ишларга оид муаммо ечимининг ёзма ињиқосини хосил қиласди. Мафкуравий муаммо ва унинг ечими туман мафкуравий ҳаётининг қанчалик аниқ ўрганилганлигига, аниқ (ташхис) ечим кўйилиб, уни ечиш (даволац) чораларнинг аниклигига боғлик. Чунки муаммони акс эттириш ноаник гашхисга, ноаник ташхис эса ноаник натижага олиб келади. Бу эса тадбирлар ташкил қилинса-да, муаммонинг сақланиб колаверишида намоён бўлади. Шу сабабли бу масала бошқарув педагогикаси, раҳбаршунослик нуқтаи назаридан янгича илмий таҳлил, тавсиялар ва технологик асосларда амалга оширилмоғи керак.

Ҳар бир дастурни тузишдан мақсад - муаммони ва уни ечиш йўлларини ижрочиларга тушунтириб беришдир. Дастурнинг самарадорлиги у бажарилгач, муаммо колган ёки қолмаганлигига караб белгиланади. Бирок туманлarda маънавият ва маърифат, миллый мафкура сокасидаги

ишларимизда айрим камчиликлар ҳам бор. Уларни такомиллаштириш ишини аввало дастурлаштиришдан бошламоқ лозимга ўхшайди. Бунинг сабаби - айрим дастур, режаларнинг моҳияти «бажарамиз», қабилида, расмий тузилганлиги, максад ва натижа орасидаги технологик босқичларнинг назардан четда қолдирилаётганлиги маълум бўлади.

Тўғри, дастурлаштиришнинг объектив қийинчиликлари ҳам бор. Булар: а) муаммонинг мураккаблиги; б) янги мафкуравий вазият, муаммоларни ечишга қаратилган илмий-услубий тавсияларнинг йўклиги; в) муаммони тўла ечиш учун зарур воситаларнинг етишмаётганлигидан иборат. Қийинчиликларнинг субъектив, яъни бевосита изрочилар, ўкув-тарбиявий муассасаларнинг маънавий-мъерифий ишлар бўйича масъул ходимларига boglik сабаблари ҳам бор. Яъни

- 1) муаммо ва уни ҳал қилиш шакллари тўғрисида билимга эга эмаслик;
- 2) режалаштириш устидан назоратнинг йўклиги,
- 3) кадрларнинг соҳага мос эмаслиги,
- 4) шахсий сифатларга тегишли (эскича ишга ўрганиб қолганлик; масъулиятдан қочиш; камчиликларни хаспўшлаш; кўзбўямачилик) ҳолатларидир.

Яҳши дастур бу - тўқиб тузилмаган, яъни ҳаётий вазиятнинг долзарб вазифаларидан келиб чиқиб тузилган; холис, объектив, яъни ортиқча сўзлар, ибораларсиз ҳозир ва шу ердаги муаммони ечишга қаратилган; мазмунли, яъни расмий, умумий эмас, балки аниқ, муаммонинг ичига кириб борувчи, муаммо қанча кенг бўлса, шунча кенг, чукур бўлса, шунча чукур ; реал, яъни амалга ошадиган меъёрда, даражада; тўлиқ, яъни муаммони қўйишдан то уни тўла ечиш, якун ясашгача бўлган дастурни ўз ичига олувчи; мувофиқлаштирилган, яъни узвийликка асосланиб, ўзидан олдин қабул қилинган, бажарилаётган, бажарилган дастурлар билан боғланган; содда, яъни изрочилар учун тушунарли, турли талқинларга сабаб бўлмайдиган; меъёрий, яъни муаммони ечиш учун қанча маълумот зарур бўлса, шунча ҳажмга эга дастур демакдир.

Яхши дастурни тузиш - муаммо ҳал деган гап эмас. Бунинг учун яхши карор тайёрланиб, қабул қилиниши зарур. Яъни:

- муаммони тўғри қўйиш,
- муаммога доир барча маълумотларга эга бўлиш
- муаммонинг моҳияти ва уни юзага келтираётган сабабларни аниклаш,
- тайёрланаётган карорни ташкилий таъминлаш режасини ишлаб чиқиш,
- кадрлар билан таъминлаш,
- тайёрланаётган карор ижросини назорат қилиш системаси лойиҳасини ишлаб чиқиш,
- карорни амалга оширувчиларнинг хуқук ва масъулият даражаси, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш чораларини белгилаш
- карор лойиҳасини тайёрлаш
- карор қабул қилиш лозим.

Мафкуравий ишларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқишга оид умумий мулоҳазалар шулардан иборат.

Куддус Аъзамов,  
Республика “Маънавият ва  
маърифат” маркази раҳбари

## МУСТАҚИЛЛИК, МАЪНАВИЯТ ВА ДЕМОКРАТИЯ

Маънавият –  
инсоннинг,  
халқнинг,  
жамиятнинг,  
давлатнинг  
куч-кудратидир.  
У йўқ жойда  
хеч қачон баҳт-  
саодат бўлмайди.

**И. Каримов**

Инсоният ўзини онгли мавжудот эканини англаган пайтданоқ маънавий баркамоллик сари интила бошлаган. Борабора бу эҳтиёж ҳаётининг асосий мазмунни ва моҳиятига айланган.

Ўзбекистон дунё тамаддунининг энг қадимий ўчоқларидан бири хисобланади. Бундан 2000 йил аввал яшаган римлик тарихчи Помпей Трог бу ҳакда: “Бактрияликлар, сугдлар ва хоразмликлар келиб чиқишининг қадимийлиги бўйича мисрликлар билан бемалол беллаша оладилар. Улар меҳнатда ҳам, жангу жадалда ҳам ўзларини аямайдилар. Жисмонан ҳаддан ташкари кучлидирлар. Ўзларига тегишли бирон нарсани қўлдан чиқаришни истамайдилар, факат галабага интиладилар”, — дея ёзиб қолдирган.

Демак, бундан 4-5 минг йиллар аввал яшаган бизнинг аждодларимиз бунёдкорлик, меҳнатсеварлик, мардлик, жасурлик, фидойилик каби маънавий фазилатларга эга бўлишган. Она Ватанинни ҳимоя қилишни муқаддас бурч деб билишган: “Эй эр, ўзингни қаттиқ суйгил, зл-юргингни ўзингдан ва ота-онангдан ва ўғил-қизингдан ортиқ суйгил! (Оққоядаги қадимги битиклардан).

Ота-боболаримиз бутун инсониятнинг фахру ифтихорига айланган маънавий бойликлар яратишган. Жумладан, «Авесто»дек буюк маданий-маънавий ёдгорлик айнан бизнинг заминимизда дунёга келган. Халқимизнинг маънавий қудратини ўзида акс эттирган бу улуг китоб Шарқ, Осиё, Хиндистон, Юнонистон ва бошка минтақаларда яшовчи халқларнинг хаётига кучли таъсир кўрсатган.

Бундай тенгсиз асарлар, табиийки, ўз-ўзидан куруқ жойда пайдо бўлмаган. Бундан уч минг аввал яратилган «Авесто»нинг пайдо бўлишига ундан олдинги камида яна уч минг йил давом этган тамаддун босқичлари асос бўлган.

Бундан минг йил аввал, ҳали кўплаб халқлар ўзлигини энди-энди англаётган бир даврда, Хоразмда Маъмун академияси фаолият кўрсатган.

Ўзбекистон бежиз Хизр назари тушган юрт дейилмайди. Жаннатмонанд юртимизни ҳар қадамда бетакрор тарихий обидалар безаб турибди. Асрлар мобайнида ял-ял ёниб турган мовий гумбазли улуғвор мадрасалар, илохий нурга йўғрилган масжидлар, муҳташам карвонсаройларни фақат маънавияти буюк халққина барпо эта олади. Самарқанд, Хива, Бухоро, Қарши, Марғилон каби шаҳарлар ҳам, халқ тили билан айтганда, осмондан тушмаган, буюклигимиз далолатидир. Уларда халқимизнинг ўзига хос мъеморчилик салоҳияти, шаҳарчилик маданияти, маънавий қудрати ўз ифодасини топган.

Бу мукаддас заминда ўнлаб, юзлаб, балким минглаб биз билган ва билмаган маънавият ва маърифат даҳолари яшаб ўтган. Биргина И мом Бухорийнинг инсоният олдидаги хизматлари шу қадар чексизки, уни дунёвий меъзонлар билан ўлчаш мумкин эмас. Бу буюк зот тўплаган ҳадислар тўплами “Ал-жомъи ас-саҳиҳ” ер козида мусулмонлар учун Куръони каримдан кейинги муқаддас манба хисобланади. Форобий, Беруний, Фарғонийлар, Каффол Шошийлар дунё кезиб, олам ахътига маърифат улашган. Халқимизнинг ичидан етишиб чиқкан даҳоларнинг, буюк шоир ва ёзувчиларнинг жаҳон маънавияти ва маърифатига қўшган ҳиссаси ҳакида ҳар қанча гапирсак оз.

Турли ёвуз босқинчилар, конхўр истилочилар мана шу маънавий юксаклик олдида ўзларини ожиз ва ёввойи сезишган.

Шунинг учун ҳам улар ваҳшийларча обод ва кўркам шахар ва қишлокларимизни, мадрасаю масжидларимизни, бебаҳо кутубхоналармизни вайрон килишга уринган, муқаддас китобларни ўтда ёқкан. Узок ўтмишда ҳам маънавиятмизни маҳв этиш ғанимларимизнинг асосий мақсади бўлган.

Айниқса, маънавиятимизнинг бош ҳомийларидан бўлган ҳазрат Амир Темур бобомиз оламдан ўтганларидан кейин ҳокимият учун кураш, айш-ишрат, маҳаллийчилик каби иллатлар авж олган. Улуғбекдек буюк астроном ва давлат арбоби жоҳиллар томонидан катл қилинганд. Маърифатпарвар Абдурауф Фитрат тили билан айтганда, “Шарқнинг бутун ишлари онгиз беклар, тушунчасиз хонлар, миясиз муллалар, билимсиз эшонларнинг кўлига ўтди” (Фитрат, Танланган асарлар, 215-с.). Шундай килиб, асрлар мобайнида бизнинг маънавиятимиз ҳам ташки, ҳам ички таҳдидларга дучор бўлган. Ички таҳдидлар муайян шахсларнинг жоҳиллиги, калтабинлиги билан боғлик бўлган бўлса, ташки таҳдидлардан кўзланган мақсад халқнинг маънавиятини заифлаштириб, уни қарам қилиш бўлган:

“Оврупонинг бизга берадиган нарсалари белгилидир: сафоҳат, ахлоқсизлик, қимор ва шаробхўрлик. Шарқнинг дин ва одатларига қатъян тўғри келмаган фохишахоналарни ўлкамизда Оврупо жаҳонгирлари очдилар. Бутун башарият ҳаётига, майшатига, ишига раҳналар солғувчи шароб дўконлари юртимизга шул Оврупо бойлари химмати билан курулди. “Фаранг” деган кўркунч касал Шарқга Оврупо жаҳонгирлари босқинлари билан келди. Хулоса: Оврупо жаҳонгирлари Шарқга бугунгача ахлоқсизлик ва бузукликдан бошқа бир нарса бермадилар ... Албатта билиб қилдилар, жўрттага қилдилар. Унларнинг тилаклари бизга маданият бераб, бизда маориф тарқатиш, бизни тарақкий этдурмак эмас, турли фохишахоналар, майхоналар очиб, бизнинг ахлоқимизни бузмоқ, бизнинг соглиғимизни хароб этмак ва уругимизни курутуб, бизни ишдан чикармоқ ва ўз кўлларига мухтоҷ қилиб кўймоқдир” (Фитрат, Танланган асарлар, 217-с).

Ўзбек халқи мана шундай узлусиз давом этган зугумларга қарамай, ўз маънавияти ва эътиқодини бошқаларга ибрат бўладиган даражада сақлаб қолди. Ҳаттоқи, мисли

кўрилмаган даҳрийлик — коммунистик ақидапарстликка асосланган, собик СССРда истиқомат қилган барча ҳалқларнинг бошига мислсиз кулфатлар келтирган шўролар тузуми ҳам ватандошларимиз барпо этган маънавият кўргонини буза олмади. Ваҳоланки, шу ёвуз мақсад йўлида минглаб масжид ва мадрасалар, маърифат масканлари харобага айлантирилди. Муқаддас қадамжолар заҳарли ўғитлар сакланадиган омборхона ёки отхоналарга айлантирилди. Даҳрийлик шу қадар кутуриб кетгандики, муҳаддислар султони Имом Бухорий дағн қилинган муқаддас мажмуа шўролар замонида заҳарли ўғитлар сакланадиган омборхонага айлантирилган. Узокқа бориб юрмайлик, бундан атиги йигирма йил аввал одамлар жанозага боришга, ўз фарзандларининг қўлларини ҳалоллашга кўрқиб қолган эди. Ҳажга бориш, Рамазон ва Курбон ҳайитларини байрам килиш ушалмайдиган орзу бўлиб туюларди. Ҳаттоқи азалий Наврӯз ҳам диний байрам сифатида таъқиқланганди. Масжидлар хувуллаб ётарди. Қабристонларда Куръон тиловат килиниши ўрнига, “қизил митинг”лар ўюштириларди. Бир профессор ўғлиға Бобур деган исм кўйгани учун танқид қилинганлиги ҳам рост. Мана шундай, бугун аклга сигмайдиган хўрликларни эслаб туришимиз керак. Шундагина Мустакилликнинг қадрига етамиз.

Тарихий адолат нуқтаи назаридан шу нарсани алоҳида таъқидлаш лозимки, то XX асрнинг 90-йилларигача, яъни Ўзбекистонга И. А. Каримов раҳбар бўлгунича қадар маънавият ва маърифат масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилимаган эди. Нафакат истилочилар, балким ўзимизнинг ичимииздан чиқкан, калтабин ақидапарастлар ҳалқ маърифатининг юксалишига тўскинилик қилган.

Биз учун оддий ва табиий неъмат сифатида кабул қилинаётган бебаҳо қадриятларимизни тиклаш осон кечмади. Бу нарса озодлигимиз учун олиб борилган кураш тарихи билан чамбарчас боғланиб кетганди. Жумладан, ҳали тоталитар тузумнинг қиличидан қон оқиб турган бир пайтда, яъни 1990 йилдаёқ, Президент Ислом Каримов ҳаж сафарига бориш, Рамазон ва Курбон ҳайитларини байрам килиш, Наврӯзни нишонлаш ҳақидаги Фармонларга имзо чеккан. Бу тарихий

хужжатлар халқимизнинг ўзлигини тиклашда даврига асос бўлди. Одамлар янги замон эпкинларини хис кила бошладилар.

Миллат саодати йўлида олиб борилган дадил сиёсат нафакат четдаги, ўзларича бизни иккинчи даражали одам хисоблаганларнинг, ичимидан чиккан, онги коммунистик ақидапарастлик билан заҳарланган кимсаларнинг кескин қаршилигига учради. Масалан, бъази ўзини катта олим, жамоат арбоби хисоблаганлар маънавиятимизнинг ёрқин рамзи бўлган ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилишига қарши чиқди. Бугун биз ҳаётимиз мазмунига айланган кадриятларни тиклаш учун кимлар жон фидо килганини, ким бу ишларнинг бошида турганини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак!

1989 йилда кизил империя худудида яшаган мутлақ кўпчилик дунёни зир титратиб турган СССРнинг парчаланишини, миллионлаб одамлар тафаккури устидан назорат ўрнатган КПССнинг сиёсий саҳнадан кетишини тасаввур кила олмаган. Уларга қарши чикиш аждаҳо комига бош тикиш билан баробар бўлган. Вазият мана шундай кескин бўлишига қарамай, Президент Ислом Каримов ўша йилиёқ, яъни мамлакат раҳбари сифатидаги фаолиятининг ilk кунларида собиқ империя раҳбариятининг халқимизга нисбатан олиб борган адолатсиз сиёсатига қарши чикиб, бундай деган: “Бошка регионлардан жўнатилган кадрларнинг бъазилари жумхурият эҳтиёжлари ва кулфатларига ҳамдард бўлиш у ёқда турсин, балки партия, совет ва хукукни муҳофаза этиш органлари ва бошка органларда ўзларининг раҳбар лавозимларига тайинланишларини ўзбошимчалик килиш учун берилган ёрлик деб билдилар.

Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдон оёқости килинди. Она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто шундок ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари ҳам кимларгадир маъқул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либослар ҳам қораланди. Кези келганда одамлар миллий урф-одатлар бўйича тўй килиш,

қариндош-уругларини дағн этишга ҳам чўчиб қолган эдилар” (И. Каримов).

Халқимиз мана шундай хўрлик ва зуғумларни бошидан кечирди. Шунинг учун ҳам Мустақилликни энг олий неъмат, миллий ўзлигимизни тиклаш учун курашиб эришилган ҳукуқ деб биламиз.

1989-90-йиллардаёқ, яъни шўролар даврида Ўзбекистонда маънавият ва маърифат ишларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилигани билан фахрланамиз. Мана шу эзгу сиёсат халқимизни катта фожеалардан сақлаб, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизга асос бўлди, десак асло муболага бўлмайди. Агар ёдингизда бўлса, ўша олаговур даврда, улкан бир мамлакат сиёсий ва иқтисодий бўйрон гирдобига тортилиб, турли худудларда конли низолар юз бераётган эди. Ўша кезларда маънавий-маърифий ислоҳотлар эзгу моҳиятини баъзи одамларга тушунтириш қийин эди. Чунки жамиятни сохта обрў орттиришга интилган сиёсатдонларнинг сохта ваъдалари ва сароб шиорлар камраб олган эди.

Ҳамма нарсага олий ҳакам ҳисобланадиган вакт ўша оғир синовлар даврида Ўзбекистонда ҳалқ маънавиятини тиклаш борасида қилинган ишлар нақадар тўғри бўлганини, “жамият тараққиётининг асоси, уни мукаррар ҳалокатдан куткариб қоладиган ягона куч – маърифат” эканини исботлади.

90-йилларда биз агар Мустақил бўлсақ, ҳамма муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади, эрта-индин афсонавий ҳаёт бошланади, деб ўйлардик. Бугунга келиб Мустақилликни мустаҳкамлаш, уни турли таҳдидлардан химоя килиш нақадар мураккаб ва масъулиятли иш эканлигини англаб етдик. 14 йил ичida қанчадан-канча улкан муаммоларга дуч келдик. Вактинча озиковқатлар карточка билан тарқатилди, оддий гугурт ҳам танқис бўлган холлар бўлди. Одамлар учун у пайтда Нексия ёки Дамас, балким оддий велосипед ишлаб чиқиш ҳам ушалмайдиган орзу бўлиб туюларди. Эски машина сотиб олсак, бошимизга осмонга етарди. Чет элларда тўйлар ресторанда бўларкан, деб ҳавас қиласдик. Чунки пахта яккаҳокимлиги қаддини буккан юртимизда бир қоп ун сотиб олиш катта муаммо эди. Худога минг қатла шукур, бугун дўконлар, бозорлар ноз-неъматларга тўла! Кўчалармизда Нексия, Тико, Дамас, Матиз, Ласетти каби

енгил машиналар мисли дарё бўлиб оқмоқда. Шахар ва қишлокларимизнинг киёфаси тубдан ўзгарди. Ҳозир ҳатто ҳовлиси кенг қишлоклардагилар ўртасида ҳам тўйни кафе ва ресторанларда ўтказиш одат бўлмоқда. Ваҳоланки, 14 йил тарих учун унчалик катта муддат эмас! Ҳеч бир мамлакатда бундай қиска муддатда мингга яқин муҳташам коллеж ва лицей бинолари, юзлаб спорт мажмуалари, минг километрлик йўллар, кўплаб кўприклар барпо этилмаган.

Бундай бунёдкорлик ишларини халк маънавияти ва маърифатини юксалтириш, салоҳиятини рӯёбга чиқармай амалга ошириб бўлмасди, албатта. Иқтисодий-ижтимоий тараққиётимизнинг изчиллигини таъминлаш максадида 1994 йилда Президент Ислом Каримовнинг “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғриси”даги фармони эълон қилинди. Алишер Навоий, ҳазрат Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин Марғононий каби ўнлаб буюк аждодларимиз ва Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз каби шаҳарларимизнинг юбилейлари ўтказилди. Ҳалқимизнинг озодлиги учун курашган, тоталитар тузум томонидан катағон килинган, шаҳид кетган Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Мунавваркори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Усмон Носир каби адибларимизга нисбатан тарихий адолат тикланди, ҳалқимиз олдидаги буюк хизматлари эътироф этилди, хотиралари абадийлаштирилди. Улар шарафига Шаҳидлар хотираси мажмуаси, Қатагон қурбонлари музейи барпо этилди. Кўплаб муқаддас қадамжолар кайта тикланди, обод зиёратгоҳларга айлантирилди.

Мустакиллик йилларида юзлаб ижодкор ва санъаткорлар давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Уларнинг талайгина қисмини ёшлар ташкил килиши кувонарли. Ёшларга эътибор, “Ниҳол”, Зулфия номидаги Давлат мукофотларининг таъсис этилиши кўплаб истеъдодларни рӯёбга чиқишига сабаб бўлди. Бугун биз турли ҳалқаро мусобакаларда ўзбек йигит-қизларининг чемпион бўлишларига, олтин, кумуш, бронза медалларини кўлга киритишларига кўнникиб қолдик. Аслида эса бу — Мустакиллигимизнинг мўъжизаси. Ўн беш-йигрма йил

олдин ўзбеклар ичидан Олимпиада ва жаҳон чемпионлари чишини ёки Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлишини хеч ким хаёлига келтирмасди. Бундай ютукларга маънавиятимизга берилалётган эътибор туфайли эришдик. Маънавияти юксак бўлмаган ҳалқнинг фарзандлари бундай натижаларга эриша олмайди.

Бу ишлар, бир томондан, ўзбек ҳалқининг тарихи нақадар буюк бўлганлигини исбот қилган бўлса, иккинчи томондан, хеч кимдан кам бўлмаган ватандошларимизни янада улканрок бунёдкорлик ишларига унади.

1999 йилга келиб Ўзбекистондаги маънавий-маърифий ишлар янги боскичга кўтарилди. Бунга Президент И. Каримовнинг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони асос бўлди.

Дарҳақиқат, собиқ шўролар империяси ҳудудида пайдо бўлган янги мустақил давлатларда энди-энди маънавият ва маърифатни юксалтириш, фидойилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик мухитини яратмай, иктисадни ривожлантириш мумкин эмаслиги тан олинмоқда ва улар бизнинг тажрибамизни ўрганишмоқда. Ҳамма нарса одамларнинг маънавиятига, онгу тафаккурига боғлиқ. “Маънавият – инсоннинг, ҳалкнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир. У йўқ жойда хеч қачон баҳт-саодат бўлмайди”, - деган ҳаётий ҳақиқатга ҳар куни иқрор бўлиб турибмиз.

Ҳалқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлдан бориш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш борасидаги эзгу ишларимиз ҳаммага бирдек ёқаётгани йўқ. Баъзи ташки кучлар айнан маънавиятимизни бузиб, унинг ўрнига бизга тамомила ёт бўлган ахлоқ ва турмуш тарзини жорий қилишга уринмоқда.

### **Беҳаёлик демократия эмас**

Яқинда “Евронюс” телеканали Европа мамлакатларининг бирида ялангоч одамлар акс эттирилган асарлар кўргазмаси ҳақида лавҳа берди. Ғарбда бундай кўргазмалар бўлиши оддий ҳоллигини яхши биламиз. Бизни ҳайрон қолдирган нарса бошқа: залда расм томоша килаётганлар ҳам қип-ялангоч эди!? Шарҳловчининг галига қараганда, айнан шу ҳолда муҳлислар

асарларда акс этган маънени чуқур англаши мумкин экан!؟ Қорни осилиб қолган чол, шарти кетиб парти қолган кампирлар бир ахволда гўёки залма-зал юриб, сурат томоша қилаялти. Балким мен ҳаётдан орқада қолгандирман, деб гарбда тобора оммалашиб бораётган яланғочликдан мантиқ топишга харакат килдим, аммо уддасидан чиқа олмадим. Факат беғубор ёшларимизни, бокира қизларимизни, муnis онахонларимизни, нуроний отахонларимизни, маънавиятга йўғрилган мұқаддас она заминимизни қуюндай ёпирилиб келаётган бундай таҳдидлардан химоя қилиш ўзини Ўзбекистон фуқароси деб билган ҳар бир одамнинг, зиёлининг мұқаддас бурчи эканига яна бир бор икрор бўлдим.

Агар демократия, инсон ҳақ-хукуқлари каби жозибадор шиорлар воситасида бутун дунёни қамраб олган оммавий ахборот воситалари орқали шаҳвонийлик, яланғоч намойишларга чиқиши, эркакнинг-эркакка, аёлнинг аёлга уйланиши каби гайриинсоний иллатлар тарғиб этилиши орият ва шарм-ҳаёни ҳаётнинг асосий мезони деб ҳисоблайдиган юзлаб, минглаб ҳалқларнинг хуқукларига зид эмасми? Албатта зид! Чунки ахлоқсизлик одамларни мұқаррар равиша тубанликка олиб боради.

Бир жинсли оиласлар, шаҳвоний ракслар, зўравонлик, бағритошлиқ каби иллатларни демократия киёфасида ўзга юртларга олиб киришдан кўзланган мақсад — ёшлар маънавиятини заифлаштириш, уларни миллий қадриятлардан бегоналаштириш ва пировард натижада “ўзларининг тили”ни тушунадиган тобеларга айлантириш.

Маънавий таҳдидлар кўлами факат тарғибот-ташвиқот ишлари билан чегараланмайди. Хорижлик ҳомийлар маблағи эвазига фаолият юритадиган номлари жозибадор ранг-баранг ташкилотлар ҳам ўз хўжайнларининг манбаатларига хизмат килади. Улар иқтидорли ёшларни тўплаб, турли тадқиқотлар, семинарлар, тренинглар уюштиради. Мақсад эса ўша – гарблаштириш. Текин пишлок факат қолқонда бўлади, деганларидек, бундай ташкилотларга бекорга маблағ ажратилмайди. Бундай “бегараз” ташкилотларни дунёнинг кўплаб мамлакатларида учратиш мумкин. Масалан, «Труд» газетасининг 2006 йил 24 январь сонида Россиядаги кўплаб

нодавлат ташкилотлари хориждан молиялаштирилаётгани қайд этилган. Жумладан, Қийнокқа карши күмита номли нодавлат ташкилоти ҳисобига чет элдан 2004 йилда 32 минг фунт стерлинг тушган. Демократияни ривожлантириш ва инсон ҳуқукларини ҳимоя қилиш, Москва-Хельсинки гурухи ва бошқа нодавлат ташкилотлари ҳисобига ҳам хориждан маблағлар тушгани қайд этилган. Россия Федерал хавфсизлик хизмати матбуот котиби Диана Шемякинанинг гапларига қараганда, кўплаб ҳужжатлар мамлакатдаги нодавлат ташкилотлари имкониятларидан чет эллардаги маҳсус хизматлар Россияга қарши тарғибот ишларини олиб бориш воситаси сифатида фойдаланишини кўрсатмоқда.

Бундай ташкилот вакиллари тадқиқотлар билан чекланиб қолмайди, балки олинган маблағларни оқлаш максадида маҳаллий ахолининг миллий қадриятларига таҳдид солади. Масалан, Матильда Богнер деган хорижлик хоним ўтган йили ўзбек ҳалкининг минг йиллик қадрияти ҳисобланадиган маҳалла институтига тухмат қилишга уриниб кўрди. Эмишки, маҳалла ўзбек қизларини кечаси кўчага чиқиши ва аёллар эридан ажралишига монелик килар эмиш.

Бундай кимсалар бизни жамоа бўлиб яшашимииздан асабийлашиши асло бежиз эмас. Маҳалла бизнинг бошимизни қовуштириб турган кўргон ҳисобланади. Мустакиллик йилларида бевосита Президентимизнинг ташаббуси билан маҳалланинг мақоми янада мустаҳкамланди, у ўзини-ўзи бошкаришнинг ёркин рамзига айланди. Маҳаллада барча тенг, ҳамма иш бамаслаҳат қилинади. Биронта одам эътибордан четда қолмайди. “Эксперт”ларнинг асосий максади — миллатимизнинг ўзаги бўлган маҳаллани заифлаштириш, одамларни бир-биридан бегоналаштириш, жамиятимизнинг бирлигига путур етказиш, уни ўз таъсир доирасига олиш.

Маънавий таҳдидлар баъзан очиқдан-очиқ тухмат, бўхтон, йўқ нарсани бор қилиб кўрсатиш шаклида ҳам намоён бўлади. Масалан, яқинда интернетда Камола Навонинг (афсуски, шундай журналист борлигини билмас эканман) “Легко ли быть лезбиянкой в Узбекистане» деган мақоласи зълон қилинди. Муаллиф бизда йўқ гайринсоний ва гайритабиий иллатни ўйлаб топади ва ўзи кашф этган бизга ёт муаммони жамиятимизда

йўқлигидан асабийлашиб шундай дейди: “Сиз шундай нусхалар билан гаплашармидингиз, дўст бўлармидингиз, деган саволимга 100 та киз ва аёллардан 97 таси бу ҳакда гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини айтди. Факат учта аёл шилкимлик килишмаса, гаплашишимиз мумкин, деди. Ҳатто бир аёл, кўрсам роса дўппослайман деб, жаҳли чикди”.

Бундай даҳшатли дунёкарапшларни жамиятимизга йўлатмаслик, оилани мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиклик руҳида тарбиялашга ҳаммамиз мастьулият ва хушёрлик билан ёндашишимиз зарур.

Камола Навонинг “Тадқиқот”идан кўзланган максад битта – оила аталмиш мукаддас тушунчани емириш, ёшлар онгига қизлар-қизлар билан турмуш қуриши оддий ҳол деган гайринсоний иллатни сингдириш, миллий қадриятларимизни оёқости қилиш, бизни инсон ҳукукларини чеклашда айблаб, ёмон кўрсатиши.

Мана шундай ишларнинг барчаси, юкорида айтилганидек, демократия байробги остида амалга оширилмоқда. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, дунёдаги бирон-бир ҳалқнинг демократияни монополиялаштиришга ҳакки йўқ. Демократия минг йиллар мобайнида ривожланиб келаётган умумбашарий тушунча. Демократия деганда, биз барча ҳалқларнинг миллий ва диний қадриятларини хурмат қилишни тушунамиз. Демократия дунё ҳалқларнинг миллий қадриятларга зид эмас. Демократия байробги остида бошқа ҳалқларнинг миллий ва диний қадриятларини оёқости қилиш маънавий тажовуздан бошқа нарса эмас. Миллий ва диний қадриятларни, ахлоқий нормаларни инкор қилувчи майлар кутби -дин никоби остидаги ақидапарастликнинг кучайишига олиб келади. Мана шундай кутбланишларнинг олдини олиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, миллатлараро тотувлик, толерантлик эвазига жамиятимизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон. Гарбда оддий ҳол бўлган бир жинсли оила каби ҳодисалар бизнинг мўттадил жамиятимизга тўғри келмайди. Аксинча, уни ларзага солиши мумкин. Шунинг учун ҳам бизга ташқаридан туриб ақл ўргатувчилар керак эмас. Бугун томдан тараша тушгандай пайдо бўлган “ғамхўрлар” кечা, ҳалқимизнинг эрки бўғилиб, бошига оғир синовлар тушган пайтларда қаерда эди?

Худога шукур, матонатли халкимиз 14 йилда асрларга татигулик тарақкиёт йўлини босиб ўтди, минглаб бегуноҳ одамларнинг хаётига зомин бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни бартараф килди. Ваҳоланки, 80- йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида собиқ қизил империяда яшаган юз минглаб бегуноҳ одамлар демократияни оломончилик, соҳта обрӯ орттириш воситаси деб, калтабин сиёсатдонларнинг курбони бўлишиди. Демократия деган, бирдан карор топмайдиган, ўта мураккаб жараённи дастак килиб, содда одамларни, онги қотмаган шошқалоқ ёшларни кўчага чиқариб, атайлаб тўқнашувлар уюширишиди. Худога минг қатла шукурки, Ўзбекистонда Президент И. Каримов раҳбарлигидаги мана шундай фожеаларнинг олди олинди, одамларнинг хаёти саклаб қолинди. Халқимизнинг иродасини синдириш каби хом хаёл билан онги заҳарланган бир ҳовуч ақидапарастлар ва уларнинг орқасида турган кучлар ҳам бир неча бор юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни бузишга ҳаракат килиб кўрди. Аммо улар ўзларининг ёвуз мақсадларига эриша олмадилар. Чунки ўзбек халқи ҳеч качон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Бизнинг табиатимизда бошқа халқларнинг маънавиятини пастга уриш, бошқаларни менсимаслик каби туйғулар йўқ. Аксинча, биз ҳамма билан теппа-тенг дўст бўлишга, самимий ҳамкорлик килишга интиламиз. Дунё халқлари билан адабиёт ва санъат, илм-фан, иктисод, маънавият ва маърифат соҳаларидаги ҳамкорлигимиз йилдан-йил кенгайиб бораверади.

Биз ҳар кандай шароитда ўзлигимизни саклаб қоламиз. Биз кураётган жамиятда демократия ва миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашиб кетади. Юксак маънавият ҳаётимизга алоҳида файз ато этади.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, дарҳакиқат, “Ўзбекистоннинг куч-кудрати манбаи – халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиклиги, улуғ аждодларимиздан авлодларга ўтаётган маънавий мероснинг кучлилигига, фуқароларимизнинг эл-юртга, она заминга битмас туғанмас меҳрида, миллий ғуруримизда”.

**Мансур Бекмуродов,  
социология фанлари доктори, профессор  
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ЎЗБЕК  
МЕНТАЛИТЕТИ**

Дунё ўзгаришлари мазмуни умумий ёндашувларга, муроса ва ҳамжихатликка эришишга давват этувчилар билан хусусий ҳакикат тарафдорлари, яъни фақат ўз манфаатлари йўлида курашувчилар ўртасидаги баҳс-мунозара кескинлигининг тобора ортиб бориши билан изохланмоқда. Инсоният яқдил фикр қилиш, умумий сай-харакатларга эришиш, сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий зиддиятларни фақат ялпи бартараф этиш учун курашиш зарурлигининг замон такозаси эканлигини тобора равшанроқ англамоқда.

Умумийлашув жараёнларининг кенгайиши инсоннинг ҳаёт ва жамиятдаги ўрни ва роли масаласига ўзгача ёндашув заруратини ҳам кун тартибига чиқармоқда. Шахснинг жамиятдаги ўрни тобора катъйлашиб, унинг бевосита ўз имкониятлари орқали ёки муайян жамоа, гуруҳ воситасида ижтимоий ҳаётга кўрсатувчи таъсири ортиб бормоқда.

Маълумки, айни даврдаги демократия тартиботлари Фарб дунёсида туғилган ходисадир. Ҳозирги пайтда дунё ҳалқлари ҳаётига сингдирилаётган демократия тамойиллари Фарбий Европа ҳалкларига мос бўлган турмуш тарзининг адолат тамойиллари билан йўғрилган намунасиdir.

Бутун дунёда юз бераётган глобаллашув, яъни умумийлашув жараёнларининг муштарак қисми сифатида намоён бўлаётган гарбона демократлашув шарқ ҳалқлари ҳаётига муайян қийинчиликлар орқали томир отмоқда. Бу йўлда ҳар бир давлат ўзига хос мураккабликлар даврини ўташига, баъзан эса кутилган натижаларининг мутлақо тескари холатларига рўпара бўлиб қолишига ҳам тўғри келмоқда. Агар демократиянинг асосий талабларидан бўлган инсон ҳақ-хукукларини тенг таъминлаш ва уни адолатли ҳимоялаш зарурати анъанавий буддавийлик динига сифинувчи мамлакатларда, хусусан, Япония, Корея, Малайзия, Таиланд сингари давлатларда бир қадар силлиқ кечеётган бўлса, ислом конунлари баркарор бўлган Шарқ мамлакатларида бу жараён жиддий катализмлар, сиёсий бўхронлар, оғир йўқотишлар

хисобига амалга оширилмокда. Ҳатто, гарбона демократия тартиботларини сингдиришга бўлган айрим уринишлар тамоман тескари оқибатларни тутдириб кўйганлиги ҳам якин тарихимиздан маълумдир. Масалан, 70-йилларда гарбона демократия, цивилизациялашган турмуш тарзини Эрон давлати турмуш тарзига сингдиришга бўлган подшоҳ Мухаммад Ризо Пахлавийнинг саъй-ҳаракатлари ичоғли чиппакка чикқанлиги, анъанавий диний ёндашув тарафдорларининг ялпи бош кўтарганлиги, оқибатда эса унинг ўзи мамлакатдан жон саклаб қочганлиги ва бугунги кунда эса Эрон давлати исломий анъаналар мухитида яашашга ўтганлиги, Гарб демократияси ва турмуш тарзининг бу мамлакатда рад этилганлиги барчага аёндир. Ҳудди шундай ҳолат ёки ўхшаш манзаралар Афғонистои, Эфиопия, Сомали сингари давлатларда ҳам рўй берганлиги бежиз эмас. Ҳаёт маромини мавжуд анъаналар, урфодатлар, миллий турмуш ўзига ҳосликларини беписанд инкор этиш асосида ўзгартериш накадар фожеали оқибатларга олиб келганлигини Тожикистон, Чеченистон, Югославия халқлари бошига тушган кулфатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айни чогда таъкидлаш зарурки, ҳаёт ривожи қонуниятларининг бетўхтов амал қилиши ҳамма ерда ҳам ўзгаришлар муқаррарлигини қайта-қайта тасдиқламоқда. Энг муҳими, мазкур ўзгаришларни умумжаҳон глобаллашув жараёнларининг узвий жиҳати сифатида англаш даражаларининг турли хилда эканлиги муаммонинг самарали ечилишига асосий тўсик туриб колмокда.

### **Демократияни қандай қилиб сингдириш мумкин?**

Гарб халқлари учун ҳар қандай муаммонинг ечимини манфаатлар хал этиши умумий қонуният ҳисобланади. Манфаатлар силсиласида иқтисодий манфаат айникса устувор аҳамиятга эга. Инглиз менталитетини яхши билган машҳур давлат арбоби У. Черчелль «Англия тақдирини унинг доимий дўстлари эмас, балки доимо ўзгариб турувчи манфаатлари белгилаб келган», деган эди.

Гарбдаги моддий, реал манфаатлар устуворлиги қадриятидан фарқ қилиб, Шарқ халқлари учун бош қадрият манъавий омиллар, айникса, инсон шаъни, обрў-эътибори, нафсонияти, орияти, вижданни ҳисобланниб келган.

**Маънавий талаблар эса ўз-ўзидан қадриятлар қаторини мутаносиблаштиришни, бирининг кетидан мантикий равишда иккинчисини қўйинши тақоза этган.** Хусусан отага эҳтиром, она эъзози, ака ва ука хурмати, қавму қариндошлар тутувлиги, қўни-қўшнилар ахиллиги қадриятлар сифатида муайян кетма-кетликда, қадрланиш даражасига кўра иерархик шаклда хаётдан ўрин олиб келган. Қадриятлар қаторидаги тартибларнинг бузилиши жамият, сўнгроқ эса давлатнинг нурашига олиб келган. Иерархия шарқ турмуш тарзининг маромини белгилаб турувчи мувозанат мъёри, энг асосий тамал тошларидан хисобланган. Иерархик тизим хамма жараёнларнинг ўз окимида кечишига, пўрганалар юз бермаслигига кафолат вазифасини ўтаб келган.

Шарқ ҳалклари турмуш тарзи мураккабликлари тўғрисида ўлмас обидалар ёзib колдирган қадимги Хитой мутафаккири Конфуций дунё баркарорлиги факат моддий бойликларнинг тенг таҳсиланишигагина эмас, балки умум томонидан эътироф этилган тенгсизликларга таянишга бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Атоқли мутафаккир одамларни тинччиши учун уларни тенглаштириш эмас, балки адолатли табакалашувига эришиш зарур, деб ўргатади. Дунё тинчлиги-унинг фикр қарашларига кўра, «ота ва бола», «эр ва хотин», «оқоким ва фукаро», «ака ва ука», «устоз ва шогирд» ўртасидаги тенгсизлик маромининг нечоғли сакланишига боғлиқдир. Мабодо, ана шу беш тенгсизликнинг бирор бир бўғини дарз кетгудек бўлса, дастлаб оиласдан, кейин жамоа, жамият ва ниҳоят, давлатдан барака, файз кўтарилади ва умумий инқирозларга йўл очилади.

Тенгсизлик тартиботининг мазкур формуласи нафакат узок Шарқ, балки Марказий Осиё мамлакатларида асрлар мобайнида амал килиб келган. Бунинг тамомила акси сифатида Фарб дунёси ҳар бир фуқаронинг ҳеч бир истисноларга боғлиқ бўлмаган реал тенглигига эришиш учун неча асрлаб кураш олиб борди ва бунга эришди ҳам.

Биз бугун ялпи тенглик учун кураш ҳаракати муайян маънавий қадриятларнинг нархи пасайиши, инсонийлик, эзгулик сингари тамойиллар аҳамиятининг сусайишига олиб келганлигидан қатъи назар, Фарб мамлакатлари учун умумий

юксак тарақкиётга эришиш имкониятларини туғдирғанлигини зытироф этмай иложимиз йўқ. Айни чоғда ялпи тенгликка эришиш жараёнлари оқибатида одамлараро муносабатлардаги иликлиқ, маънавий қадриятларнинг нархи пасайиши, самимият, эзгулик, хамдардлик сингари тамойилларнинг хаётдаги аҳамияти сусайишига олиб келганлигини хам унутмаслигимиз зарурдир. Бугунги Ғарб дунёси учун индивидуализм, эгоизм, конформизм, маргиналлик, шафкатсизлик хусусиятларнинг шахс сифатларига айланиб колаётганлигини оммавий ахборот воситалари ташвишланиб қайд этмоқда.

Шу боисдан хам Ўзбекистонда халқимиз маънавий яхлитлигини саклаб қолиш, ўзликдан чекинмаслик, соғ инсоний фазилатларга таяниб иш тутиш асосида истиқболга интилиш сиёсати изчил юргизилмоқда.

Бинобарин, демократиянинг асл моҳияти жамиятда адолат тамойилини карор топтиришдан иборат эканлигини зытиборга олсақ, мамлакатимизда мазкур жиҳат куйидаги омилларда яккол кўринади: биринчидан, фуқароларнинг тинчлиги ва милатлараро тутувлик тамойили умумжамият миқёсида ялпи қарор топғанлигига; иккинчидан, фуқароларнинг турли ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий жамиятларга бирлашиш эркинлиги кафолатланғанлиги ва реал амал қилаётганлигига; учинчидан, маънавият, маърифат ва одоб-ахлок тамойиллари орқали инсоннинг инсонлигини ўзига англатишдан иборат умумжамият харакатининг изчил амалга оширилаётганлигига; тўртинчидан, бозор иқтисодиётининг шафкатсиз мухитига инсонни кучли ижтимоий ҳимоя қилиш орқали баҳамжиҳат кириб бориш сиёсатига катъий амал қилинаётганлигига яккол намоён бўлмокда. Мазкур омилларнинг умумий ва пировард мажмуи эса мамлакатимизда адолат тамойилининг ўзига хос ва ўзига мос тантанасини ифода этади.

Шундай қилиб, Шарқ халқлари учун Ғарбга хос бўлған ҳаммани бир хил қаричда ўлчовчи тотал, яъни ялпи тенглик формуласи эмас, балки инсонийлик талаблари тўлароқ бажарилувчи иерархик тенглик (пастдан юқорига, босқичма-босқич риоя қилинувчи муносабатлар тизими) формуласи кўпроқ мос келади.

Иерархик тенглик формуласи Конфуций таъкидлаган инсоний қаноат, инсоф, диёнат, хурмат, каттага хурмат, кичикка иззатдан иборат, англанган чекланишларни эътиборга олган холда яшаши тақоза этади. Мазкур талаб жамиятни факат қонунлар кучи оркалигина эмас, балки маънавият ундови воситасида ҳам бошқаришга йўл очади.

Ўзбек менталитети демократияга қандай таъсир этади?

Ўзбеклар табиатан жамоавий халк бўлғанлигидан ўзлигини хамиша атрофдагилар муносабатига кўра англашга мойилдир. Ўзликни жамоада англаш тамойили эса кишиларнинг оиласда, махалла-кўйда, ишхонада, жамоат ишларида қандай баҳоланиши билан ўлчанади. Масалан, тўйларимиз ёхуд маъракаларимиз обрўсини атрофдагиларнинг тадбиrimизга қандай муносабатда бўлиши, яъни кимлар қатнашиши, канча одам келишига кўра баҳолашга ўрганганимиз. Бу жиҳат юз ийллар мобайнида турмуш тарзимизда теран илдиз отиб бўлган.

Аммо бугун дунё ва жамиятимизда вазият тамоман ўзгача манзара касб этиб улгурди. Биз бу холатни, яъни ўзгарган дунёни ҳам тўла англаб етмаётганимизни ҳам тан олишимиз керак. Биринчидан, дунёнинг хаёт мароми, умр суръати тезлашиб жўшқин мазмун касб эта бошлади. Икинчидан, бозор талаблари ҳамма нарсага сергаклик билан ёндашиш, хисобкитобни қатъий олиб бориш заруратини кун тартибига чиқарди. Учинчидан, дунё жараёнлари билан доимий ҳисоблашиш атроф мамлакатларда юз берастган жамики воеа-ходисаларга дахлдорлик туйгусини кучайтириш заруратини мухим талаблар даражасига чиқарди. Тўргинчидан, ҳар бир сиёсий грух, жамоа ёхуд алоҳида инсоннинг дунё жараёнларига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятлари беҳад ўси. Бундай шароитда одамларнинг тор бикик мухитда яшаш ва фаолият кўрсатишлари, факат ўз анъаналари доирасида турмуш кечиришлари мумкин бўлмай қолди.

Дунё ўзгаришларининг мукаррар мантиги жамият ва фукаролардан ҳам ўз турмуш тарзларини мутаносиб ўзгартиришларини қатъий талаб қила бошлади.

Истиқолимизнинг дастлабки палласидаёқ ана шу катта ижтимоий эҳтиёжни ўз вактида донишмандлик билан англаган юртбошимиз жамият ҳаётини ислоҳ этиш, анъана

ва маросимларимизни дунё ўзгаришлари мантиғига биноан мувофиқлаштириш ташаббуси билан чиқди. Тўй ва маъракаларни тартибга тушириш, ортиқча исрофгарчилик ва дабдабозлилк билан ўтказмаслик тўғрисидаги Президент фармонлари эълон килинди. Жойларда бу фармон мамнуният билан қабул килинди. Кўпгина худудларда фармоннинг кучи ва воситасида тўй ва маъракалар ихчамлаштирилиб, ҳалкни анъаналарнинг оғир юқидан ҳолос этиш жараёнлари қизгин тус олди. Аммо ҳамма жойда ҳам мазкур фармонларни кутилган даражада бир хил самарали тадбик этилмаганилиги боис, маълум вакт ўтгач, ўрганилган одатлар одамларни яна ўз исканжасига оға бошлади. «Ким узарга» ҳалққа тўй беришдан иборат б: чекана иллатлар кайта жонланиб, турмуш ташвишлари юқини инада оғирлаштира бошлади. Бунга сабаб, ўзбек менталитети омилидан жойларда етарли фойдаланилмай келингандигида эди.

Шу ўринда Ўзбекистондаги жамоавийлик табиатининг муайян чекланганлик жиҳатлари эсга тушади. Яъни ҳалқимиз вакиллари бирор бир тадбир (тўй, маърака) килишдан аввал қавм-қариндошлар, махалла, ишхона, таниш-билишлар тажрибасини мушоҳада килиб кўради, бу ҳакда ўйлайди, фикр алмашади ва ҳатто маслаҳат ҳам қилиб оладилар. Ва бу жараён шу ерда тўхтайди. Тўхтамга, катъий бир фикрга келинмайди. «Қўрпага қараб оёқ узатиш» таомилига ҳамиша ҳам амал қилинавермайди. Катъий фикрга келиш учун эса ўзбекларга обру-эътиборли одамлар, яъни тўй- маърака килувчи кимса учун муайян мартабали шахс ёки раҳбарга таклид килиш, тайёр андозага таяниш тақоза этилади. Ўзбеклар табиатан жамоавий бўлишига қарамай шахслар, лидерлар ибратига фавқулодда эҳтиёжманд ҳалқдир.

Шундай килиб таъкидлаш лозимки, ўзбеклар жамоага қараб фикр килувчи, ўйловчи, тажхил этувчи, аммо факат шахсларга, лидерларга қараб иш килувчи, қарор ва хуносаларга келувчи ҳалқдир. Мазкур формула ҳалқимизни демократия тартиботларига ўргатишда ҳам жуда асқотади. Зоро, демократия нафакат шахс ҳак-хуқуқларини ҳимоялаш, балки бошқаларга ҳалал бермай яшаш, жамоага доимий равишда ижтимоий наф келтириб бориш омили ҳамдир.

Ҳалқимизни ибратли йўлга, жўшқин ғаолиятларга самарали ундаш учун одамлардаги ўз раҳнамолари, лидерларидан рағбат олиш мойиллигига жиддий ургу бериш, ҳар бир ишда раҳбарнинг шахсий намунасига эътибор қаратиш катта аҳамият касб этади. Ҳалқимиз ўз тарихидан қачон ўз

лидерларига комил ишонч билан эргашган бўлса, зафар кучиб, обрў-эътибор, шон-шараф козониб келган, қачонки, ўз лидерларига танқидий кўз, шубҳа кайфиятига берилиб ёндашган бўлса парокандалик, бебаракалик, қўрқоқлик, заифлик ботқоғидан чика олмаган.

Жамиятдаги обрў-эътиборли шахсларга эл олдида назарга тушган лидерлар омилига таяниш асосида иш тутиш ҳар бир бошланган ишда шубҳасиз самара беради.

Президентимиз И.А.Каримовнинг шу йил Сурхондарё вилоятида ҳамда Олий Мажлиснинг 8- ва 9-сессияларида сўзлаган нутқлари раҳбар шахс омилининг юртни яшнатиш, элни фаровон қилиш борасидаги катта ўрни ва роли ҳусусида кайта-қайта таъкидлаб айтган сўзлари замирида ҳам миллатни фаровонликка эриштириш гояси мужассамдир.

#### **Миллий гоя моҳияти-бирлашишдир**

Тараққиёт эҳтиёжи ҳалқларда миллий гояни катта ижтимоий сийсий зарурат даражасига чикаради. Миллий гоянинг бош мақсади ҳам одамларни умумий мақсадлар йўлида бирлаштиришдан иборатдир.

Халқимиз жамоавий табиатли эканлиги боис, азалдан бирлашишга мойил бўлиб келган. Аммо бу бирлашиш аксарият ҳолларда муайян уруғ, ҳудуд, қавм доирасидан юқорига чика олмаган. Ташки душманлар эса ҳалқимизнинг ана шундай тарқок бирлашувларидан усталик билан фойдаланиб келганлар. Бир уруг ёки муайян ҳудудга қилинган таҳдидни бошқа уруг ўзига кейинрок муқаррар келувчи таҳдид тарзида етарли даражада әнгламаган. Тарихимизнинг деярли барча даврларида юз берган фожеалар тарқоклигимиз, миллат даражасида бирлашмаганимиз оқибатида юз бериб келган.

Халқимизнинг асл фарзандлари, улуг мутафаккирларимиз гоя доирасида бирлашиш зарурати ҳусусида куюниб фикр билдирганлар. Халқимизда ҳам «мақсадлар йўлида бирлашганлар бирга ғолиб бўладилар, айрилганлар эса айри-айри мағлуб бўлачилар» деган доно накл бежиз айтилмаган. Жалолиддин Румий одамларнинг мақсадли бирлашишлари зарурати ҳусусида фикр юритиб, «Муҳаммад йўлидан борингиз, агар бу йўлдан бора олмасангиз, насронийлик йўлида бўлса ҳам бирлашингиз» (Идрис Шоҳ. Суфизм. М., 1994. С. 147) деб таъкидлаганида катта маъно бор эди. Улуг мутафаккир маърифат, имон –эътикорд йўлида бирлашиш ходисаси одамларни ўзаро тотувликка, ижодий ўзгаришлар йўлида ҳамкорликка ундашига ишонади.

Бинобарин, динлар ўртасида ихтилофлар чикариш ўтакетган жаҳолат бўлиб, ҳамма динлар ҳам пировард натижада одамларни сабр-тоқатга, инсофга, диёнат ва ҳамжиҳатликка ундан келгандир.

ХХ аср бошларида жадидчилик ҳаракатининг бошида туриб, ҳалқни бирлаштиришга ҳаракат қилган Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам умуммиллий бирлашиш, бирлашганда ҳам факат маърифатли бирлашишгина миллатни хурриятга олиб чикади, дея қайта-қайта таъкидлаб ўтган эди.

Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ юртбошимиз томонидан амалга оширилган тинимсиз сайд-харакатлар натижасида ҳалқимизнинг узок тарихи мобайнида нихоят миллий бирлашувга эришдик. Бу бирлашув гоҳ маҳаллий, гоҳ минтақавий ва гоҳ глобал таҳдидлар оғушида оғир синовлар жараёнида катта қийинчилликлар билан қарор топтирилди.

Шундай килиб, таъкидлаш жоизки, миллий гоя даставвал бирлаштириш моҳиятига эга бўлган мақсадларни тақоза этади. Шу боисдан юртбошимиз «биз аввалимбор қандай жамият қурмоқдамиз, ўз келажагимизни қандай тасаввур этамиз, деган саволларга ўз жавобларимизни аниқлаштириб олишимиз, шундан кейин одамларимизни ана шундай олийжаноб мақсадлар атрофида бирлаштиришимиз зарур», деб алоҳида кайд этган эдилар. (И. Каримов, Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-том, 465-бет).

Демократия тизимининг пировард мақсади инсонлар орзу-умидларини руёбга чикариш экан, миллий гоя бу мақсадга одамларни эзгулик йўлида бирлаштиришга хизмат қиласди.

Ўзбекистондаги миллий бирлашув ўзбек менталитетини пухта хисобга олувчи, Фарб фаоллиги, жўшкин энергияси билан Шарқ босиқлиги, донишмандлиги, юксак маънавиятини мутаносиб уйғунлаштирган, ўзига хос синтез ҳолатидаги бирлашувдир.

Шундай килиб, демократия одамларни турли сиёсий карашлар, мазҳаблар, қизиқишлиар, интилишилар, кайфиятлар, этник ўзига хосликлар негизида бирлашиб ҳаракат қилишларини тақоза этса, миллий гоя алоҳида уюшган фуқароларни ягона мақсад даражасида жамланиб ҳаракатланишига маънавий замин ҳозирлайди. Демак, миллий гоя одамлараро бирлашувларнинг олий даражаси хисобланади.

Миллий ғоя ўтиш даврининг бош ҳаракатлантирувчи кучи сифатида турли мамлакатларда синовлардан ўтиб, ўзининг ҳаётчанлигини исботлаган. Агар ўтган асрнинг ўртасида фашистлар Германияси тазики билан таслим бўлган Франция давлатида ватанпарвар генерал Шарль де Голлнинг душманга бўйин эгмаслик даъватидан тугилган умумфранцуз «Қаршилик кўрсатиш ҳаракати» бу давлатни Иккинчи жаҳон уруши нийоясида голиблар даврасида туриш шарафиға эриштирган бўлса, инглиз мустамлакачилари асоратидан халос бўлиш ҳаракатига бошчилик килган Мхатма Ганди хинд ҳалқини «тинч исён» кўтариш, яъни ғанимларга карши бирор бир ўқ узмасдан, қон тўкишга йўл кўймасдан ялпи норозилик намойиш этиш, истилочилар билан ҳамкорлик қилишдан тамомила воз кечиш, уларга мутлақо хизмат қилмаслик, яккараб қўйиш орқали озодликка чикиш гоясини асослаб берган ва бунга эришган эди.

Худди шундай умуммиллий бирлашувнинг тинч, бунёдкорлик шароитидаги шакли Япония давлати мисолида ҳам яккол намоён бўлган эди. Японлар ўз ҳалқи шарафини ҳар бир киши ўз иш жойида фидоийлик намуналарини кўрсатиш орқали ҳимоялаши, «ҳар бир шахс тараққиёти пировард натижада умумяпон тараққиётини шакллантиради», - деган ҳаракат доирасида бирлашиб интилганликлари мамлакатни юксак тараққий топган давлат даражасига чиқарди.

Миллий ғоянинг ҳаётбахш кучи нечоғли қудратли эканлигини англаган Россияда ҳам ҳозирги пайтда миллатни бирлаштирувчи ғояни излаш ҳаракати авж олдирилмоқда. Бу ҳақда Россия оммавий ахборот воситаларида мунтазам равиша мақолалар, обрў-эътиборли шахсларнинг чиқишлари бериб борилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, миллий ғоя ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос хусусияти, маданий-тарихий тажрибаси, менталитети, ўзига хос турмуш тарзи мантиғидан тугилади. Миллий ғоянинг тўғри белгиланиши мамлакатни даставвал тинчлик, барқарорликка, сўнг эса жўшкин тараққиёт натижаларига эриштиради. Ўзбекистонда миллий ғоя моҳиятининг даҳоларча тўғри белгилангандигини ўтган ўн бир йиллик яқин тарихимиз яккол исботлаб берди. Юртимизда тинчлик, барқарорлик ўрнатилди. Одамларнинг тафаккури, ҳаётга бўлган муносабатлари тизими ўзгарди. Фуқароларнинг давлат ва жамиятда юз берәётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жараёнларга даҳлдорлик ҳисси кучайди. Ҳалқаро майдонда жонажон Ўзбекистонимиз сўзи ҳам ҳурмат билан эшлила

бошланди. Мамлакатнинг иктисодий, технологик, маънавий-интеллектуал тараққиёт йўналишлари тубдан ўзгариб, ялпи ривожланишнинг янги босқичига кўтарилдик. Маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ миллий таракқиётимизнинг устувор мезонларига айланди.

### **Шахс таракқиёти жамият равнақига қандай таъсир этади?**

Шахснинг сиёсий, иктисодий ва экологик жараёнларига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятлари ошганлиги муносабати билан дунёда инсон омилига янгича назарларда қараш тенденцияси кучайди. Инсонга ёндашиш, уни ўрганиш ва бошқариш масалалари атрофлича ўрганила бошлади.

Истиқболимизнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда ҳам инсон омилини фаоллаштириш муаммосига устувор масала сифатида ёндашиб келинмоқда.

Маълумки, бозор иктисодиёти моҳият эътиборига кўра одамларнинг индивидуаллашувини, ҳар бир инсоннинг фаоллик даражасига кўра баҳоланишини такоза этади. Айни чоғда бозор иктисодиёти инсон имкониятларини руёбга чиқазиш асосисида унинг ижтимоий, сиёсий фаоллигига ҳам йўл очади. Бозордаги талаб ва таклиф жараёнларида мавқени кўлдан бермаслик эҳтиёжи ҳам, ўз навбатида, одамларнинг жўшқинлиги ва харакатчанлигини доимий равишда такоза этиб туради.

Ана шу омиллар фуқароларнинг ўз-ўзига бўлган талабчанлигини бекиёс даражада оширади, инсонларда «эго», яъни «мен» образи баркарор шакллана боради. Тоталитар тузум даврида одамларда мавқуравий жамоавийлик, яъни колективистик характерни шакллантиришга асосий эътибор бериб келинган эди. Индивидуалистик кайфиятлар, кишиларнинг ўз тақдир, ўзи учун мустақил ҳаракат килиш ҳолатлари каттиқ таъкиб остига олинар эди.

Истиқтол туфайли одамларнинг ўз тақдирларини ўзлари эркин белгилаш имкониятларига ҳам кенг йўл очилди. Шу йўналишда одамларнинг индивидуал равишда камолотга, фаровонликка, тўкинликка интилиш ҳусусиятлари ҳам равшан намоён бўла бошлади. Жамиятда юз берастган ана шу ўзгаришларни кўллаб-куватлаш максадида юртбошимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати йигилишида сўзлаган нутқларида бунёдкорлик, яратиш йўлида қилинувчи барча саъй-ҳаракатларга кенг йўл очиш зарурлигини алоҳида қайд этган эдилар.

**Мансур Бекмуродов,  
социология фанлари  
доктори, профессор**

## **ОИЛАДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ВА МЕНТАЛИТЕТ**

Дунёда юз берадиган ҳар кандай ўзгаришлар, хоҳ у иқтисодиётда, хоҳ маънавий-сиёсий соҳаларда бўлмасин, ўз таъсирини даставвал оила мухитида намоён этади. Сўнгги йилларда иқтисодиётда глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви, маънавият ва ахлоқий тарбияда гарб маънавиятига хос бўлган индивидуализмнинг кучайиши хаётимизнинг барча жабҳаларига ва айникса оила мухитига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Дарҳакиқат, оила барча ислоҳотлар, ўзгаришлар, таназзул ва таракқиётларнинг ибтидоси ва интиҳоси ҳисобланади.

Шу боисдан ҳам Президентимиз И.А. Каримов «оиласа эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оиласарни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, кўллаб-кувватлаш-буғунги кунимиз учун ва эртанги истиқболимиз учун накадар мухим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор»<sup>1</sup>, -дея алоҳида қайд этганликлари бежиз эмас.

Оила омилиниң мустаҳкамланиши, бир томондан, оиласа давлат ва жамият эътиборининг кучайишига боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан, оиланиң субъектив, яъни ички имкониятларини тўлдарок юзага чиқариш билан боғлиkdir. Оиласининг ички имкониятлари деганда, оила таркиби, оила аъзоларининг ижтимоий мўлжаллари, ўз олдиларига қўяётган максадлари, фарзандлар тарбияси, таълим, шахснинг индивидуал таракқиёти, ахлоқий тарбия, меҳр, садоқат, сабр,

---

<sup>1</sup> 1998 йил – Оила йили. - Т.: Ўзбекистон, 10-бет.

муҳаббат омилларининг оила мұхитида амал қилиши тушунилади.

Даставвал, оила таркиби ва фаровонлик масаласига тұхталсак. БТМ нинг ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан үрганилган ҳолатлар натижасига күра, Ўзбекистон ахолисининг ярмидан күпроғи, яъни 11 миллионы 18 ёшгача бўлғанларни ташкил этиб, ҳар бир оила боқувчиси ўзи билан ўртacha 4,1 кишини бокиш масъулиятини зиммасига олиб яшайди. Такқослаш учун мамлакатимизга аҳоли нуфузи бўйича бирмунча яқинроқ бўлган Руминия ёки Польшани мисол қилиб олсак, бу давлатларда ҳар бир боқувчи зиммасига 0,5 болани бокиб, ўстириш тўғри келмоқда. Польшанинг 35 миллион ахолисининг 22 миллионы, Руминиянинг 23 миллион ахолисидан 16 миллионы моддий ёки номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида машғул бўлиб келаётган бўлсалар, Ўзбекистоннинг 25 миллион ахолисидан 5 миллион яқинигина ишлаб чиқариш, бошқарув, тижорат, маориф, тиббиёт сингари соҳаларда фаолият юритмоқдалар. Табиийки, бундай ҳолат вактинча муайян иқтисодий қийинчилликлар түғдирса-да, ҳар ўтган йил моддий ва номоддий ишлаб чиқаришта миллионлаб янги ишчи кучларининг келиб кўшилишига ва пировард натижада мамлакатимизнинг умумий салоҳияти даражасини узлуксиз равишда опшувига олиб келади.

Мамлакатимизнинг эртанги порлоқ истиқболини таъминлашда бошқа ижтимоий институтлар билан бир каторда оила омилига ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг сифат ва самарадорлик боскичига кирғанлиги мантиғи билан изоҳланади. Шундай экан, оила мұхитида мамлакатимизнинг умумий ривожланишига муносиб ҳисса қўша олишга қобил ва тайёр шахсларни шакллантириш учун биринчи галда нималар қилишимиз лозим, қайси жиҳатларни ривожллантиришимиз ва қайси жиҳатларни такомиллаштириш учун жиддий эътиборда

тутишимиз зарур? Даставвал, ўсиб келаётган ёш авлод онги, шуури, маънавиятида ватан туйгусини мустахкам қарор топтириш иши халқимиз учун тақдириломон вазифа саналади. Юртбошимиз И.А. Каримов «қадим-қадимдан оила мукаддас Ватан саналган», деб айтганлари бежиз эмас. Зеро, оилага садоқат, ота-онага оқибат, ака-укаларга меҳрлилик ватан тўйгусининг дебочаларидир. Оилага самимий садоқат бўлмаган жойда, фарзандлар олдида ота-она хурмати йўқ жойда эса, на қариндошларга, на маҳаллага ва на ватанга муҳаббат таркиб топмайди. Шу боисдан ҳам, бу масаланинг ҳуқукий асослари мамлакатимиз Конституциясининг 66-бандида «вояга етган, меҳнатга лаёкатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳакида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», -деб маҳсус қайд этилади. Шу ўринда қайд этиш жойзки, дунё конституцияларининг бирортасида ҳам бундай мазмундаги ҳуқукий модда алоҳида ажратиб кўрсатилмаган бўлиб, масаланинг бу тарзда кўйилиши Ўзбекистонда ота-она ва фарзанд муносабатлари умумдавлат даражасидаги фавқулодда мухим масала эканлигидан далолатдир.

Оила мустақил ижтимоий институт бўлиб шаклланганидан бошлаб, то истиқдол давримизгача кўп киррали ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Ҳар бир тарихий даврда оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари хилма-хил мазмун билан бойиб борди ҳамда оила даврнинг чигалли синовларидан омон ўтиб, жамиятнинг негизи сифатидаги хусусиятини саклаб колди. Оиланинг фукаролик жамиятдаги мухим ижтимоий институт сифатидаги ўрни хусусида мутафаккирларимиз ибратли нұктаи назарлар баён этишган.

Хусусан бу борадаги, яъни оила ва оилавий тарбияга оид фикрлар Абу Наср Форбийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райхон Берунийнинг «Минералогия», «Геодезия», «Хиндистон», «Ўтган авлодлар обидалари», Абу Али ибн Синонинг «Ахлок», «Ахлоқ фани», «Оила ҳўжалиги», Алишер Навоийнинг «Ҳайрат-

ул аброр» ва «Махбуб-ул құлуб» асарларида ўз ифодасини толған.

Айникса, XX аср бошларидаги миллий озодлик курашчилари бўлган жадидлар оила институти орқали жамиятни ислоҳ қилиш учун астойдил киришганлар. Хусусан, жадидлар ҳаракатининг йирик назариётчиси профессор Фитрат ўзи яшаган давр ҳаётнинг барча соҳаларида чукур инқирозга юз туттганлиги туфайли у хонликларнинг аянчли ахволи, уларнинг умумжаҳон жараёнларидан анча орқада қолганлиги, маънавий қашшокланиш юз берганлиги ҳақида куюниб ёзади.

Фитрат «Оила» асарида оила асосини тўғри қуриш, оилада ёш авлодга жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбия бериш орқали мана шу турғунликдан кутулиш, жамиятни ислоҳ қилиш мумкинлигини баён қилган. «Миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир... Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, малакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади»<sup>2</sup>, -деб ёзади у мазкур асарда.

Фитрат ўз фикрини давом эттириб, «Агар бир мамлакат ахолиси ахлоқсизлик ва жоҳиллик билан оиласи муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади»<sup>3</sup>, -деб ёзади.

Муаллиф оиласи ҳаёт ўз конун ва қоидаларига эга эканлигини, бу конунларга риоя қилиш орқалигини одамларни жаҳолатдан қутқариш мумкинлигини баён этади. Унинг фикрича, оила саодати ва баҳти учун қабул қилинган энг мақбул конун исломий конундир.

Оила институтининг барқарорлиги жамиятнинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказади. Ғарб олимлари тадқикотларида оиланинг инқирози хусусидаги нуқтаи назарлар

<sup>2</sup> Абдурауф Фитрат. Оила. Т.: Маънавият, 1998, 8 – бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

кенг баён этилмокда. Хусусан 1859 йилда «Бостон Куатерли Ревью» журнали шундай деб ёзган эди: «Эски маънодаги оила ҳаётимиздан йўқолмоқда ва бу нафақат институтларимизнинг эркин характеристига хавф остида қолдиради». Бундай фикрлар кўпгина Farb мамлакатлари бўйлаб акс садо бериб ўтди. 1980 йилда Британияда консерваторлар партияси оила тушунчасини сиёсий жиҳатдан мухокама қилди. 1986 йилда Англияда бош вазир лавозимида ишлаган Маргарет Тэтчер консерваторлар партияси Конференциясида: «Бизнинг сиёсатимиз оиласдан, унинг эркинлигидан ва унинг хотиржамлигидан бошланади»<sup>4</sup>, - деди. Бошқа томондан оила танқидчилари оила институтининг тушкунлигини ва ҳатто у бора-бора йўқолиб кетишини башорат қиласидилар.

Оиланинг йўқолиши тўғрисида ҳали асосланмаган ҳолда шунчалик кўп гапирилдики, бундай умумий мулоҳазаларга танқидий ёндашиш лозим<sup>5</sup>.

Табиийки, оила институти бугунги кунда фундаментал ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Аммо Farb дунёсида юз бераётган ижтимоий ўзгаришларни ўз ҳолича Шарқ оламига, хусусан Ўзбекистон турмуш тарзига айнан кўчириб талкин этиш тўғри эмас.

Бильякс, истиқлол шарофати билан маънавий тикланиш жараёнлари дадил-кечаётган мамлакатимизда оила институти ижтимоий ҳаётда тобора мустаҳкамрок ўрин эгаллаб бормоқда. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримов асослаб берган оила омилини мустаҳкамлаш концепсияси эътиборга сазовордир.

«Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни

---

<sup>4</sup> Қаранг: Энтони Гидденс. Социология: олий ўкув юртлари учун ўкув кўдланма, Илмий мұхаррирлар: А.Бегматов ва М.Бекмуродов. – Т.: Шарқ, 2002. 459 – бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Ўша жойда.

сақлайдиган, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир»<sup>6</sup>.

Айни чогда таъкидлаш жоизки, оила миллат шарафини юкори мартабага кўтарадиган маданият ўчоги ҳам хисобланади. Моҳият эътиборига кўра эса, оила икки жинсга мансуб инсонларнинг, яъни эркак ва аёлнинг ўзаро ҳамжихатликда яшай бошлиши, муҳаббати, бир-бирларини англаган ҳолда турмуш кечириши ва кўпайиш истагининг, жамиятни тўлдириш, авлодларни мунтазам янгилаб туриш, энғ муҳими, «уни ҳам иктисодий, ҳам маънавий – ахлокий жихатдан мукаммаллаштириш йўлида биргаликда киладиган харакатининг ҳосиласидир»<sup>7</sup>.

Оиланинг мустаҳкамлиги жамият ва давлат барқарорлиги билан мантикий уйғун ҳодиса саналади. Халқимизнинг мураккаб тарихий-маданий тажрибаси мобайнида юз берган воқеа-ҳодисалар моҳиятини жамиятнинг илк буғини бўлган оиласдан излаш тенденциясини кўплаб мутафаккирларимиз асарларида учратамиз.

Миллатимиз бошига тушган кўпгина аччиқ қисматлар даставвал оила тарбиясидаги камчиликлар оқибати эканини маърифат аҳиллари яхши англаштан. Бундан ҳолос бўлишда оила тарбияси ҳал килувчи ахамият касб этади, деб умид қилишган. Фитратнинг «Оила ёки оилани бошқариш тартиблари» асарида бу ҳақда ибратли муроҳазалар илгари сурилади.

*«Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу ҳалқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ, - деб ёзади у.*  
– Тинчлик ва тотувлик эса, шу миллат оиласарининг интизомига таянади. Қаерда оила мустақиллиги кучли интизом ва тарбияга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муazzам бўлади». Бу муддао амалида, табиийки, оила бошлигининг ибрати алоҳида ўрин тутади. Оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр – оқибат

<sup>6</sup> Каримов.И.А Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги // Маърифат, 1997, 10 декабрь.

<sup>7</sup> Сафаров,О. Махмудов,М. Оила маънавияти. – Т.:Маънавият, 1998. 20 – 21 – бетлар.

омиллари соғлом мұхитни яратади, зеро, соғлом тарбия оила аъзолари ўртасыда яқдиллик, мақсадлар бирлигини юзага келтиради. Акс ҳолда эса, ичдан емирилиш, маңнавий инқироз ҳолатлари юз беради, бу эса хар қандай ташқи зиёнлардан күра талофотлироқдир»

Фитрат оиланы миллат манфаатига хизмат қилувчи, шу рухни тарбияловчи бешик эканлигини алохидат таъкидлайды. Оиладаги ижтимоий фойдалы тарбия эса жамиятни мустахкамловчи омил бўлиб, унинг уйғоқлиги, ҳаракатчанлиги, маърифий комиллигига тақалишини таъкидлайди. «*Қайси миллатнинг умумий саъй – ҳаракати ва амали кўп бўлса, куч – қудрат ва иззати ҳам шунча салмоқли ва буюк бўлади*», - дейди у ва юртдошларини шунга даъват этади. Табиийки, ўша даврда ҳамма ҳам буни англаб етмаган, бу йўлда жонбозлик кўрсатадиган фидоийларга йўл берилмаган, истибодод сиёсати эса миллий яқдилликнинг барча кўринишлари ривожига монелик килган. Шу боисдан ҳам Фитрат Ватану мамлакатни дилдан севувчи, унинг шаъни шарафини ҳимоя қилувчи фидоий фарзандларни кўплаб тарбиялаб вояга етказиш лозим, деган фикрни асослаб беради.

Фитрат жамият аъзоларининг фидоийлиги ва онглилиги миллий тараккиётга, эл-юрт ободлигига олиб келишига ишонган. Фитрат XX аср бошларида Туркистонда амал килган тарқоқлик хурофот ва акидаларни, мутелик ва парокандаликни инкор этувчи, жамиятни соғломлантирувчи куч сифатида одамларни оиласа янгича бир кўз билан карашта ундейди. Отонанинг бирламчи вазифаси-фарзандини жамиятга нафи тегадиган килиб ҳаётга тайёрлаш, уни онгли ва хушёр шахс килиб жамиятга кўшишдан иборат, «*Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб ҳўрликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, баҳтсизлик юкини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши – болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияга боғлиқ*», - деб билади у<sup>8</sup>.

---

<sup>8</sup> Соглом авлод бизнинг келажагимиз: тўплам / Таҳрир ҳайъати: М. Мухаммад Дўст, О. Мусурмонова, Т. Ризқиев ва бошкалар. – Т.:

Оилада ижтимоий тарбия самарадорлиги халкимизнинг турмуш тарзи, демографик ҳолатига боғлиқдир. Бу борадаги мухим муаммо-ўзбек оиласатарининг кўп фарзандлилигидир. Чунки аҳолининг кўпайиб боришида, унинг ижтимоий-иктисодий тараққиётида оиласати серфарзандлик мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда никоҳдан ўтиш, оила куриш ҳолларининг юқорилиги ҳам оила сонининг кўпайишига, бу эса, ўз навбатида, тугилишнинг ўсишига боғлиқ. 1960 йилда республика бўйича оила аъзоларининг ўртacha сони 4,7 кишини ташкил қилган бўлса, 1992 йилда-5,5, 1994 йилда 5,4 кишини ташкил этди<sup>9</sup> 2000 йил маълумотларига кўра эса, оила аъзоларининг ўртacha сони 5,2 кишидан иборатdir.

Мамлакатимизда 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга оширилган тадбирлар Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши, республикамизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза килиш, оила масалаларини илмий-амалий ўрганишда миллий ва диний қадриятларимизнинг аҳамиятига катта эътибор берилиши бу борада катта имкониятлар яратди. Бу имконият оила аъзолари маънавиятини юксалтиришга, оила аъзоларида хукукий ва тиббий онгни шакллантиришга, оиласат соғлом турмуш тарзини яратишга хизмат қилмоқда. Айниқса, ёшларимизда оиласати ҳаётга бўлган хурмат ошмоқда.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини оширишга қаратилган барча имконият ва сайд-ҳаракатларни бирлаштириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, жамиятнинг янгиламишида аёллар иштирокини кучайтириш учун шароит яратиш 1999 йилнинг устувор вазифаларидан бири бўлди. Шунинг учун ҳам 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилинди.

Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётиди,

---

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2000. 272-бет.  
Г.Хотамовнинг «Маърифатпарварлар армония» мақоласидан.

<sup>9</sup>Каранг: Инсоний тараққиёт бўйича ҳисобот. – Т.: Ўзбекистон, 1995. 47 – бет.

бозор иқтисодиётини шакллантириш ҳамда жамиятнинг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлашда аёлларнинг макоми, ўрнини мастаҳкамлашга қаратилди.

Ўзбекистон Президенти А.И. Каримов оила омилига, имкониятларига алоҳида тұхталиб: «Ватан түйғуси оиласи ғарият мөхрдан бошланади» деб, -таъқидлаган эдилар.

Оилада ватан тарбияси муҳим аҳамиятта әгадир. Ватанга бўлган меҳр даставвал ота-онага, ака-укаларга, яқин қариндошларга, кўшиниларга бўлган муносабатдан бошланади.

Табиийки, мустақилликка эришилган сўнгги ўн икки йил янги қадриятларга ўтиш, ўзлаштириш ва бу қадриятлар асосида бошқача яшашдан иборат мураккаб жараёнларни бошдан ўтказиш даври бўлди. Биргина мадхия мисолини олайлик. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришига кўра, гимнлар ватан йўлида якка-ёлгиз жонини тикиб, курбон бўлган фидойи-қаҳрамонлар рухига алков, багишлов, яна ҳам аниқрок айтадиган бўлсак, тантанали марсиядир. Табиийки, марсия айтиладиган пайтда арвоҳлар рухининг хурмати учун одамлар ўз ўринларидан туриб, жўр бўлиб марсияни ижро этишган.

Узоқ йиллар мобайнида амалга оширилган кузатишлар, ҳалқимиз тарихининг синчковлик билан қилинган таҳлили шундан гувоҳлик берадики, оилада ота-онанинг фарзандлар билан канча кўп вакт бирга бўлиши, ўзаро мулокотлар, ўргатилган билим ва қасб-корлар меҳр түйғусининг шунча мустаҳкамланишига олиб келади. Меҳр тарбияси ўзбек оиласида турли даражада эканлиги ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳамда кузатувлардан равшан кўринади. Шу нарса эътиборга лойинки, республикамиз турли ҳудудларида истиқомат килювчи зиёлиларнинг (ўқитувчилар, врачлар, инженерлар, бошқарув тузилмалари вакиллари, олий маълумотли тижоратчилар) ўз фарзандлари билан бир кундаги мулокотлари ҳажми ўртacha 10-15 минут атрофидаги кўрсаткични ифодалаётганлиги ташвишланарли ҳолдир. Маълумки, ҳаётга эндинина кириб келаётган ўсмирда атроф-муҳит, одамларда юз берадиган ўзгаришлар борасида ҳар кунда ўнлаб саволлар, жумбокли ҳолатлар юзага келади. Ўсмир бундай саволларни вакт дефицити сабабли ота-онага бера олмаганлиги ва малакали жавобга эга бўлмаганлигидан

жумбокларнинг ечимини тасодифий шахслардан, аксарият ҳолларда, ўз тентдошларидан излашга мажбур бўладилар. Натижада кичик ёшдаги болалар, ўсмирлар ҳар томонлама тўғри, жамият ва шахс учун ижтимоий фойдали бўлган малакали жавобларга эга бўлмайдилар. Бунинг оқибатида эса ёшлар тарбияси муайян издан чикиб, умумий ахлок, миллий анъаналар руҳига зид бўлган ҳолатлар юзага келади.

Тарбия тизимида оила таркиби, түғилажак фарзандларнинг ёш фарклари ҳам мухим аҳамиятга эгадир. Кўп йиллик кузатишлар, хукукий идоралар ҳужжатлари, вояга етмаган ёшлар томонидан килинган жиноий ҳатти-харакатлар, тартиббузарлик ҳолатларининг асл сабабларини ўрганиш шундан гувоҳлик берадики, оила мухитида тинчликка, тотувликка, ўзаро меҳрга чанкօк бўлганлик, ота-оналарнинг ўзаро адовати, ака-укалар ўртасидаги меҳрсизлик туфайли аксарият ёшларнинг жиноят кўчасига кириб колишлари маълум бўлди. Ака-укалар ўртасидаги меҳрсизлик даставвал оа-оналарнинг ўз фарзандларига эътибор бермасликлари, бу ишга жуда кам вакт ажратишлари билан изоҳланса, иккинчи томондан эса, фарзандлар тугилишида бири ва иккинчиси ўртасидаги ёш фарқи масаласига ҳалкимизда умуман аҳамият берилмаслиги ҳам жиддий масаладир. Руҳиятшунослик илми нуқтаи назаридан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра агар бола 1 дан 3 ёшгача бўлган вактда иккинчи фарзанд түғилса, болалар ўртасида она ва отага эгалик қилиш, суюкли бўлиш, эркалик қилиш борасида бир қарашда кичик факт туюлса-да, аммо бу фактнинг онг ортида мужассамлашувига кўра жиддий ҳодиса-ўзаро рақобат ҳолати таркиб топади. Агар түғиладиган болалар ўртасидаги фарқ 4-5 ёш бўлса, катта фарзанд томонидан ўз укасини химоя килиш руҳи шаклланиб ўз ота-онасидан укасини кизганимаслик ҳолати таркиб топали. Бу билан эса, ака-укалар ўртасида жуда нозик бўлган меҳрининг биологик омиллар орқали раҳна топишининг олди олинади. Ҳалкимизда унчалик эътибор берилмайдиган, аммо меҳр туйғусига раҳна солувчи яна бир жихат – бу ака-укалар ўртасидаги ўзаро жанжаллар, муштлашувлар ходисасидир.

Ака ва ука ўртасидаги баҳслар агар вербал даражада, яъни факат сўз талашишлар, фикр-карапашлар тортишуви тарзида

юз бериш билан чекланилса, меҳри туйгуси жиддий зарар кўрмайди. Мободо, бу баҳс мушт тушириш даражасига етгудек бўлса, кичикларнинг катталарга бўлган укалик меҳр илдизига жиддий зарба берилади. Шу нарса эътиборга лойикки, мушт урган томон меҳрини саклаши мумкин бўлса-да, таёқ еган томон ўз акасига нисбатан меҳр туйгусини теран хис эта олмай қолади. Якин кариндошлар, эр ва хотин ўртасидаги муносабатларда зўравонлик килиш, уриш ҳодисасининг нечоғли зарарли эканлиги боис, муқаддас китобимиз бўлган Куръони Каримда ҳам зўравонлик қилмаслик, инсонни ўз якинларига ва айникса хотинларга зинхор-базинхор кўл кўтармаслик зарурлиги тўғрисида алоҳида кайд этилади (Куръони Карим, Фошия сураси, 22-оят).

Халқимиз тарихидан улуг ва қудратли салтанатларнинг асосан ички омилларга кўра, оилавий тарбия муаммолари, оталар ва болалар, акалар ва укалар, опалар ва ака-укалар ўртасидаги меҳрсизлик, ўзаро нифоклар, яқдиллик рухининг сустлиги сабабли завол топганлигини биламиз. Таассуфки, айни шу сабабларга кўра, Корахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар ва бошқа давлатлар инкиrozга юз тутган эди. Шу боисдан ҳам юртбошимиз мамлакатдаги умумий барқарорлик бири-бирига боғлик ва тизимиҳ хусусиятга эга эканлигини таъкидлаб, «агар оила соглом ва мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч ва ҳамжиҳат, агар маҳалла мустаҳкам бўлса, давлат осойишта ва барқарор бўлади», деб таъкидлаган эдилар (И.А. Каримов. Ўзбекистон республикаси Конституциясининг беш йиллигига багишланган мажлисдаги табрик сўзидан, «халқ» сўзи газетаси 1997 йил 5 декабрь).

Оила барқарорлиги ва ватан салоҳиятини оширишда она омилининг роли бекиёсdir. Дарҳакиқат, она муқаддас ва чексиз эъзоз, эҳтиромга муносиб зотdir. Халқимиз онага бўлган чексиз ҳурмати, самимий мухаббати борасида кўпгина халкларга намуна бўларли анъана ва одатлар, маросимлар тизимиға эга. Муштипар оналаримиз фарзандни хаётга келтирганидан сўнг то ўз вафотига кадар факат жигарбанди тақдирини ўйлаб, унга омонлик, тинчлик, ризқ-рўз, баъзака тилаб яшаб ўтади. Оналарнинг фарзандларига яхшилик тилаб, Яратгандан паноҳ сўраши, ўзи емай боласига берувчилик, ўзи киймай кийдириши,

ўзи кўрмай ўтса-да, боласи кўришига орзумандлиги айни ҳакиқат ва чукур таъзим, таҳсинга сазовордир.

Аммо бугун кун суръатлари, шиддаткор замон учун фарзандларнинг факат микдоран кўп бўлиши, уларнинг соғомон юришини таъминлашнинг ўзигина етарли бўлмай қолди. Замона шу шиддаткор суръатларга хос ва мос юксак маърифатли, бунёдкор, тиниб-тинчимас авлодни тайёрлашни талаб этмоқда. Бу эса давлат ва жамият зиммасига, энг аввало, оиласа, она омилига кўп нарсаларни боғлиқ қилиб кўймокда. Онанинг мақсадлари, турмуш тарзи, ҳаёт мантифи мазмунида давр руҳига мос бўлган тамойиллар, яъни фарзандларга таълим, тарбия беришни тубдан яхшилаш, уларга ёндашув услубларини ўзгартириш зарурлигини кун тартибига кўймокда. Бу борада бугунги ҳолат манзараси ўзбек оиласарида турли даража ва кўринишларда бўлиб, уларни қуидагича тавсифлаш мақсадга мувофиқдир.

1. Фарзандларини аниқ мақсадларни кўзлаб турли воситалар кўмагида ҳаётга фаол тайёрлавчилар тоифаси. Бу тоифага мансуб оиласарда она барча ўзгаришларнинг уйғунлаштирувчи ва йўналтирувчиси сифатида намоён бўлади. Фарзандлар ўз вақтида, аниқ белгилантан режа ва режим асосида мактабда ўқийдилар ёки университетларда танлаган ихтисосликларини пухта ўзлаштириш ишлари билан банд бўладилар. Режавий таълим кўшимча билим олишлар усули (репетиция, тўтарақлар, уюшмалар) билан мунтазам равишда уйғунлаштирилади. Таълим олиш ҳолати ва мутахассисликни эгаллаш муаммолари оила мухитида мухокама этиб борилади, уйда дарс тайёрлаш қатъий тарзда мунтазам амалга оширилади. Урф-одат ва анъаналарга меъёр доирасида рационал амал килинади

2. Оила мухитида тарбия, одоб-ахлоқ масалаларига таълим ишларидан кўра устунрок аҳамият берувчилар тоифаси. Бундай тоифа вакиллари оиласи мухитда тинчлик, осойишталик, ўзаро хурмат сакланиши, маҳалла-юрга мавке-эътиборда бўлиш, анъана ва урф-одатларга катъий амал қилиш, уйдаги гап кўчага чиқмаслигига жиддий аҳамият қаратиб яшайдилар.

Бундай оилалар фарзандларнинг эртанги куни, уларни фаол ва бунёдкор шахс сифатида хаётга тайёрлашнинг аник режаларига эга бўлмасалар-да, ўз болаларининг жамиятга безарар бўлиб ўсишидан огох бўлиб яшайдилар.

3. Оилада ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларда масофа мавжуд бўлган тоифа. Мазкур тоифага мансуб оилаларда ота ва она фарзандлари тарбияси ва таълим олиш савияси учун мактаблар масъул ва мажбур хисоблайдилар. Мактаблар ва бошка таълим муассасалари билан ҳамкорлик килмайдилар, ота-оналар мажлисларига келмайдилар. Фарзандларнинг аҳлоқий ва маърифий ҳолатларини назорат килмайдилар. Бундай оилаларда ҳар ким асосан ўзи учун яшайди.

Республикамиздаги ҳуқук - тартибот идоралари маълумотларига кўра, вояга етмаган ёшлар ўртасидаги тартиб бузарлик, жиноятчилик кўчасига кириб қолиш ҳолатларининг ўндан тўккиз кисми айни шундай тоифадаги оилалар муҳитида юзага чиқмоқда.

Мазкур таснифга кўра, биринчи тоифага мансуб оилалар миқдорининг бугунги кун талаблари даражасида фаол ортиб боришини таъминлаш ўта муҳимдир.

Оила муҳитида ота ва оналарнинг фарзандлар такдири учун фавқулодда масъульлиги масаласи ривожланган барча мамлакатларда доимий равишда кун тартибида туради. Хусусан, Японияда ўтказилган тадқиқотларга кўра, ўзаро таниш аёлларнинг бир- бирлари билан учрашиб, ўтказадиган сұхбат, мулокотлари мажмууда ўттиз фойзгача вақт ўз фарзандларининг ўкиш ва ишларидаги ахволи, йигирма фойз вақтни шахсий такомиллашув, яъни ўзлаштирган янги касб-корлари, ўкиган китоблари, кўрган фильмлари ҳакида ва факат йигирма фойзгача вақтни таниш- билишларнинг майший ҳолати, кайфиятлари, соғлиги, турмуш ўртогининг муаммолари масалалари банд этар экан.

Тақкослаш учун Ўзбекистон аёллари ўртасида Тошкент давлат маданият институти «социология» кафедраси олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотда эса зиёли аёллар орасида 10

фоиз, тижоратчилар ўртасида 5-7 фоиз, қишлоқ аёллари орасида 3-5 фоизгина вакт фарзандларнинг таълим борасидаги ўзлаштиришлари ахволига ажратилар экан. Айни чоғда, аёлларимиз сухбатлари мажмууда 40 – 50 фоизгача вакт майший ҳаёт ташвишлари, кўшнилар муаммолари, дугона ва таниш билишлар тақдирине сингари масалалар таҳлилига бағишланниши аниқланди.

Бир карашда унча ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли туюлмайдиган мазкур киёсий таҳлил оналарнинг ўз фарзандлари тарбияси, уларни катта ҳаётга мақсадли тайёрлаб бориш ишларидаги ўрнини, пировард натижада эса мамлакатнинг умумий тарақкиёти ҳолатига бўлган бевосита ҳамда билвосита таъсирини белгилаб беради.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда оила институтига катта ижтимоий аҳамият бериб келинмоқда. Хусусан, 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши мазкур масалага бевосита ва «Соғлом авлод», «Оналар ва болалар», «Обод маҳалла» йиллари мобайнида эса билвосита тарзда доимий зътибор қаратиб келинмоқда. Айниска, 2003 йилда мамлакатимиз маҳаллаларини иқтисодий, ташкилий ҳамда маънавий обод этиш муносабати билан оиласларни ижтимоий ҳимоялаш тизими янада такомиллашиб, инсон шаъни ва гурурига мувофиқлаштирилди, ўсиб келаётган авлод маънавияти ҳамда маърифий-интеллектуал камолотини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий-педагогик ҳамда ижтимоий жиҳатлари мустаҳкамланди.

Зухра Қодирова,  
фалсафа фанлари доктори; профессор  
Эъзоза Каримова,  
социология фанлари номзоди, доцент

## **ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИ ВА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР**

Ўзбекистон ўз олдига ҳукукий, демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини вужудга келтиришни олий мақсад қилиб кўйган. Унга эришишнинг ягона йўли демократияни чуқурлаштиришдир. Ҳар бир халқнинг ўз турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошка жиҳатларидан келиб чиқиб, ижтимоий-сиёсий жараёнларга, демократияга ўзига хос ёндашиш усули бор. Шу маънода, Президент И.А.Каримов: «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шакланган ўзига хос ва ўзига мос ҳусусиятлари бор. Буни асло назирдан қочириб бўлмайди. Яъни шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Ҷу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашига уринишлар гоят ноҳуши, ҳатто, фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни гарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай ўйл бизга асло тўғри келмайди<sup>10</sup>, деганида демократияни жорий этишининг умуминсоний тамойилларига мустаҳкам таянган ҳолда юртимизда ўзбекона ёндашувлардан ҳам кеиг фойдаланиш, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиш заруратини кун тартибига кўяди.

Дунё ҳамжамиятининг ҳозирги босқичида 1995 йил 16 ноябрда Париж шаҳрида ЮНЕСКО Бош Конференциясининг йигирма биринчи сессиясида қабул қилинган «Багрикенглик тамойиллари Декларацияси»нинг мұқаддисма киемида шундай дейилганд: «XXI аср бўсағасида Ўзбекистоннинг киёфасини

---

<sup>10</sup>Каримов И.А. Ватан саждагоҳ қаби мұқаддасдир. З-жилд, - Т.: ўзбекистон, 1996. 8-9.-бетлар.

тинчлик ва осойишталиқ, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тутувлик, диний ҳамда мағкуравий бағрикенглик, маданиятларнинг уйгунлашуви, турли миллат ва элатларнинг жамият хаётида тенглик асосида иштирок этиши белгилайди. Инсон ҳуқуқлари ва демократия Ўзбекистоннинг миллий ва давлат манфаатларига, ҳалкимизнинг эркесвар миллий тафаккур тарзи ва рухиятига тўла мос келади<sup>11</sup>.

Ижтимоий, иктисадий, сиёсий ва маънавий воқелик ҳодисаларига бугунги кун ёндашувлари ҳаётга янгича тамойиллар, меъёрлар доирасида иш тутишни тақоза этмоқда. Ҳалқаро вазиятни соғломлаштириш янги дунё сиёсатининг асоси бўлиб қолмоқда. Ижтимоий онг мазмунининг тобора инсоний моҳият касб эта бориши, шахс хак-ҳуқуқлари барқарорлаштётганлиги, ҳалқаро маконда меҳр-шафқат, бағрикенглик, одамийликка доир умумпланетар майлнинг кучайиши жамият, жамоа ва шахс маънавиятида янгиланиш жараёнларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқдир. XX аср сўнгтига келиб, инсоният ўз қазоси ҳам, ўз даввоси ҳам ўз қўлида, реал сайд-харакатларида, тафаккур тарзида эканлигини тўла англаб етди. Дунё ўз-ўзини асраш инстинктини ишга солиш тарафдудини кўрмокда.

Ўзбекистон ялпи янгиланишлар жараёнини икки узвий ўзаро боғланган йўналишларда амалга оширишга киришди. Биринчиси, мамлакатнинг ички дунёсида, яъни иктисадиёт, маънавият, сиёсат, турмуш тарзида, ҳалқ характери ва менталитетида режавий асосларда амалга оширилаётган янгиланишлар мажмуидан иборат бўлса, иккинчи йўналиш, ҳалқаро ижтимоий мухит манзарасини тақомиллаштириш, яъни қарама-карши кучлар ўргасидаги зиддиятларни барқарорлаштириш, коллизия мухитидан муроса, ҳамкорлик муносабатлари, тинчлик маданиятига ўтиш, миллатлараро, давлатлараро, конфессиялараро толерантлик муносабатларини чукурлаштириш, инсониятга умумий ҳаҷф тутғидувчи терроризм, наркобизнес, экстремизмга қарши ҳалқаро ташкилот

---

<sup>11</sup> Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. ЮНЕСКО. 1995 йил 16 ноябрь, Париж.

тузилмаларига асос солиш ва бошқа фаолиятлар мажмуудан ташкил топади<sup>12</sup>.

Жамият тарихи - моҳият - эътиборига кўра, кишилар ўртасидаги муносабатлар тарихидан иборат. Тарихий тараққиётнинг ҳар бир даврида таркиб топган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тузум эса жамиятни ташкил килган шахслар ўртасидаги иктиносидий, сиёсий ва маънавий муносабатларни шакллантиради ва идора килади. Шу сабабли, ҳар бир шахснинг жамиятда тутган ўрни, максади, манфаатлари, тузум томонидан унга берилган эркинлик даражалари каби масалалар ўзига хос ижтимоий муаммоларни ташкил этади.

Бугунги кунда жамиятимизда вужудга келган шароитда толерантлик тушунчаси, биринчи навбатда, демократик жараённинг пойдевори сифатида олиб қаралади. Бунда бир қанча мураккаб назарий саволлар туғилади. Уларнинг энг жиддийлари куйидагилардир: демократик дунёкараш моҳиятининг ифодаси сифатида олиб қаралганда, толерантлик – ҳамма нарсага нисбатан сабр-токатли бўлишни назарда тутадими? Зоро, ҳар нарсага тоқат килиш, демократиянинг қулашига олиб келиши мумкин. Агар толерантлик маълум маънода сабрсизликни ўринли деб топса, унда у ўз-ўзини инкор этаётган бўлмайдими? Бу саволга тўлиқ жавоб топиш учун килинган уринишларнинг барчаси мантикий, кониқарли ечими топилиши мумкин бўлган зиддиятларни юзага келтирмоқда.

Толерантлилик (лотинча *tolerantia* – сабрлилик, токатлилик) – ўзга хаёт тарзи, нуктаи назар, ғоялар ва зътиқодларга тоқатлилик, бағрикенглиқдир<sup>13</sup>.

Россияда нашр этилган социологик луғагда эса, толерантликка куйидагича таъриф берилади: а) ёт одамнинг

<sup>12</sup>Жўраев Н. Ўзбекистонда янгиланишлар концепциясининг яратилиши, эволюцияси ва амалиётда қўлланиши. Сиёсий фанлар доктори илмий дарражасини олиш учун илмий маъруза тарзида ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001. 4 – бет.

<sup>13</sup>Марк Ноттурно. Толерантность, свобода и истина: фаллибализм и открытие «закрытых обществ» //Ижтимоий фикр. 1998, 2. – сон . 89-бет.

турмуш тарзи, хулки, урф-одати, хиссиёти, фикри, гояси, эътикодига чидамлилик билан ёндашув; б) нокулай омилларни сезмай колиш натижасида содир бўлган ҳодисаларга бағрикенглик билан ёндашув; в) нокулай, номақбул ҳиссий омиллар таъсирига ҳам чидам билан ёндашув<sup>14</sup>.

Маълум бўлишича, толерантлик тушунчасининг адекват (мос) изохини англаш учун, унинг конкрет контекстдаги маъносига эътибор қартиш керак. Динлааро муносабатлар тизимида толерантлик бир маъно касб этса, гоявий фронтда ўзгача маънони англатади. Илм-фан соҳасида толерантлик муаммоси эътиборга молик масаладир. Турли қарашлар ва фикр-мулоҳазаларнинг аралашиб кетиши фожеавий оқибатларга олиб келиши мумкин. Айтайлик, динлар ва идеологиялар бир хил маъноли ечимга эга бўлмаган саволларга ўзига хос жавоб топа олса, илм-фандা бир саволга иккита, бир-бирига зид жавоб топиш номаъкул ҳодисадир.

Турли хил менталитет ҳамда турли шаклдаги толерантликка адекват ечим-муносабат топилган тақдирда жамиятда шундай ижтимоий ва сиёсий муносабатлар шаклланадики, улар демократия, барқарорлик ва фаровон хаёт гарови бўлиб хизмат қиласди.

Ижтимоий ва маданий хилма-хилликка нисбатан, индивидуал ҳамда ижтимоий муносабат шакли сифатида, шунингдек, ўзга фикр, эътиқод ва юриш-туриш услубига нисбатан сабр-токатлилик шакли сифатида толерантликка - маданиятлилик, сиёсий етукликнинг асосий аломати деб қарашимиз мумкин.

Толерантлик муросага келиш ва можароларни ҳал қилишнинг мухим шартидир. Сабрсизлик инсониятни жаҳаннамга етаклайди. Бироқ толерантликнинг табиати кандай?

Тарихдан маълумки, толерантлик турли хил дунёқарашлар асиосида юзага келган ҳамда диний урушлар учун замин яратоётган можароларга маънавий (жисмоний эмас) акс таъсир тарзида вужудга келади.

---

<sup>14</sup>Российская социологическая энциклопедия. – М.: Наука, 1998. С.278.

Давлат миқёсидаги толерантлик хар қандай ижтимоий ходиса ва хатти-харакатга нисбатан сабр-тоқатли бўлишни конуний деб топмайди. Толерантликка давлат миқёсида конуний тус берилиши, демократик бошқарув шаклининг ўрнатилиши учун зарур шарт-шароит яратади.

Бугунги кунда кучли эҳтирос билан тарғиб килинаётган толерантлик – ўзга халқ, динга мансуб кишиларга нисбатан ҳамдардлик билдириш ёки маълум давлатда инсон ҳуқуқларини поймол этиш ҳолларини аниқлаш билан чегараланиб колмоқда. Бундай эмпирик ёндашув толерантсизликнинг дискриминация тушунчаси билан аралашиб кетишига олиб келади. Толерантлик ижтимоий ҳаётнинг ижобий яхлит ходисаси сифатида қаралишни талаб этади. Ана шу яхлитликни тушуниш оркали, том маънодаги толерантликка эришиш мумкинdir.

Бизнингча, толерантлик – маънавий бурҷ, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж бўлиб, турли маданиятларни, ўзини ифодалашни ва инсон индивидуаллигини намоён қилишнинг хилма-хил усусларини хурмат қилиш, қабул қилиш ва тушунишни англатади. У ён бериш ёки хушомад эмас, балки инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабат, юксак маданият ва ахлоқ ҳисобланади. Толерантликни намоён қилиш ижтимоий адолатсизликларга нисбатан сабр-тоқатли муносабатда бўлишни, ўз зътиқодидан воз кечиб, бошқалар зътиқодига ён беришни англатмайди, балки толерантлик хар ким ўз зътиқодига амал қилинда эркин бўлиб, бөшқаларнинг ҳам бу ҳуқуқка эгалигини, хар бир одам ўз алоҳидалигини саклаб қолишга ҳақлилигини ва бир кишининг қарашларини бошқаларга мажбуран сингдириш мумкин эмаслигини тан олади. Толерантлик – бу на тутуруксизлик, ва на ижтимоий эклектикадир; толерантлик – бу хилма-хиллик, ўзгача фазилат, ҳамда хусусиятларни бир бутун борликнинг ажралмас, мухим қисми сифатида чукур англашдир. Сабрсизлик – бу ижтимоий ҳаёт ҳақиқатини назар-писанд қиласликдир. Дискриминация – бу иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий фаолиятни, ҳуқуқларни чеклаш сиёсатига мойил хусусиятларни сунъий равишда ёйиш, бегона субъектларни сикиб чиқариш, тахкирлашдир. Дискриминация субъектив хошиш-истакка

асосланган бўлиб, унда қарор топган ахлоқий кадриятлар тизимида имтиёзлар мавъум субъектнинг ихтиёрида бўлади<sup>15</sup>.

Толерантликни намойиш этишнинг ўз механизми мавжуд. Хар бир фукаро ўзга субъект иззат-хурматини жойига кўйиш оркали шахсий кадр-киммати, мавкеини аниклайди ва шу оркали ўз сиёсий маданиятини белгилайди.

Универсал тартиб-коида ва тамойилларни ўзлаштирган ҳамда уларни адолатли деб тан олган фукаролар сони канчалик ортса ва бу тамойиллар ўзаро фаолиятда ўз аксини топса, омма онгиди сиёсий маданият тушунчаси шунчалик тез қарор топади ва дискриминация ўз-ўзидан барҳам топади.

Ижтимоий дискриминация шароитида индивид ўз мавкеининг мезонларидан бехабардир. Бу муаммонинг ахлоқий томони ҳам мавжуд: ижтимоий мавқе, обрў-эътибор оиласида ўқитилмайди, таълим тизимида ҳам шаҳарларни ахлоқий тизимида ҳам мавжуд: ижтимоий мавқе, обрў-эътибор оиласида ўқитилмайди, таълим тизимида ҳам шаҳарларни ахлоқий тизимида ҳам мавжуд: ижтимоий мавқе, обрў-эътибор оиласида ўқитилмайди. Натижада, фукаро ўз табиий ва ижтимоий тафовутидан келиб чиқкан ҳолда хулоса қиласи ва шунга қараб иш кўради. Бир-бирини «табиат маҳсули» сифатида қабул киладиган инсонлар ҳеч қачон ўзларининг мазмун-моҳиятини «фаҳмламайдилар». Табиийки, бу инсонлар олдида толерантлик муаммоси кўндаланг турмайди. Бу муаммо индивид шахсий универсал табиатини «пайқаб колган» тақдирдагина кўтарилади<sup>16</sup>.

Дунёвий жамиятда толерантлик, туб тамойилларнинг трансцендентал соҳасини эътироф этиш натижасида ҳакикатга айланади. Мазкур тамойиллар асосида, яшаш шароити, касбий фаолияти, маданий анъаналарнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқувчи, этник ва миллий хусусиятлар, ижтимоий дунёкарашдаги фарқлар қабул қилиниши мумкин. Ушбу ҳолда толерантлик, бир томондан, ижтимоий стратегия умумийлигининг оқибати бўлса, иккинчи томондан, юксак маданиятнинг натижасидир. Бирок анъанавий жамият учун, инсоннинг ўз хис-туйгулари ва манфаатларининг

---

<sup>15</sup>Скворцов Л.В. Абсолютная истина и толерантность. Человек: образ и сущность. – М.: Акад.наук, 1998. С. 11.

<sup>16</sup>ўша манба. 12 – бет.

трансцендентал тамойилларига бўйсундиришга кодирлиги муаммоси юзага келади<sup>17</sup>

Халқнинг етук миллий онги, юксак маънавиятга эришиши ҳар қандай тараққиётнинг бош мақсадлариданdir. Инсоният тарихий тараққиёти бу ҳақиқатни ҳар қадамда исботлаб келмоқда.

Ўзбек халқининг юксак маънавияти ўта вазминлик, сабр-токатлилик, инсонпарварлик фазилатлари билан ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Қайд қилиш керакки, академик Э.Ртвеладзе Кушонлар давлати тарихига тўхталиб, кушонлар даврида турли хил диний эътиқодлар ва қавмлар вакиллари тинч-тотув, ахилликда яшаганини, толерантлилик (сабр-токатлилик) Шарқда жуда қадимдан мавжудлигини, Марказий Осиё жамияти ҳозир ҳам ўзининг бу хусусиятини, асосан ўзгартирмасдан саклаб қола билганлигини, бу ҳодиса сиёсий рақиблар фикрларига хайриҳоҳлик, тушуниш ва сабр-токат билан муносабатда бўлиш илдизлари ва омиллари ҳакида фикр юритади. Ртвеладзе томонидан амалга оширилган илмий таҳлил кўламининг теранлиги ва асослилигини тан олган ҳолда қайд этиш зарурки, толерантлик моҳият-эътиборига кўра, факат «мослашувчанлик»нинг ўзигина эмасдир. Толерантлик кўп киррали ва мураккаб таркибий тизим ифодасидир.

Айни чоғда, толерантлик ижтимоий муносабатлар ҳосиласи сифатида жамиятнинг муайян маданий-тарихий ҳолатига мувоғик ҳодисадир. У жамият образининг тимсоли бўлиб, шу жамияттага хос менталитет, инсоний меҳроқибат, ҳурмат, муҳаббат, бағрикенглиқ даражаларини ўзида акс эттиради

Толерантлик хусусиятини ўрганища миллий анъаналарга, миллий қадриятларга ва миллий маданиятга эътибор бериш лозим.

Халқимиз толерантлиги Ўзбекистонда миллий ҳамжихатлик рухини тарқиб топтирди. Турли миллат вакиллари

<sup>17</sup>Скворцов Л.В. Абсолютная истина и толерантность. Человек: образ и сущность. – М.: Акад.наук, 1998. С. 17.

Ўзбекистонни ўз ватани деб хис эта бошлаб, миллий маданияти, санъати, диний муносабатлари ва эътиқодини намойиш этишда кенг имкониятларга эга бўлдилар. Ўзбекистонда иш юритаётган 80 дан ортик миллий-маданий марказлар ва уларнинг фаолиятлари ана шундан далолат беради.

Президент И.А.Каримов мамлакат фуқаролари бирлигини таъминлаш ва турли миллатлар ўртасидаги муносабатларни баркарорлаштиришнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда маънавий жиҳатлари хусусида гапирав экан: «Ўзбек ҳалки руҳининг тикланганлиги, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чукур миллийлик билан умумисонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган ҳалклар ўзига хослигини йўқотмаган ҳолда, умумисоний руҳиятга, хулқ-автор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-рухий негизни вужудга келтирди»<sup>18</sup>, - деган эди.

Миллий маданият - «ўзбекчилик» болаларимиз томонидан стихияли, тарқоқ ҳолда ўзлаштирилмайди, балки бу жараён жамият, қишлоқ, маҳалла ва бошқалар томонидан боланинг ўз миллати вакили ролида чиқиш фаолиятида назорат қилинади, тузатишлар киритилиб борилади. Бу - «ҳар бир кишидан талаб қилинувчи функция, маъқулланган хулқ-авторнинг меъёрга етказилган намунасиdir»<sup>19</sup> Демак, ўзбек боласи томонидан «ака», «ука», «ўғил», «қиз», «ожиан», «маҳалладош» ва бошқа миллий ролларнинг ўзлаштирилиши унинг ижтимоийлашуви ва одоб-ахлоқ, миллий ва миллиатлараро мулоқотнинг маданий меъёрларининг ўзлаштирилишини ҳам ўз ичига олади. Кенг маънода эса, миллий ролларни ўзлаштириш ўз ичига (социаллашув) турли йўналишлардаги ижтимоийлашувни, миллий ахлоқ меъёрларини сингдиришни ижтимоий ҳаётга тайёргарлик жараёнларини ҳам англатади.

<sup>18</sup>Каримов И.А. Хавфсизлик ва баркарор тараккиёт йўлида. 6 – жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 12 – бет.

<sup>19</sup>Парсонс Т. Общетеоретические проблемы социологии. //Социология сегодня. Проблемы и перспективы. - М.: Наука, 1965. С.36.

Миллий ўзликни англаш халқ маънавий тараккиётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг ўз маданий мулкига ворислик хукуқини мустаҳкамлайди.

Миллий ўзликни англаш шахснинг бошқа миллатларга бўлган муносабатида, нафакат ўз миллатининг меросига ва маданий бойликларига, балки бошқа халклар маънавий бойликларига ҳам самимий муносабатини ифода этади. Ўзликни англаш, айни миллатга хос хусусиятларни идрок этиш, ҳар бир халқнинг ижтимоий озодлиги тимсолидир.

Миллий кадриятлар демократиянинг ривожланишида муҳим ўринни ташкил этади.

Ўзбек менталитетининг негизини ифодаловчи ўзбек халқи фазилатлари туркуми, толерантликнинг намоён бўлиш омили ҳисобланади. Масалан, ҳаё, ибо, катталарга хурмат, кичикларга иззат, меҳмондўстлик, ота-онани улуғлаш, ўз манфаатини устун кўймаслик, ўзгалар ҳаракатига тоқат каби фазилатлар толерантликнинг намоён бўлишини таъминлайди.

Толерантлик ўз миллатини бошқалар томонидан камситилишига йўл кўйиш эмас. Бу туйғу кишиларни шунчаки олийжаноб килиб кўймайди, балки унинг ҳулқ-авторини, ахлоқини, сиёсий ва маънавий поклигини, бурчга, ўз халқига ва унинг муқаддас нарсаларга бўлган муносабатини кўп жихатдан белгилаб беради. Булар инсонда бағрикенглиқ, хотамтойлик, байналминаллик туйгуларини уйғотади. Одамшавандалик, орият, ҳалоллик, камтарлик фазилатларини кучайтиради. Ўз қадр-қимматини билиш туйгуси ривожланган киши, одатда, ўзгаларга хайриҳоҳ, сезгир, меҳрибон бўлади.

Биз ўзимизга, бошқаларга хурмат билан муомала қиласапмизми, уларга муносабатимиз кандай, дея савол беришимиз даркор. Биз бошқа одамларнинг сўзларига эътибор беришимиз, шунга ўзимизни мажбур килишимиз ва уларни тушуна олишимиз лозим. Бошқаларга хурмат билан қараш, уларнинг мавжудликларини тан олишгина эмас, балки уларга қулок солиш, улар билан мулокотга киришиш, хурмат қилиш ва

хатто, уларни юқори баҳолай олиш ва севиш (нима учун шундай килтаслигимиз керак)<sup>20</sup> ҳамдир.

Президентимиз И.А.Каримов ҳар бир ижтимоий жараёнга тизимий йўналғанликка эга тушунча сифатида қарайди. Унинг "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" номли асарида: "6-устувор йўналиш - жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз даҳлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат"<sup>21</sup> -дейилади.

Жамиятимизнинг турли жабхаларига демократия тамоилининг тобора чуқурроқ сингга бориши давлат бошқарувининг турли жабха ва даражаларида раҳбарий сиёсатни амалга оширишда демократик тартиботларни сингдириш ҳамда ўзбек менталитетига мустаҳкам таяниб иш юритишни кун тартибига қўяди.

Менталитет ҳалқнинг тарихий-маданий тажрибаси маҳсулидир. Менталитет, ўз моҳиятига кўра, ижтимоий муносабатлар хосиласи сифатида жамиятнинг ижтимоий-тарихий ҳолатига мувоғиқ ҳодисадир. У жамиятнинг ўзига хос образи, реал ифодаси бўлиб, шу жамиятга хос бўлган жамики хоссаларни ўзида яққол ифодалайди.

Менталитет жамиятнинг ўзига хос миллий-маънавий мағкуравий куроли ҳамдир. У жамиятни ичдан идора килишининг қулай воситаси сифатида ҳамма давр ва маконда салтанатлар ва хоқонлар, ҳонликлар ва амирликлар сиёсатининг мухим жабхаси сифатида аҳамиятли бўлган.

Миллий мустакиллик туфайли жамият ҳаётининг барча соҳаларида аста-секин амалга оширилаётган покланиш, биринчи наъбатда, маънавий ҳаёт борасида тобора ойдинроқ кўзга ташланади. Ёш авлодни ватанпарварлик, иңсонпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий түрур туйғусини кучайтириш, уларда иймон, виждон, ҳалоллик,

<sup>20</sup>Федерико Майор. Келажак хотираси. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 160 – бет.

<sup>21</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.:Ўзбекистон, 1999. 23 – бет.

поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлиқ сингари хислатларни шакллантириш, таълим-тарбия борасида миллий, умуминсоний, исломий анъаналар ва қадриятлардан кенг ва унумли фойдаланиш, ҳар бир фуқарони мустақилликнинг онгли фидойисига айлантириш хозирги куннинг асосий мақсадидир. Иймони, зътиқоди, умуман олганда, том маънодаги инсонийликни таъминловчи барча омиллар калбida чукур томир отган фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва баркарор ривожлана олади.

Шунинг учун ҳалқ менталитетини ўрганиш ва ундан келиб чиқиб иш кўриш Ўзбекистон мустақиллигининг маънавий асосларини мустахкамлаш вазифалари билан боғлик равиша тадқиқот олиб бориш хозирги кундаги долзарб вазифадир.

Дарҳакиқат, тарих тақозоси билан Марказий Осиёдаги давлатлар: Ўзбекистон, Қозоғистон, Қиргизистон, Туркманистон, Тожикистонда аҳолининг таркиби азал-азалдан кўп миллатли бўлиб келганлигини хисобга олган ҳолда, бу ҳудудда тинчлик, осойишталик, миллат ва элатларнинг ўзаро ёрдам, тотувлик, ҳамкорлик муносабатларини ўрнatiш мухим бўлиб, ҳам сиёсий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Шу боис, бу давлатлар миллий сиёsatни ниҳоятда чукур, атрофлича ўйлаб олиб боришлари, пишик ва етуқ миллий сиёsat концепциясини ишлаб чиқишилари ва уни хаётга тадбик этишлари зарур. Бу борада Марказий Осиё ҳалқларининг урф-одатлари, миллий анъаналари, тарихий-жўғрофий шарт-шароитлари, миллий феъл-атворлари ва ҳоказо менталитетини хисобга олиш лозим. Бундай ёндашув ҳар бир миллат вакилларида ўзаро ва миллатлараро толерантликни шакллантиришнинг мухим ижтимоий-сиёсий негизини, асосини ташкил этади.

Толерантлик - ҳалқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашга, ҳар бир ҳалқка ўзини шу мамлакатнинг тўла ҳукуқли аъзоси бўлишига, унинг ваколатли ва масъулиятили субъекти деб хис қилишига ҳам имкон беради. Толерантлик ҳамиша миллатлар ва элатларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида шаклланиб, мазкур муносабатлар тизимининг мазмунига кўра ижтимоий таъсир кўламларини белгилайди. Бу

эса жамиятнинг барқарорлиги, ҳар бир миллат ва элатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ривожига катта таъсир кўрсатади.

Толерантликсиз минтақалардаги, бутун дунё ҳамжамияти миқёсидаги ҳалқаро ва регионал муносабатларга тааллуқли бирорта масала ҳам ижобий ҳал этилиши қийин.

Ҳозирги вактда шу нарса тобора яққол кўзга ташланмоқдаки, иқтисодий, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, ахлоқий муаммоларни ҳал килишга тўсик бўлиб турган нарса - толерантлик омилларининг етарли даражада ривожланмаганилиги, унинг муайян мамлакат учун ҳам, шунингдек, бутун дунё ҳамжамияти учун ҳам моҳияти ва аҳамиятини назар-писанд кильмасликдир.

Тоталитар тузум даврида ҳалқларнинг маънавиятидан узib кўйиш борасида пухта режалаштирилган сиёsat юргизиб келинди. Ҳалқларни ўзлигидан бегоналаштириш сиёsatи турли шаклларда амалга оширилди.

Ҳозирги замоннинг илгор кишилари Президентимиз И.А.Каримовнинг «...Тарихни можаролар ва адоват эмас, балки ҳалқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олга ҳаракатлантиради»<sup>22</sup>, - деган фикрларига қўшиладилар.

Миллатларапо, минтақавий, кенг камровли муаммоларни ҳал килишининг, инсониятни ҳалокатлардан кутқаришнинг, унинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашнинг зарур шарти - миллатлар, элатларнинг, мамлакатлар, уларнинг вакиллари бўлган давлатларнинг худудий, ҳарбий, иқтисодий асосларда эмас, балки уларнинг бирлашуви, ҳамкорлигидан иборат эканлиги тобора кўпроқ ҳис қилинмокда. Бинобарин, бу ижтимоий тарихий зарурат барча даражадаги миллатлараро муносабатларни меҳр-шафқат, хурмат, бағрикенглик, кенг феъллик асосларида шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлиб, улар том маънода талкин этилганда инсонпарварлик моҳиятининг асоси бўлиб колади. Бундай ҳамкорлик, бирлашиш инсониятга хос бош хусусият, яъни интеграцияга интилиш ҳаракатининг маҳсулидир.

---

<sup>22</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 680 – бет.

Толерантликнинг муросачилик ва ҳамкорлик хусусияти мамлакат ички ҳаётида ҳам, ташки сиёсатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Муросасозлик расмий талаб, қасам, муросасизликни қатъий таъқиқлашга айланади. Шу жойдан сиёсатга ўтиш юз беради. Толерантлик талаби биринчи галда шахснинг ўзига нисбатан кўлланади, чунки ўз маслак-қарашларингизни химоя қилишингиз шарт. Шу аснода, толерантлик хис-туйгулар жараённида эмас, изчил фикрлаш натижасида, нафақат маънавият, балки ҳукуқ доирасида шаклланиб боради. Жумладан, одамлар мамлакат фуқаролари ўртасидаги инсоний муносабатлар қанчалик илик бўлса, ҳалқ ва умумдавлат манбаатлари йўлида бирлашиб, муаммоларни ҳал этишда яқдил фаолият кўрсатса, вазифалар олдида масъулияти чукур хис қилинса, толерантликнинг мамлакат ички ҳаётида амал қилиши учун шарт-шароит яхшиланади.

Жамиятимиз туб янгиланишни ўз бошидан кечираётган бир пайтда амалга оширилаётган ислохотларда аҳолининг кенг қатлами, барча ижтимоий, диний, миллий ва ёш гурухларининг иштирок этиши уларнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир. Айнан шу сабабли ҳар бир фуқаронинг жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини ва бағрикенглигини кучайтириш йўлларини таҳлил қилиш алоҳида аҳамият ва долзарблик касб этади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, конструктив яратувчан фаолиятга йўналтирилган, сифат жиҳатидан мутлако янги турдаги ёшларни шакллантириш эктиёжи туғилди. Миллатларро низолар, шунингдек ҳалқаро террорчилик кенг ёйилган бир шароитда бу масала ніҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва бағрикенглигини ривожлантириш масаласи фуқаролик жамиятини куриш нуктаи назаридан ҳали тадқик этилмаган, шунингдек, уларнинг ўзаро бөгликлиги тадқиқотчилар нуктаи назаридан четда қолмоқда.

Зоро, ижтимоий фаоллик ва бағрикенглик ҳуқукий онг шаклланишига оид фундаментал тушунча бўлиб, фуқаролик жамиятининг муайян чеъёрларига мос келади.

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавият соҳаларини қамраб олди. Мазкур жараён

давомида нафақат ютуклар, айни пайтда мұайян мұаммолар, зиддиятлар ҳам кузатилмоқда. Ана шундай мұаммолардан бири жамиятимиз айрим катламларининг янги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий мұхитта кириб борища үз бошидан жиддий кийинчиликларни кечираётгандығи билан бағылғып. Бу эса нафақат жамиятимиз хар бир аъзосининг ижтимоий-иктисодий макомини, айни пайтда оммавий онгни ўзгартиришга оид объектив заруратни ҳам англағади. Ондаги ўзгаришлар кадриятларнинг қайта англаш, жамият ҳаётидаги мөһөрларга нисбатан янгича карашларни шакллантириш каби масалаларни камраб олади. Ёшлар мұаммолари, уларнинг жамият ҳаётидаги роли умумжағон аҳамияттың зәғірәтінде ойдан шығады. “Оталар ва болалар” ўртасидаги мұносабатлардаги зиддиятлар барча мамлакатларда, ҳатто әнг ривожланған давлатларда ҳам кузатилади. Бу масала, айникса, Ўзбекистон учун мұхим аҳамияттың зәғірәтінде ойдан шығады. Ёшларнинг иктисодий манбаатдорлығи уларнинг янгиланаётган ижтимоий мұносабатларнинг тұлақонли аъзосига айланиши, жамиятнинг ижтимоий түзилмасыда мұхим элемент сифатида шакланиши жараёндегі мұхим омылдар.

“Ёшлар” тушунчасини биз 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган, ижтимоий етукликтин шакланиши, ижтимоийлаштириш даврини (яъни жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий мұносабатларига тұлақонли равища кириб бориш) үз бошидан кечираётган ижтимоий-демографик гурухга нисбатан кўллаймиз. Ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёни үз ичига зарурый равища ёшларнинг жамиятта кўшилиши: уларнинг ижтимоий ва иқтисодий мұносабатларга мослашуви ҳамда ижтимоий тараққиёт бунёдкорларининг яшариши каби элементларни камраб олади. Биринчиси - авлодлар ўртасидаги ворисийликнинг, ижтимоий тараққиётнинг узлуксизлиги ифодасидир. Яшариш эса ёшларнинг янгиликка интилувчанлиғи, ижтимоий тараққиётнинг янгиланиши ифодасидир.

Ёшларнинг жамиятдаги ахволини тавсифлаб, кайд этиш мүмкінки, ёшлар билан жамиятнинг ўзаро мұносабатини иккі хил нұқтаи назардан күриб чиқып мүмкін. Бир томондан, бу ёшларнинг ижтимоий мұносабатларга таъсири бўлса, иккінчи

томондан, мазкур муносабатларнинг ёшларга таъсиридир. Бошқача айтганда, ёшларнинг ижтимоийлашуви қай тарзда умуман ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатади, иккинчи томондан, ёшлар ана шу муносабатларга кириб бориб, унинг таъсири остида ўзгариши каби масалалар. Ана шу икки жиҳат жамият ҳаётининг барча даврларида мухим ўрин эгалайди, аммо ижтимоий муносабатлар ислоҳ қилинаётган, ўзгараётган бир даврда улар янада мухим аҳамият касб этади.

Ёшлар аҳолининг аксарияти ҳали қатъий ижтимоий ва иқтисодий мақомга эга бўлмаган, жамиятда барқарор ўрин эгалламаган ижтимоий қатламидир. Шу туфайли улар бошқа ижтимоий тузилмага кириб борар экан, унда ўзгаришлар келтириб чикариши мумкин. Иккинчи томондан, жамият ёшларга таъсир кўрсатар экан, уларнинг қадриятлари ва устуворликларини ўзgartиради, ижтимоий тузилмага мослашишга мажбур киласди. Ушбу жараёнлар айникса иқтисодий ислоҳотлар даврида кучаяди. Ёшларга хос бўлган радикализм, муросасизлик, кўп нарсаларни ўзgartириш истаги жамиятдаги ислоҳотлар учун қулай психологик мухит яратади. Ёшларнинг жамият ижтимоий тузилмасига кириб боришининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилишдан аввал, ушбу тушунча хусусида тўхталсан.

Жамият тизим сифатида ўзаро боғлик тушунчалардан иборат. Бу – ижтимоий институтлар, ижтимоий гурухлар, ижтимоий катламлар ва ҳоказолардир. Шу муносабат билан фукаролар – жамият аъзолари бирлигини кўриб чикар эканмиз, уни турли мезонлар асосида тизимлаштириш мумкин. Ёки бирликни, энг аввало, ёш гурухлари яхлитлиги сифатида кўриб чиқиши, ёки жамият таркиб топган ижтимоий қатламларни уларнинг ижтимоий ишлаб чикаришдаги ўрни асосида таҳлил қилиш керак ва ҳоказо, аммо амалда ушбу элементларнинг биронтаси “соғ” холда мавжуд бўлмайди. Масалан, ёшига кўра ажратилган муайян ижтимоий гурухнинг аъзолари мукаррар равишда ижтимоий жараёнларга нисбатан умумий қарашларга эга ва табиийки, бир-бирига интилади. Катта ёшдаги одамлар эса ижтимоий жараёнларни баҳолашда асосан консерватив бўлиб, уларнинг ҳаётий нуктаи назари шу билан баҳоланади. Иккинчи томондан, умумий манфаатлар асосида бирлашган

жамият аъзолари ёш жиҳатидан бир-бирларига тенг бўлиши мумкин. Шундан келиб чиккан холда, ёшларни ўхшаш ижтимоий-рухий хусусиятларга эга ижтимоий-ёш гурухи сифатида кўриб чикиш мумкин.

**“Фуқаролик жамияти” тушунчаси** қонун устуворлиги, одамлараро муносабатларда ҳуқуқ устуворлиги, фуқароларни жамият ҳаёти билан боғлиқ қарорлар қабул қилиши жараёнига фаол жалб этиши жараёнини кўзда тутади. Хозирги кунда геосиёсий нуктаи назардан сиёсий, ижтимоий ҳаётнинг асосий жиҳатларидан бири турли манфатларни кўзловчи одамлар ўртасида ўзаро тушунишга эришишдир. Манфаатлардаги принципиал фарқлар турмуш тарзи, қадриятлар, нуктаи назарлар, қарашлар, маданият, тарбия ёки тарих, анъанадаги фарқлар билан белгиланади. Демократик жамиятда фуқаролик ўз-ўзини англаш калити ижтимоий фаоллик ва бағрикенглиkdir. Ижтимоий фаоллик ва бағрикенглик маданияти шахс умумий маданиятининг узвий қисмидир. Манфаатлар фаолиятнинг аниқ максадини белгилаш учун асос бўлади. Инсон ёки ижтимоий гурух учун бутун фаолият жараёни у ёки бу даражада жадал кечиши мумкин. Фаолият жараёнининг жадаллиги кўрсаткичи фаоллик билан белгиланади. Бошқача айтганда, фаолликни субъектнинг муайян фаолият тури билан шуғулланишга мойиллигининг ифодаланиши деб ҳисоблаш мумкин.

Ижтимоий фаоллик ҳолати ижтимоий ҳаётда ҳам ўзига хослик ва аҳамиятлиликка эга. Ижтимоий фаоллик ҳолати фалсафа, социология, сиёсатшуносликда бир неча бор тадқиқ этилган. Бироқ уни англашда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Совет давридаги илмий адабиётда ижтимоий фаоллик моҳиятан муайян гоявий қарашларга амал қилишни англатар эди. Бошқача айтганда, инсон гоявий ва бошқа маъмурий институтлар кўрсатмаларини ижро этгани учун фаол ҳисобланар эди. Расмий жиҳатдан ижтимоий фаоллик мустакиллик кўрсаткичи деб баҳоланаар экан, амалда у социалистик воқеликнинг мустакил таҳлилини, жамиятда ўз ўрнини топишни кўзда тутмаган. Жамиятнинг кўпчилик аъзолари мафкуравий ақидаларни ўз қарашларининг элементи сифатида қабул килган. Уларнинг аксарияти онгли равиша уларни фаол амалга

оширишга интилган. Бирок муайян боскичда мазкур қарашлар ижтимоий гоявий қарашларга зид келган. Кўпинча, тоталитар жамият доирасида мафкуравий қарашлар сиёсий нуктаи назарга караб ўзгариб, айни пайтда, барча ижтимоий институтлар ва жамият аъзолари учун мажбурий бўлиб колгани туфайли вужудга келган. Ушбу қарашлар асосини ва умуман ижтимоий муаммоларнинг мустақил муҳокама қилинишига йўл кўйиб бўлмайди.

Ўзбекистон мустақиллик шароитида ҳукукий давлат, демократик жамият қуриш томон интилмоқда. Бу эса ўзаро муносабатлар, давлат, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларининг янгича англанишини тақозо этади. Ҳукукий давлат тушунчаси қонуннинг асосий меъёр, ижтимоий муносабатлар тамойили сифатида тушунилишини кўзда тутади. Қонунларнинг ўзи эса шахс ҳукуклари устуворлигига асосланади.

Фуқаролик жамияти тушунчаси фуқаро ва давлат ҳукуқ ҳамда мажбуриятларининг уйғун бирлашувига асосланган ҳукукий тизимни ўз ичига олади. Давлат шахс ҳукуклари ҳимояланиши, унинг манфаатлари ифодаланиши кафили сифатида мавжуддир. Айни пайтда, қонунчилик ва ижроия ҳокимиятининг давлат тизими жамият аъзолари манфаатларига риоя қилиниши ва уларнинг бир-бирлари билан ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятларга киришидан ҳимоя қилишга қаратилган. Шу максадда тегишли қонунлар қабул қилинади ва уларнинг ижроия механизми амал қиласи. Жамият аъзолари уларга риоя қилиши даркор.

Бундай шароитларда ижтимоий фаоллик моҳияти бошқача тушунилади. Фуқаролик жамиятида ижтимоий фаоллик ижтимоий муносабатларнинг онгли, бегараз таҳлилига ҳамда уларнинг у ёки бу элементларини ўзгартиришга интилишга асосланган инсоннинг ижтимоий фаолликка қизиқиши ифодаланиши даражасини тавсифлайди. Инсон ижтимоий ахамиятга эга бирон-бир жиддий муаммони кўрган ҳамда уларни ҳал этиш учун ёки янги қонунларни қабул қилиш, ёки мавжуд қонунлар механизмини такомиллаштириш кераклигини англаган тақдирда ижтимоий фаолликка интилиш пайдо бўлади.

Ижтимоий фаолликнинг кўриб чиқилиши инсон эркинлиги тушунчasi билан боғлик. Биз юкорида кўрсатиб ўтган ижтимоий фаолликнинг шаклларига мувофиқ эркинликни ҳам турлича англаш мумкин. Энг аввало эркинликни инсонга муайян қийинчиликлар – иқтисодий, сиёсий ва хоказо нокурайликлар тугдирувчи вазиятлардан халос бўлиш, деб тушунилиши мумкин, бироқ бундай эркинлик ўз-ўзидан инсон фаолиятининг конструктив йўналтирилганлигини англатмайди. Конструктив дастурлар, максадлар, масалаларнинг йўқлиги умуман жамият учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай эркинликнинг табиати нима билан белгиланади?

Конструктив эркинлик шаклланишига ранг-баранг омиллар таъсир кўрсатади. Булар – турмуш гарзи, анъаналар, маданият, қадриятлар тизими. Пировард натижада конструктив эркинлик жамиятнинг барча аъзолари манфаатларининг мувозанатини кўзда тутади. Ижтимоий фаоллик конструктив эркинликни рафбатлантиради ва йўналтиради.

Жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллиги турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Намоён бўлиш табиатига кўра уни конструктив ва деструктив турларга ажратиш мумкин.

Жамият аъзоларининг конструктив ижтимоий фаоллиги шунда намоён бўладики, у ёки бу зиддиятлар билан тўқнашувда уларни мавжуд ижтимоий тизим, қонуний хукукий дастурлар ёрдамида йўқ қилишга интилади. Мавжуд қонунлар асосида ўз манфаатларини ифодалаш, муаммоларни ҳал қилиш учун жамоат бирлашмаларини тузади.

Деструктив деб белгилаш мумкин бўлган ижтимоий фаолликнинг мазмуни ўзгачадир. Бундай фаоллик мавжуд ижтимоий тизимга карши қаратилган бўлиб, уни йўқ қилишга интилишни ифодалайди. У мавжуд хукукий дастурлар билан ўз максадига эришиш, ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал қилиш имкони йўқ, деб ҳисобланган вазиятда юзага келади ва ривожланади.

Замонавий вазиятда хукукий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш устуворликлари барча ижтимоий муаммоларнинг шу заҳотиёқ ёки муаммосиз ҳал қилинишини англатмайди. Улар шундай хукукий тизимни кўзда тутишадики, унинг доирасида доимо вужудга келадиган зиддиятлар барча

ижтимоий қатламлар манфаатлари мутаносиблиги кўзда тутилган ҳолда аста-секинлик билан ҳал қилинади.

Ижтимоий ҳаёт ранг-бараг ва тегишли равишда ижтимоий фаолликнинг намоён бўлиши шакллари ҳам хилмадидир. Бундан бизнинг нуктаи назаримизда, кишилик фаолиятининг у ёки бу соҳасида умуман фаолликни ёки ана шу соҳалардаги ижтимоий фаоликни фарқлаш лозим. Умуман, у ёки бу соҳадаги фаоллик бундай фаолият билан шуғулланишга бўлган қизиқиш даражасини англатади. У жисмоний, маънавий, ижодий ва ҳоказо бўлиши мумкин, у ёки бу соҳадаги ижтимоий фаоллик ана шу соҳаларда вужудга келадиган ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал қилишга интилишни кўзда тутади. Ва бундай муаммоларни кишилик жамиятида мавжуд бўлган ҳукукий дастурлар (бошқарув органларига мурожаат килиш, бирлашмалар ташкил этиш ва ҳоказо) ёрдамида ҳал қилишга интилади. Хусусан, иктисадий фаоллик кишининг аник фаолият турига (ишлаб чиқариш, савдо ва ҳоказо) бўлган қизиқишини англатади. Иктисадий соҳадаги ижтимоий фаоллик ҳукукий воситалар ёрдамида кишининг иктисадий муносабатларни ўзгартиришга бўлган интилишини англатади. Масалан, агар тадбиркор соликларнинг ҳаддан ташқари юкорилиги туфайли иши фойда келтирмаётганлигини хис килса, у ўзининг фаолият шароитини ўзгартиришга интилади, бошқалар билан биргаликда ўз манфаатларини химоя қилувчи ташкилот тузади. Шу тариқа ижтимоий фаоллик у ёки бу соҳада фаолият турларининг онгли равишда ўзгартирилишини англатади.

Толерантлилик фуқаролик жамияти меъёрларига мос келувчи ҳукукий онг шаклланишидаги фундаментал тушунчадир. Шу сабабли, айнан шу сифатни шакллантиришга жиддий эътибор қаратиш керак. Инсонда болаликдан бошқа одамни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш, унинг фикр ва қарашлари, характеристи, маданияти, қарашларидаги мураккабликлар билан қабул қилиш лаёқати шакллантирилиши керак. Таълим ва тарбия орқали шундай фикрни етказиш керакки, одамлар турмуш тарзи, маданияти, ижтимоий келиб чикиши, моддий фаровонлилиги ва ҳоказоларга қарамай, ўзаро тенгдир.

Бағрикенглик дунёқараш сифатида экстремизмга зұравонлик күрениши сифатида қарши туради. Экстремизм – бу нафақат бирон-бір нұктай назарни тасдиклашнинг фавқулодда бир күрениши, балки бу бошқа нұктай назарларнинг мавжудлигини инкор этишдір. Яъни биз ўз фикримизга мос келмайдыган ақидаларга дуч келар эканмиз, улар толерантлилық тамойилига зид келган, бошқаларнинг хукукларини поймол этишга интилган ҳолдагина уларга қарши курашишимиз мүмкін.

Хозирги кунда дунё миқёсіда инсоний тафаккурнинг фундаменталистик ва либерал йұналишлари ўзаро тұқнашмокда. Фундаментализм одамларнинг ранг-барант маънавий фаолиятида, шу жумладан диний йұналишда ҳам намоён бўлмоқда.

Ислом ақидапарастлиги мукаддас матнларни тор нұктай назардан кўздан кечириш билан боғлиқ. Исломнинг дунё дини сифатида қайта англаниши энг сұнгги технологияларнинг анъянавий турмуш тарзига кириб бориши, одатдаги қарашларнинг емирилиши билан боғлиқ.

Ислом ақидапарастлиги ва ислом экстремизми бир-биридан фарқланади. Ислом экстремизми ёки “исломизм” – конфессионал-сиёсий тусдаги тажовузкор мессианликдир. Экстремистлар диндан сиёсий максалларда фойдаланадилар. Бизнинг ишимиизда ҳар икки ҳодиса: ислом ақидапарастлиги ва ислом экстремизми ўзаро боғлиқ ҳолда кўздан кечирилади, чунки улар шахсларнинг ўзлигидан жудо қиласынан ягона тизим элементларидир. Бошқача айтганда, бу шахссизлик психологияси, фалсафасидир. Ақидапарастлик билан либерализм ўртасидаги сиёсий куаш кучайиб бораётган ҳозирги даврда муаммони ҳал этишнинг энг самарали усулларидан бири бағрикенгликни шакллантиришдан иборат. Бағрикенглик – ақидапарастликдан ҳалос бўлишга ёрдам берувчи мантиқдир. Бағрикенглик – мунозараларни ҳал этиш йўли.

Ёки толерантлилик, ёки ақидапарастлик – ҳозирги кунда бошқача йўл бўлиши мүмкін эмас. Инсоннинг фонийлиги тўғрисидаги аввалги қарашлардан фарқли равишда бутунги кунда бутун инсониятнинг ҳам фонийлиги аёндир.

Бағрикенглик бу мунозараларни террор оркали эмас, балки турли қараашлар, фикрлар, әзтиқодлар ва хоказолар ўртасида яқдилликка зришиш, маданий ён бериш, мулокотга интилишдир.

Мағкура билан таълим ўртасидаги ўзаро алокани етарли баҳоламаслик мумкин эмас. Ўкув дастурларига толерантлилик тренингларини киритиш керак.

Гуманитар таълимнинг замонавийлаштирилиши жамият тараққиётининг зарурий шартидир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланганидек, ўкув юргларида гуманитар таълимнинг замонавийлаштирилиши кўп жиҳатдан мамлакатимиз ёшларининг тафаккурини, демакки, умуман жамиятимизнинг тадрижий ривожини белгилаб беради.

Миллий манфаатларимиз ва анъаналаримиз билан жаҳон ҳамжамиятида асосий ҳисобланган идеаллар ва қадриятлар ўртасидаги мувозанатга асосланган таълимнинг ривожланиши стратегияси истиқболи порлоқдир. Бундай қадриятларга мисол тарикасида инсоннинг атрофдаги дунёга ва бошқа одамларга муносабатини белгиловчи гуманизмни келтириш мумкин. Бу нуктаи назардан шуни кайд этиш керакки, Ўзбекистон Президенти 2004 йилни Мехр ва мурувват Йили, деб зълон қилди.

Сергак бўлиш, содир бўлаётган воқеаларга нисбатан бефарқ қолмаслик ҳозирги даврда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини талаб этади. Бу эса ёшларни меҳр-оқибат, адолат, демократия руҳида тарбиялаш; уларда ўз-ўзинни тарбиялаш ва ривожлантириш туйгусини шакллантириш, ижтимоий фаолликка бўлган эҳтиёж; турли тусдаги ва кент кўламдаги ахборотларни тўғри баҳолай олиш ва янги билим соҳаларини ўзлаштириш каби хусусиятларнинг шаклланишини жонлантиради. Замонавий таълимнинг устуворликларидан бири ёшлар ўртасида бағрикенглик ва ижтимоий фаолликнинг кучайишидан иборат.

Гуманистик таълимнинг асосий тарбиявий вазифаси шахсга нисбатан хурмат туйгусини тарбиялаш, ҳар бир инсоннинг қадрини, унинг ноёблиги, бетакрорлиги, индивидуаллигини очишдан иборат. Ижтимоий жараёнларни холис таҳлил кила билиш лаёқатини шакллантириш –

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қарор топишининг зарурый шартидир. Ҳар бир мамлакатдаги ислоҳотлар самарадорлиги сиёсий онглилик, унинг тизимлилиги, изчилилиги ва натижалариға боғлиқдир. Ёшлар таълими келажакни белгилайди. Айнан таълим тизими кўп жиҳатдан уларда янги қадриятларни шакллантиради, бу эса фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг зарурый шартидир. Ушбу жараённинг самарадорлиги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги муносаб ўрин эгаллашида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Замонавий маданият пассивликни кечирмайди. Токи, одамлар бир-бирларига нисбатан лоақал бардошли бўла олмаса, инсоният ҳалокатга маҳкум бўлади. Ушбу фикр моҳиятини яхлит таълимтарбия жараёнида батафсил очиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролик жамиятини тузиш масаласини қўяр эканмиз, тўкнашув ва душманлик бу йўлда кандай жиддий тўсикларни вужудга келтиришини баҳолай олишимиз лозим. Хусусан, миллий муносабатлар ривожланишини мураккаблаштирувчи объектив сабаблардан бири миллий ўхшашилик таназзулида намоён бўлади. Мъалумки, миллий ўхшашилик – инсоннинг аник миллий маданиятга даҳлдорлиги хиссидир. Бунда одам ўзининг муайян гурӯҳ, ҳалқ, миллат, ирққа мансублигини англайди. Доимий равишда террорчилик хуружлари хавфи сакланиб турадиган ҳудудларда биринчи ўринга муаммоларни куч билан ҳал килиш усуслари устунлик киласди. Ким кучли бўлса, ўша одам ҳақ бўлган жамиятда инсон ҳукуқлари поймол килинади, айбсиз одамлар азият чекади, бу эса миллий ихтилофлар ва зўровонликни келтириб чиқаради. Экстремистлар кўпинча онгли равишда вазиятни кескинлаштиради, чунки уларнинг фаолияти учун айнан шундай шароит кулайдир.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш учун, энг аввало, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётнинг ранг-баранглигини тан олиш, инсон ҳукуқларини хурмат килиш ва демократик тамойилларга амал килиш зарур.

Катта авлод (энг аввало, ота-оналар) ёшлар кўз ўнгидага нафақат ўзларининг тасодифий ёки хусусий хусусиятлари билан, балки ўз фаолият турига кўра муайян турдаги ижтимоий муносабатлар ташувчилари, муайян вазифалар ижрочилиари ва

ушбу жараёнда бошка одамлар билан турли муносабатларга киришувчи ва ўзлари ахлокий меъёрларга бўйсингувчи кишилар сифатида намоён бўлади. Ёшлар ўз даражаси, ўз имкониятларини тенгдошлари, ота-онаси, бошка катта ёшдагилар билан солиштиришади. Бундай такқослаш натижасида ёшлар олдида нафакат ижтимоий ҳаракатлар усулларини ташувчилар сифатида, балки муайян ижтимоий вазифалар ижрочиси сифатида намоён бўлади.

Ёшлар томонидан ота-оналари фаолиятида мавжуд бўлган вазифалар, сабаблар ва меъёрларнинг ўзлаштирилиши бундай муносабатларни ўз фаолияти, ўз гурухлари, жамоаларида моделлаштириш оркали ўзлаштиради, деб хисоблашга асослар етарли. Таълим жараёнидаги ютуклар ва камчиликлар катталар томонидан ўкувчи ёшларни баҳолашда асосий мезон бўлиб қолади. Аммо ёшларнинг ўзларида таълим жараёнидан узок бўлган ўз баҳолаш мезонлари пайдо бўлади.

Ўсмирларнинг етакчи фаолияти, масалан, муомала фаолияти, тенгдошлар билан муносабатларни муайян маънавий-ахлокий меъёрлар асосида куриш кабилар бўлиши мумкин.

Айрим ёшлар ўзгаларнинг фикрини тушуниша олмаслик ва тушунишни истамаслик борасида қийинчиликларга дуч келишади. Улар рўпаларида ўз фикрлаш ва хатти-харакат тарзига эга инсон турганлигини ҳатто тасаввур ҳам этиша олмайди. Кўпинча, улар бошкаларга ўз фикри ва хусусиятини татбик этишга интилади, бундан ташқари улар бағрикенглилар масалаларида саводеизди. Ўкувчилар бағрикентлигини шакллантириш дарс жараёнида мулокотдан – ўқитувчи билан ўкувчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий тамойилидан фойдаланиш яхши самара беради.

Бағрикенглилар олий инсоний қадрият жиобланувчи эркинликни замонавий тарзда тушунишнинг ахралмас элементи сифатида намоён бўлади. Бағрикентлилар барча ижтимоий муносабатларда, энг аввало, таълим жараёнида, ўқитувчи ва ўкувчиларро муносабатларда замодий қўлтанилиши керак. Бағрикентлилар дар доим ҳам тенг ҳуқуқларини борасида мулокотни англатмайди, бу ўринда ғап бир томон ўзишни иштаси, иккичи томон бу борада ёрдам кўрсатиш йули билан ҳамкорлик килиши тўғрисида ҳам бориши

мумкин. Олимлар ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларининг кескинлашувини кузатишмоқда, бунинг сабаби таълимда ҳамон давр руҳи ва замонавий маданиятга мос келмайдиган ўқитувчининг етакчилик роли билан боғлиқ. Таълим жараённида бағрикенглик тамойилидан ижодий фойдаланиш, бир томондан, таълим самарадорлиги гарови бўлса, иккинчи томондан, бағрикенгликни ижтимоий муносабатларнинг бошқа соҳаларига йўналтирилиши учун кулай мухит яратади. БМТ ва ЮНЕСКО ҳужжатларига кўра, тинчлик маданияти таълими эркинлик, адолат, демократия, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлилик тамойилларига асосланган ижтимоий муносабатларнинг шакллантирилиши ва ривожланишини англатади. Ижтимоий муносабатларнинг бундай тури бошлангич даврида тўқнашувлар ривожининг олдини олиш ёки мулоқот ва музокаралар олиб бориш йўли билан уларни тугдирувчи сабабларни камайтириш имконини беради. Ўқитувчи ва ўқувчи онгига мулоқот доимий амал қилювчи жиҳатта айланади, ижодий тафаккурнинг ҳақиқий ривожланиши асоси бўлиб хизмат қиласи Бағрикенгликни тарбиялашда таълимнинг гуманитарлашуви, бошқа томондан эса, ҳам гуманитар ва ижтимоий, ҳам табиий – илмий фанларни ўқитиш усулларини ўзгартириш талаб этилади. Таълимнинг гуманитарлашуви бағрикенглик илдизини таъминлашга имкон беради, чунки фақат гуманитар фанларни ўрганиш асосидагина маданиятнинг ўзгарувчалиги тўғрисидаги тушунчани шакллантириш мумкин. Бундан ташқари, фақат гуманитар таълим олган кишигина табиий – илмий билимнинг асосларини тушунишда ақидапарастликдан йироқ бўлади, бу билимнинг ўзи тарихий ва маданий жиҳатдан белгилаб берилганини англаб етади. Бағрикенгликни тарбиялашда оиласи тарбия ва оммавий ахборот воситалари мухим ўрин тутиши лозим. Жамиятда бағрикенгликни оширишга кўмаклашувчи мухим ижтимоий институтлардан бири таълимдир. Аммо ушбу янги вазифанинг ижроси унинг аниқ трансформацияланисини тақозо этади. Бу

эса дунё ва инсоннинг ноаниқлиги тамойилларининг умумий таъсири, мулоқотнинг бағрикенглиги ҳамда таълим берадиган ва таълимни олаётган томонларнинг ҳамкорлиги остида кечиши лозим. Бағрикенглик тамойили билан узвий боғланган мулоқот тамойили таълимнинг фақат воситасигина бўлиб колмай, балки унинг максади ҳам бўлиши даркор.

Инсонлар муносабатларида бағрикенглик мавзуси фаол мухокама этилаётган фуқаролик жамияти ривожланиши муаммоси туфайли вужудга келган. Фуқаролик жамияти тушунчаси инсонлар ўртасидаги муносабатларда қонун устуворлиги, айни пайтда унинг жамиятни демократлаштириш дастурини амалга оширишни йўналтирилганини, жамиятнинг амал қилиши билан боғлиқ бўлган қонунлар қабул қилиш жараёнига фуқароларнинг тобора фаол жалб қилинишини назаруда тутади. Бағрикенгликни инсон хулқ – авторнинг таркибий кисми деб қараш керак.

"Бағрикенглик тамойили"дан фойдалангани – мизда, биз гўёки инсонларнинг мавхум умумийлигига нисбатан салбий баҳолардан воз кечишта ундейдиган фильтрни жорий этамиз. Баҳо бериш эса ҳиссиятлар асосида вужудга келади, биз, табиийки, ҳиссиятларимизни жиловлай олмаймиз. Салбий баҳо ва муносабатлар кўз олдимииздан йўқолади. Бунда уларнинг бартараф этилиши факат билиш соҳаси даражасида юз беради (ёки бошқача айтганда, бағрикентсизликнинг онгли, иродага боғлиқ ҳолда бартараф этилиши салбий ҳиссиятларнинг йўқолишини кафолатламайди). Натижада шундай бўладики, биз бир нарсани гапирамиз – да, тамоман бошқа нарсани ҳис қиласиз – бу ахир иккюзламачилик эмасми?

Муайян вакт ўтиб, ҳиссиятлар ва уларни оқилона асослаш ўртасидаги жарлик шунчалик катталашадики, фильтр – бағрикенгликни олиб ташлагандага бизда бошқа воқеа – ҳодисалар ва уларга муносабатни қабул

килишда силжиш рўй беради. Бу, агар биз узоқ вакт қизил ойна орқали буюмларга карасак, кейинчалик қизил рангдан бошқа жилолар йўқ деб қарор килганимизга киёсдир. Бу ҳолда анчагина кийинчиликлар – ҳам техникавий (улардан энг асосийси – миямизнинг тузилиши), ҳам фалсафий (буларнинг барчасини ўзгартириш керакмикин?) юзага келади. Уни (бағрикенглик фильтрини) ўрнига кўйса, бу ҳолда унинг иштироки талаб этилмайди. Бундай вазиятни аниглаш мураккаб эмас: яъни салбий ҳолатларга эрк бериш, локайдлик ёки муросалилик – “терроризмга нисбатан бепарволик” ва ҳоказоларга йўл қўймаслиқдир. Акс ҳолда, бағрикенглик – бу ўзини барча ножуш ва тушунарсиз ҳолатлардан химоя килиш эмас, балки билиш, турли умумийликлар (ирсий, этник, маданий, диний ва ҳоказо) тўғрисидаги тасаввурларимизни деталлаштириш ва дифференциациялашга қаратилган жараёндир. Агар бағрикенглик тамойили восита сифатида қўлланилса, у ҳолда қадриятлар тизими барбод бўлмайди, аммо ҳеч қандай бағрикенглик таъсирида бўлмаган аввалги қадриятлар тизими асосида қарорлар кабул килиниши давом этади. Кенгрок маънода, бағрикенглик ижтимоий хилма – хилликни ва алоҳида олингган инсоннинг факат муайян турухга тегишли бўлиши туфайлигина таҳқирланаштига йўл қўйилмаслигини тақазо этади.

Бағрикенгликни тарбиялаш – фукаролик жамиятини шаклантиришнинг мухим шартларидан бири. Бир – бирига нисбатан ошкоралик факат ҳакиқий умумий иш бўлганда, инсонлар бир – бирига эҳтиёж сезганда ва тарқоқлика ҳеч нарсани уddaрай олмаганликларида намоён булади. Бағрикенглик муаммоларини мұҳокама килганда, баъзан чидамлилик ва бағрикенглик ўртасида фарқ утказишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр билдирилади. Бунда мукаррар маъно бор. Эволюцион тараккиёт турли

шакларининг биргаликда мавжуд бўлишининг универсал меъёри сифатидаги бағрикенглик бўлмаганида эди, у холда тажовузкорлик, зиддиятлар, фанатизм, муросасизлик, геноцид, ксенофобия, этнофобия, инсонга нафрат аллақачон ер юзидағи ҳар қандай хилма – хилликка чек қўйган бўларди. Дунёда умумий бир жинслик, тоталитарлик, зулмат ва ҳаракатсизлик ҳукмрон бу «Муросалилик» сўзи кўпинча атрофдаги воқеликни пассив қабул килиш билан уйгуналашади. Бағрикенглилар мақсадлари, аксинча, ҳар қандай киши ҳукуқларини ҳимоя килиш ҳамда этник, психолигик ва сиёсий жиҳатдан муросасизлик кўринишларига муносабатни белгиловчи фаол турмуш позицияларида намоён бўлади. Чунончи, ахлоқий жиҳатдан бағрикенглик концепцияси гуманистик оқимлардан келиб чикади, уларда турли ҳусусиятлар ва одамларнинг олижаноб фазилатлари, шунингдек бир кишини иккинчидан фарқ киладиган ва ягона инсон авлоди вакилларининг ўзига хослигини таъминловчи хислатларнинг (белгилар хилма – хиллиги) ўткинчи бўлмаган қадрият эканлиги таъкидланади. Агар инсонлар, маданиятлар ва халқларнинг турли – туманлиги қадрият ва маданият фазилати сифатида майдонга чиқса, у холда ўзаро ракобатдаги маданиятлар ўртасидаги келишув меъёри ва ўзгача мантиқ ва қарашларни қабул килиш сифатидаги бағрикенглик хилма – хилликни саклаб қолиш шарти, ўзига хосликка бўлган тарихий ҳукуқдир. Сиёсий жиҳатдан бағрикенглик ҳукуматнинг жамиятдаги ўзгача фикрни таъкиб этмаслиги, конституция доирасида сиёсий фикрлар хилма – хиллигига давлатдаги хилма – хилликнинг акс этиши сифатида рухсат берилиши деб изохланади. Бағрикенглик моҳиятини унинг барча кишилар томонидан тан олинадиган қадрият ва замонавий жамият меъёрларига айлантириш мақсадида англаш – олимлар, сиёсатшунослар, жамоат арбоблари,

санъят ва маданият арбобларининг иши. Бағрикенглик тушунчасини таҳлил этишга киришган ҳар бир киши уни ўз нуқтаи назаридан барча ҳалқлар ўртасидаги тинчлик ва уларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг зарур шарти сифатида қарайди.

Эркинлик, адолат, демократия, зиддиятларни уларни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш йўли билан ҳал қилишга интилиш тамойиллари негизида курилган конструктив ижтимоий фаоллик ва бағрикенгликни шакллантириш жараёни – маданиятнинг ўзгинасиdir. Маданият тўғрисида, конструктив ижтимоий фаолликни ва бағрикенгликни ошириш ҳақида гапирганда, биз зўравонлик, муросасизлик ва бузғунчиликка ҳақиқий муқобилликни излашни тушунамиз. Жамиятда зўравонлик ва муросасизликни намоён бўлишининг асосий омилларж бўлиб тури ижтимоий мақомдаги ва моддий фаровонлиги турлича бўлган инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳамфирлиликка асосланган ижтимоий тотувликнинг бўлмаслиги хизмат қилиши мумкин. Бу омиллар айниқса ислохотлар даврида кескинлашади. Табиийки, биз барчамиз Ўзбекистоннинг фаровонлиги ва гуллаб – яшнашидан манфаатдормиз. ҳар биримиз фуқаролик жамиятининг карор топишини истаймиз. Жамият ва давлатни замонавийлаштириш бир неча авлодларнинг ишидир. Ёшлилар бир – бири билан мулоқот қилиш йўлини топиши, бир – бирини тушунишга интилиши лозим. Бу уларга катта ҳаётда ҳам қўл келиши мумкин. Ишнинг шундай усулларини топиш зарурки, бунда маданиятни тарбиялаш расмиятчиликка айланмасин, айни пайтда, муайян мақсадга бўйсундирилиши ҳам керак.

Бугун бизнинг олдимиизда кўндаланг турган кўп масалалар ҳали – ҳануз чукур англаш, ўрганиш ва илмий таҳлил этишни тақазо этади, бундан кўзланган мақсад – мазкур масала ва муаммоларни ҳал этиш бўйича зарурий тавсиялар, усул ва воситаларини ишлаб чиқишидир.

Бошқа томондан, давра сұхбатлари ва анжуманлар иштирокчилари доираси билан чекланиб қолмаслиги ғоят мұхим. Бу ҳар бир одамгача етиб бориши керак. Бунинг учун эса барча мавжуд усуллардан фойдаланиш лозим.

Холоса ўрнида шуни айтib ўтмоқчимизки, бугун Ўзбекистон халқи улуг аждодларнинг анъаналарини, урғодатларини давом эттириб, тақдирини ўз кўлига олиб, каддини ростлаб, эл-юртимиизда осойишталик, барқарорликни, миллатлараро ахиллик, ҳамкорлик, тенглик ва фукаролар тотувлигини авайлаб-асраб, янги тарихий шароитда келажагини курмоқда, миллий давлатчилигини тикламоқда. Ўзбекистон давлатининг бу ҳаракати унинг қомусида ҳам яккол акс этган. Конституция умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Ҳўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўхна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантлилк каби улут хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган.

Дарҳақиқат, у Ўзбекистонимизда - шу азиз ва муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёкарашини, уларга хос ўзаро муносабатлар, хусусиятларни, меҳр-окибат, одамийлик, ўзга миллат ва эзатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларни ўзига асос килиб олган

Хуллас, бизнинг миллий хусусиятларимиз, бевосита толерантлик ҳам, умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган. Асрлар давомида ҳалқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар такомилига улкан хисса кўшган турли миллат вакилларига ҳурмат билан қараш, шунингдек, улар билан баҳамжихат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга ҳалқларнинг илгор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳалқимизда азалдан мужассам. Менталитетимизга хос бўлган сабр-токат меҳр-окибат, муруват, андиша, ор-номус, шарму-ҳаё, ибо, иффат каби фазилатлар, бағрикенглик, меҳмондўстлик, оккунтиллик каби хусусиятлар ҳақида узоқ гапириш мумкин.

«Янги тафаккур» тизимида толерантлик ғояси жаҳон миқёсидаги куч мувозанатига тенг келувчи ва баравар ҳаракатланувчи маънавий таъсир кучи вазифасини адо эта

олгани учунгина ҳар томонлама мұкаммал ҳақиқат мәқомига өришди.

Толерантлик барча даражадаги мұносабатларни барқарорлаштиришнинг мұхим омилитіна бўлиб қолмай, шу билан бирга инсон ва жамиятнинг тинч тақомил топиши, маърифатли ривожланишининг умуминсоний мақсадларга мувоғиқ йўли ҳамдир.

Толерантликни ҳар томонлама тадқик қилиш куйидаги тавсияларни илгари суришга асос беради:

**Биринчидан:** жамият имкон кадар бағрикенг бўлиши учун давлатлар инсон хуқуклари тўғрисидаги мавжуд ҳалкаро конвенцияларни ратификация қилишлари ва лозим бўлса, жамиятдаги барча табака кишилари ва алоҳида шахслар учун бир хил ёндашув ҳамда тенг имкониятларни таъминлайдиган янги конунчилликни яратишлари керак.

**Иккинчидан:** бағрикенглик аҳолида одамлар ўргасида, оила ва жамоатдаги ўзаро мұносабатларда зарур. Мактабларда ва университетларда, норасмий таълим йўли билан уйда ва иш жойларида бағрикенглик рухини мустаҳкамлаш ва кишилар ўргасида бир-бирига очиқлик, зътибор ва бирдамлик мұносабатларини шакллантириш лозим. Бунда коммуникация воситалари эркин, очиқ мулокот ва мұхқамага қўмаклашишда, бағрикенглик кадриятларини тарқатишда, айниқса, бош кўтараётган муросасизликни тарғиб килувчи гурухлар ва мағкураларга нисбатан бефарқ мұносабатда бўлиш хавфли эканини тушунтиришда амалий аҳамият касб этади.

**Үчинчидан:** ЮНЕСКОнинг зътироф этилган Ирқ ва иркчилик бидъатлари тўғрисидаги Декларациясида зарур бўлган ҳамма жойларда алоҳида шахслар ва гурухларнинг қадр-қиммати ва хуқуqlари тенглигини таъминлаш мақсадида маҳсус чоралар қабул қилиниши кераклиги баён килинган. Шу ўринда ижтимоий ёки иктисодий шарт-шароитлари ёмон аҳволда бўлган, нисбатан кам таъминланган гурухларга алоҳида зътибор бериш зарурки, хусусан, уларга уй-жой, бандлик ва соғлиқни саклаш соҳалари бўйича хуқукий ва ижтимоий муҳофаза имкониятларини яратиб бериш, уларнинг маданияти ва қадриятларининг ўзига хослигига нисбатан хурматни таъминлаш ва асосан таълим йўли билан уларнинг ижтимоий ва касбий ўсиши ва интеграциялашувига ёрдамлашиш лозим бўлади.

Тўртингидан, бу глобал масалани ечиш мақсадида шу соҳада илмий изланишлар олиб бориш, халқаро жамиятнинг фаолиятини мувофикалаштирувчи ахборот тизимини ташкил қилиш, ижтимоий фанлар ёрдамида бу ҳолатларнинг асосий сабабларини тахлил этиш, самараали чоралар қўллаш, шунингдек, давлатларнинг сиёсий қарорлар чикаришига ҳамда норматив фаолиятга кўмаклашадиган илмий тадқикотлар ва мониторингни амалга ошириш зарур.

Бешинчидан, тарбия муросасизликнинг олдини оладиган энг самараали воситалардан бири хисобланади. Бағрикенглик руҳида тарбиялаш масаласига кечикириб бўлмайдиган зарур вазифа сифатида қаралмоғи лозим; бунинг учун бағрикенгликка ўқитишинг мунтазам ва фойдали асосдаги услубини ишлаб чиқишига кўмаклашиш, бунда муросасизликнинг маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва диний манбаларини очиш йўли билан улар зўравонлик ва бегоналаштиришнинг асосий сабаблари бўлиб чиқаётганини кўрсатиб бериш муҳимдир. Таълим соҳасидаги сиёсат алоҳида одамлар, этник, ижтимоий, маданий, диний ва тил жиҳатидан алоҳида гуруҳлар, шунингдек, милллатлар ўргасида ўзаро тушунишни яхшилашга, ўзаро ҳамжиҳатликни ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши лозим.

Олтинчидан, бағрикенглик руҳида тарбиялаш бошқаларга нисбатан қўркув ва ётсираш ҳиссини уйғотадиган таъсириларга қарши йўналтирилмоғи лозим. У ёшларни мустакил фикрлаш, танқидий мулоҳаза юритишига ўргатиши, уларга ахлоқий қадриятларга асосланган қарашларни шакллантиришига кўмаклашиши лозим. Бу педагогик тайёргарлик даражасини кўтариш, ўкув режалари, дарсликларнинг ва дарсларнинг мазмун-моҳияти, бошқа ўкув материаллари, жумладан янги ўкув технологиялари масалаларига ёътибор бериш зарурлигини англатади ва бундан кўзланган мақсад эса, бошқа маданиятларга очик ва хайриҳоҳ бўлган зийрак ҳамда масъулиятли эркинликнинг қадрига етадиган инсоннинг қадр-кимматини ва индивидуаллигини хурмат қиласидиган фуқароларни тарбиялаш, зиддиятларнинг олдини олиш ёхуд куч ишлатмаслик воситалари билан ҳал этиш демакдир.

Толерантлик – мустакил дунё ҳамжамиятида интеграция йўлини танлаган давлат миллый сиёсатининг муҳим жиҳати, таркибий қисми ва энг асосий мақсадларидан бири бўлиб хизмат қиласиди.

Хуршил ДҮСТМУҲАМЕДОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари  
кўмитаси раиси

## АХБОРОТ, ДЕМОКРАТИЯ ВА МЕНТАЛИТЕТ

Манбаларда ёзилишича, “глобаллашув” атамаси ўтган асрнинг 80-йиллар бошларидан муомалага кириб келган. Мазкур атама дунё миқёсида иктиносид муносабатлар борасида кечаётган жараёнларнинг чексиз-чегарасиз кўламлардан иборат эканлигини ифодалаган. Орадан ўтган 20–25 йил ичидаги ушбу сўз энг кўп тилга олинадиган, бу сўз ортида турган маъномазмун бутун дунё кишиларини ўйлатадиган, кувонтирадиган ва афсуски, катта ташвишларга соладиган мазмунларга эга бўла борди.

Бир сўз билан айтганда, инсоният “глобаллашув” деб аталган янгича ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган ва бу алоқалар жадал суръатларда кенгайиб бораётган янги тараққиёт босқичига чиқди. Натижада “глобаллашув” сўзи иктиносид эмас, балки ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва бошқа қарийб барча соҳалардаги умуминсоний жараёнларни қамраб олувчи тушунчага айланиб кетди. Айниқса, “ахборот” ва “глобаллашув” сўzlари шу кадар бирикib кетди, бундан кейинги дунёнинг, дунё халқларининг тақдирни ана шу бирикма, яъни ахборот глобаллашувини жараёнларига боғлиқ бўлиб қолди, десак асло муболага бўлмайди.

Ахборот глобаллашувига сабаб бўлган бош омилларнинг бири сифатида коммуникация технологиялари соҳасида илмий-техникавий портлаш юз берганини таъкидлаш зарур. Иккинчи омил ўтган асрнинг 90-йиллари бошида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ. Ер юзини иккига бўлиб турган

карама-карши ғоя ва мафкура ақидаларининг парокандаликка учраши мутлақо янги типдаги давлатлар, шу билан бирга янги типдаги кишилар тоифасини вужудга келтирди. Катта ва кичик, тарақкий этган ва тарақкий этмаган давлатлар ўртасида серқатлам ва мураккаб муносабатлар авж олди. Одамлар дунёқарашида кескин ўзгариш юз берди. Одамларнинг ер юзи бўйлаб ҳаракатланиши анчагина эркинлашди, танлаш имконияти жуда кенг маънода оддий воқеликка айланди, боҳабар бўлиш истаги ва эҳтиёжи бурунги шарт-шароитлар, ҳатто талаблардан мутлақо қониқмай қўйди.

Ушбу ниҳоятда серқатлам ва серкирра жараённинг туб марказида АҲБОРОТ турибди, десак янглишмаймиз. Зеро, инсоният цивилизациясининг ҳозирги даражасида бирор- бир катта-кичик воқеа-ҳодисани ахборотдан ташқарида тасаввур этиш мумкин эмас. Яъни воқеа-ҳодиса юз берялтими, демак, ахборот ҳаракатланаяпти! Ахборот ҳаракатдами, демак, бирор воқеа-ҳодиса юз бераётгани муқаррар!

Давримизнинг энг катта ана шундай воқеа-ҳодисаларидан бири демократия тушунчасининг бутун дунё ҳалқлари максад- маслагининг маъно-мазмунига айланганлиги дейиш мумкин. Жамиятнинг демократлашуви, фуқаролик жамиятини барпо этиш истаги, шахсга берилган энг бирламчи ҳуқуқлар (чунончи, сўз ва фикр эркинлиги) жуда кўплаб давлатларнинг истиқбол йўлига айлангани ҳам ахборот орқалигина амалга ошиши ҳозирги дунёдаги ахборот мавқенини, ахборотнинг аҳамиятини ҳар қачонгидан ошириб юборди.

Ахборот ўз ҳолича мавҳум – абстракт тушунча, лекин у орқали вужудга келадиган ахборот майдони, айникса мухтарам Президентимиз ўхшатиб таърифлаган “мафкура полигонларининг ядро полигонларидан ҳавфли”лиги, дунё мамлакатларининг куч-кудрати, салоҳияти уларнинг ахборотга эгалигидан келиб чикиб “табакаланиши” одат тусига кираётгани, қолаверса, ҳар бир шахснинг дунёқарashi, нуктаи

назари, мафкурасини забт этишга зўр берилаётгани ахборотнинг хар қандай конкрет тушунчадан кўра конкретроқ, аникроқ эканлигини кўрсатади. Худди шунинг учун ҳам шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг ахборотга эгалик даражаси, мазкур уч субъектнинг ахборот таҳдидидан химояланганлик даражаси давримизнинг энг катта муаммоси ҳисобланмоқда.

Ахборот майдонининг ва умуман ахборот оқимининг барча ижобий хусусиятлари ва салбий оқибатлари хусусида сўз борар экан, демократия кадриятини четлаб ўтиш асло мумкин эмас. Зеро, ахборот – демократиянинг қони. Оддий фуқаронинг ахборотга “тўйинганлик” даражасидан тортиб то умумдавлат даражасида ахборот эркинлигини йўлга кўя олган жамиятгина замонавий илгор жамият даражасига кўтарилади, ана шундагина ҳакикий фуқаролик тизими қарор топади, ана шундагина давлатнинг куч-кудрати, салоҳияти орта боради. Афсуски, бу мақомга етишиш ўз-ўзидан амалга ошиб колмаслигини мустакил Республикализнинг истиқлол йилларида босиб ўтган йўли очиқ-ойдин кўрсатди.

Яқин ўн-ўн беш йилнинг нарисида аксарият кишилар гўё шўролар ҳокимияти йўқола бориши билан жамият ҳам, одамлар ҳам ўз-ўзидан демократияга эришиб қолади, деган тушунчада бўлганлар. Демократия, хусусан ахборот борасидаги эркинлик ниҳоятда тотли тушунча, юксак орзу. Бироқ ҳаёт реалигига очик кўз билан қаралса, биринчи хулоса шуки, жамиятнинг демократлашуви бир зумда амалга ошиб қолмайди. Жамиятнинг демократлашуви аниқ марра эмас, балки у тўхтовсиз давом этадиган гоятда мураккаб, серқатлам жараён.

Иккинчи хулоса шундан иборатки, демократия факат сиёсий тушунча эмас, у – маънавий, маърифий, хукукий, илмий, иктиносий, ахлоқий тушунча ҳамdir.

Учинчи хулоса: демократиянинг глобаллашуви нечоғли тотли жараён бўлмасин, бу жараённинг ижобий жиҳатларидан кўра хатарли жиҳатлари кўпроқ эканлигини ҳаёт кўрсатмокда.

Бу хатар демократия ва миллий менталитет масаласида аниқ намоён бўлмокда.

Шундан келиб чиқувчи тўртингчи хулоса: демократия экспортига кўр-кўронга йўл қўйиш яратувчиликдан кўра кўпроқ бузгунчиликка олиб келади. Чунки жамиятни демократлаштириш гоясини исталган дақиқада носоғлом харакатларга айлантириб юбориш, гочлар экспортига берилиб кетиши, бу уриниш ўз-ўзидан қадрияттар экспансиясига олиб келиши хавфи кучли.

Мана шу ўринда нима килмоғ керак, деган савол кўндаланг бўлади. Тўғриси, бу саволга дабдурустдан ва муҳтасар жавоб айтиш қийин. Аввало, ҳар қандай ҳалкнинг, алоҳида олган бир кишининг ҳаётда яшаб ўтиш манзили факат унгагина хос бўлган миллий қадриятлар “худуди”да бўлади. Мазкур манзил ва мазкур ҳудуд ҳар қандай фаровонликдан, қулайликдан афзал саналади. Тўғри, демократия ниҳоятда тотли тушунча, олиймақом яшаш тарзи, бироқ гарчи шундай бўлган тақдирда ҳам ўзга ҳаёт тарзларига хос бўлган демократик қадриятларни қабул килиш соғ миллий анъаналар, удувлар, тушунчалар хисобига бўлмаслиги керак. Яъни умуминсоний демократик қадриятлар миллий менталитетни йўқотиш, унга путур етказиш хисобига юз бермаслиги керак.

Саволни яна тақрорлашга тўғри келади: хўш, нима килмоқ керак?

Миллий менталитетта зиён-захмат етказмаган ҳолда глобаллашув ва демократлашув жараёнларига ниҳоятда оқиллик билан, ниҳоятда вазминлик билан уйғунлашиб бориш стратегиясини яратмок керак. Давр олдимизга кўяётган бундай улкан вазифани юксак даражада адо этишга бугунги Ўзбекистоннинг илмий-интеллектуал салоҳияти етади!

О.Б. Отя-Мирзаев,  
география фанлари доктори; профессор  
Н.А. Мўминов,  
техника фанлари доктори; профессор  
У.К. Каюмов

### **МАҲАЛЛА- ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИДА**

Ўзбекистон Республикасида 2003 йил “Обод маҳалла йили” деб зълон қилиниши ва маҳалланинг кишилар хаёти билан чамбарчас боғланганлиги, унинг шахсни вояга етишида ғоят мухим аҳамият касб этиши муносабати билан жамоатчилик фикрини ўрганиш “Ижтимоий фикр” Маркази томонидан 2003 йилнинг январь ойида мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида “Маҳалла жамоатчилик фикрида” мавзусида социологик сўров ўтказди.

Сўровнинг мақсади: Ўзбекистон аҳолисининг ўзбек маҳалласи ҳакида фикрлари, маҳалланинг кишилар ҳаётида тутган ўрни, аҳолининг маҳаллада ўтказиладиган тўй ва базмлар, ўлим маросими, марака ва тадбирларга муносабатларини ўрганиш, қандай масалаларда маҳалла аҳолига ёрдам бериб келаётгани, ёшлиар ўргасида қандай тарбиявий ишлар ташкил этилаётгани ва бошқа ижтимоий-сиёсий, маънавий масалаларда маҳалла қандай фаолият кўрсатаётганлигини аниклаш.

Сўровда республика бўйича 1743 нафар респондентлар иштирок этди.

Респондентларнинг миллий таркиби: Сўровда иштирок этган 1743 нафар респондентларнинг 1389 нафари (79,7%) ўзбеклар, Марказий Осиё халклари 174 нафар (10,0%), славянлар 120 нафар (6,9%), бошқа миллат вакиллари 60 нафар (3,4%).

Жинсий таркиби: Эркаклар – 857 нафар (49,2%), аёллар – 886 нафар (50,8%).

Респондентларнинг ёшлиари бўйича тақсимланиши: 18-19 ёшлилар 118 нафар (6,8%), 20-29 ёшлилар 433 нафар (24,8%), 30-39 ёшлилар 446 нафар (25,6%), 40-49 ёшлилар 375 нафар (21,5%), 50 ёш ва ундан катталарап 371 нафар (21,3%).

Маълумоти: Бошлангич – 49 нафар (2,8%), тўликсиз ўрта – 120 нафар (6,9%), ўрта – 777 нафар (44,6%), ўрта маҳсус 175

нафар (10,0%), ўрта техник маълумотлилар – 239 нафар (13,7%), тўлиқсиз олий – 59 нафар (3,4%), олий маълумотлилар 324 нафар (18,6%).

Респондентларнинг ҳудудий тақсимланиши: шахарликлар – 610 нафар (35,0%), кишлоқда яшовчилар 1133 нафар (65,0%).


Сўров натижаларининг илмий асосланганлиги: сўров республикамизда истикомат килаётган 18 ёшдан тортиб 60 ва ундан катта ёшдаги 12 миллиондан зиёд фукаролар орасида илмий асосда саралаш йўли билан ташкил этилди. Тадқиқот республиканинг барча вилоятларида, Коракалпогистон Республикаси ва Тошкент шаҳар махаллаларида ўтказилди. Шунингдек, сўровномада кишлоқ ва шаҳар махаллаларида яшовчи турли миллат вакиллари, эркаклар ва аёллар, турли маълумотга эга бўлган кишилар катнашдилар.

Мамлакатимизда 2003 йил “Обод махалла йили” деб эълон килинганлигидан аҳоли кандай даражада хабардор эканлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, сўровномада катнашган 1743 респондентларни аксарият кўпчилиги (76,5%) 2003 йилни “Обод махалла йили” деб аталганлигини яхши биладилар, 12,3 фоиз респондентлар эса шу ҳақда эшиттган. Шу билан бирга, 11,0 фоиз респондент “Обод махалла йили” деб эълон килинганлигини билмайди, 11,2 фоиз респондент берилган саволга жавоб бермаган. Лекин вилоятлар бўйича килинган таҳлил шуни кўрсатдики, кўпчилик вилоятларда респондентлар 2003 йилни “Обод махалла йили” деб эълон килинганлигини билган холда Бухоро вилоятида 26,0 фоиз, Сирдарё вилоятида 24,3 фоиз, Хоразм вилоятида 21,1 фоиз, Тошкент шаҳрида эса 33,8 фоиз респондентлар бу ҳақда ҳеч нарса билмасликларини ёзишган.

“Обод махалла деганда Сиз нималарни тасаввур киласиз?” деган саволга олинган жавоблардан маълум бўлдики, республика миқёсида сўровномада катнашган кишилардан учдан бир кисмидан кўпроғи кўркам ва чиройли кўчаларни кўз олдиларига келтирадилар, 26,0 фоиз респондентлар эса тинчлик ва осойишталик ўрнатилган жойни, 17,5 фоиз респондентлар одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибат ва ахиллик хукм сурган

жойни тасаввур қиласылар. Қолғаннг респондентлар эса күтбарака ўрнатылған жойни, одамларнинг дүстлиги ва бирдамлиги, шунингдек тартиб-интизом ўрнатылған жойни тасаввур қиласылар. Ушбу саволга респондентларнинг жинслари бүйіча берилған жавоблар таҳлил этилганда 60,0 фоизге яқын еркаклар, 60,0 фоиз аئллар ҳам маҳалла деганда күркам ва чиройли күчаларни, тинчлик ва осойишталиқ ўрнатылған жойни тасаввур қиласылар. Виляятлар бүйіча респондентлардан олинған жавоблар ҳам қарийб шу маънода қайд этилған. Факат Сирдаре вилояты респондентлари обод маҳалла деганда бириңчи ўринга маҳаллада одамларнинг дүст-иноклиги, бирдамлигини өзишганды. Бунинг сабаби сирдарёликларнинг күпчилиги бу ерга бундан анча йиллар муқаддам янғы күрик ерларни ўзлаштириш учун бошқа виляятлардан күчіб келгендегі бұлса керак. Балки шунинг учун улар бириңчи галга маҳаллада одамларнинг дүстлик ва бирдамлық, ахиллик билан яшашини мухим омил деб күрсатған.

“Сизнинг ҳәётингизда ва оиласында маҳалланиң ўрни кандай?” деган саволга олинған жавоблар шуни күрсатдикі 60,6 фоиз респондентлар кишилар ва оила ҳәётида маҳалланиң ахамияти “жуда катта”, 27,7 фоиз респондент эса “унчалик катта эмас” деб хисоблады (1-расм).




1-расм. Сизнинг ҳәётингизда ва оиласында маҳалланиң ахамияти кандай?

Кўриниб турибдики, аксарият кўпчилик шахс ва оила ҳаётида маҳалланинг аҳамияти катта деб кўрсатади. Бу эса маҳалла қадимдан ўзбекларга хос ҳаёт тарзи бўлиб келганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам маҳалланинг аҳамияти ғоят катталигини 66,8 фоизи ўзбеклар кўрсатган бўлса, Марказий Осиё ҳалқларидан 51,1 фоизи, славянлардан эса 15,0 фоизгина респондентлар шундай деб жавоб килган.

Маҳалланинг оила ҳаётидаги аҳамияти катта эканлигини Фаргона водийси Жиззах, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё вилоятларида респондентларнинг жавоблари ҳам тасдиклайди. 60,0 фоизга якин респондентларнинг маҳалла тадбирларида мунтазам иштирок этишларини кўрсатиши ҳам маҳалланинг кишилар ҳаёти билан чамбарчас бөгланганигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам улар маҳаллада ўтказилган тўй-томашаларда, маросимларда, Наврӯз байрамларида қатнашиб келадилар. Шу билан бирга айтиш керакки, респондентларнинг кўпчилиги- 68,6 фоизи асосан тўй-томашаларда кўпроқ, қолган маросим тадбирларда озрок қатнашадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, респондентларнинг кўпчилиги (65,1%) ўз оиласи ёки шахсан ўзларининг муаммоларини ҳал этиш учун маҳалла қўмитасига мурожаат килиб турадилар (2-расм).




2-расм. Сиз ўзингиз ёки оила аъзоларингиз бирон- бир муаммоларингизни ҳал этиш учун маҳаллангизга мурожаат киласизларми?

Миллатлари бўйича олиб қаралганда 67,1 фоиз ўзбеклар, 69,0 фоиз Марказий Осиё халқлари вакиллари, 44,2 фоиз славян халқлари вакиллари маҳалла қўмиталарига ўз муаммолари бўйича мурожаат қилиб турадилар. Респондентлар жинслари бўйича таҳлил этилганда 65,4 фоиз эркаклар, 64,9 фоиз аёллар ҳам мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун маҳаллаларга мурожаат киласкан.

Лекин шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, Сирдарё вилоятида 56,8 фоиз, Тошкент вилоятида 61,4 фоиз, Тошкент шаҳрида 43,0 фоиз респондентлар ўзларининг ёки оила аъзоларининг муаммолари билан маҳалла қўмиталарига мурожаат қилмаган. Бошқа вилоятларда бундай кишилар озчиликни ташкил этади.

Ўтказилган сўровнома натижалари шуни кўрсатдиги, маҳалла қўмитаси мурожаат қилган респондентларнинг 28,0 фоиз муаммоларини тўла ҳал этиб берганлигини, 33,0% респондентлар қисман ҳал этганлигини қайд этган, 8,9 фоиз респондентлар эса маҳалла қўмитасининг муаммоларни ҳал этишга ёрдам бермаганлигини ёзган, 31,1 фоиз респондентлар “Айтишим кийин” деган. (3-расм).



3-расм. Агар мурожаат қилган бўлсангизлар, маҳалла муаммоингизни ечишга ёрдами?\*

Агар маҳалла қўмитасига мурожаат қилган бўлсангиз  
муаммоларингизни ечишга ёрдам бердими?

	Вилоятлар	Жавоблар					
		Ха, ёрдам берди жами, %	Қисман ёрдам берди жаъми, %	Йўк, ёрдам бермади жаъми, %	Жавоб беришга кийналаман жаъми, %		
	Андижон	4	4,8	4	8, 4	,2	29 18,7
	Бухоро	0	9,2	1	0, 2	5 4, 4	48 46,1
	Жиззах		3,0	8	4, 1	,9	- -
	Навоий	1	2,5		1, 9	0, 2	15 25,54
	Наманганд	5	8,5	5	8, 5	,7	32 22,4
	Қашқадарё	3	9,6	2	3, 8	,5	70 25,8
	Самарқанд	1	4,8	6	6, 5	,0	25 13,8
	Сурхондарё	4	7,2	6	2, 8	,6	23 18,4
	Сирдарё		3,5		,1	,4	2,7 72,9
0	Тошкент	9	2,0	7	7, 1	,5	97 61,4

1	Фарғона	2	1,2	8	9, 1	6	,0	63	31,7
2	Хоразм	4	5,6	3	7, 8		0, 0	24	26,6
3	Қоракалпоғис тон Республикаси	6	4,2	5	8, 7	5	1, 0	7	6,2
4	Тошкент шахри	5	6,6	0	3, 1	1	0, 5	45	29,8

Шуни кайд этиш керакки, вилоятлардаги маҳалла қўмиталарида ўз аризалари билан мурожаат килган кишиларнинг аризаларини ижобий ҳал этиш даражаси ҳар хилдир. Буни қуидидаги жадвалдан кўриш мумкин.

Юқоридаги жадвал натижалари кўрсатиб турибдики, Навоий вилоятидаги маҳалла қўмиталарида 52,5 фоиз, Самарқанд вилоятидаги маҳалла қўмиталарида 44,8 фоиз респондентлар ўз муаммоларини тўла ижобий ҳал этиб келганлар. Шунингдек, Фарғона, Андіжон, Наманган, Қашқадарё вилоятларида эса 31,2 фоиздан 39,5 фоизгача кишилар маҳалла қўмиталари орқали ўз муаммоларини ҳал этгандар.

Қолган вилоятлардаги маҳаллаларда мурожаатлар билан келган кишиларнинг муаммоларини ҳал этиб бериш даражаси унча яхши эмас.

Маълумки, она ва болалар мухофазаси мухим масалалардан биридир. Шундан келиб чикиб сўров анкетасига “Она ва болаларни мухофаза килиш учун маҳаллангизда қандай ишлар амалга оширилмоқда?” деган савол киритилди. 57,4 фоиз респондентлар берилган саволга маҳаллада кўп болали кам таъминланган оиласарга ва ёлгиз оналарга нафакалар бериб турилганлигини, 14,1 фоиз респондентлар кўп болали оиласарга маҳалла жамғармасидан хайрия пуллари ажратилишини, 4,2 фоиз респондентлар кўп болали аёлларга маҳалла

жамғармасидан хайрия пуллари берилишини күрсатган. Шу билан бирга 7,6 фоиз респондентлар маҳалла құмитасида бундай масалалар бүйічә хеч қандай иш қилинmasлигини қайд этган, 16,6 фоиз респондентлар ушбу саволға жавоб беришга кийналған.

Сұровномадаги “Маҳалланғызда қарияларға әзтибор қандай?” деган савол бүйічә олинған жавоблар тақъили шуни күрсатдикі, бириңчи галда 1743 нафар респондентлардан 30,3 фоизи “Маҳалламызда асосий әзтибор уруш катнашчиларига, ёлғыз қарияларға қаратылади, уларға мунтазам тиббий ва моддий ёрдамлар күрсатылади” деб жавоб күлгән. Ундан кейин сұровда қатнашған 27,5 фоиз кишилар маҳаллада қарияларға тиббий ёрдамлар күрсатылып, даволанишлари учун тегишли мададлар берилишини, 7,0 фоиз респондентлар қарияларға санаторий ва дам олиш уйларига бориш учун белуп йүлланмалар ажратылышынан күрсатған. Шу билан бирга 13,1 фоиз кишилар “Хеч қандай әзтибор берілмайды” деган, 22,1 фоиз респондентлар ушбу масала бүйічә аник жавоб бергани кийналған.

Маҳаллаларда ёшлар ўртасида олиб бориладиган ишлар шуни күрсатдикі, бу борада маҳаллаларда ёшлар билан ишлап деярли яхши йулға қўйилмаган, 20,4 фоиз респондентгина ўзлари яшайдиган маҳаллаларда ёшлар билан олиб бориладиган ишлар “Камолот” ижтимоий ёшлар ҳаракати билан биргаликда олиб борилишини, 21,3 фоиз респондентлар маҳаллада ёшлар ўртасида турли хил сұхбатлар ўтказилиб турилишини, тарбияга оид маъruzалар қилинишини ёзған, 11,7 фоиз респондентлар маҳаллада тарбияси оғир болалар билан сұхбатлар олиб борилишини, 3,4 фоиз респондентлар эса аввал диний экстремистлар билан алокада бўлған ёшлар билан тегишли тарбиявий тадбирлар ўтказилишини күрсатған.

Шуни алохидә таъкидлаш жоизки, маҳаллаларда ёшларни спортта жалб этиш ишлари ҳам яхши даражада эмас. 3,7 фоиз респондентларгина маҳалла ёшларининг спортта жалб этилишини, 3,5 фоиз респондентлар эса спортнинг ҳар хил турлари бүйічә мусобакалар уюштирилишини қайд этишган, 3,9 фоиз киши эса бу ҳақда хеч қандай иш қилинmasлигини


кўрсатган, 24,4 фоиз респондентлар ушбу масала бўйича аниқ бир фикр айтгани кийналган.

Респондентларнинг вилоятлар бўйича ёшлар орасида олиб борилаётган жавоблари ҳакида қўйидагиларни кайд этиш керакки, бир катор вилоятлардаги маҳаллаларда ёшлар билан олиб борилаётган ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Масалан, Намангандеги вилоятида бир вактлар вахҳобийчилик кучли бўлган, шунга карамай, бу вилоятдаги маҳаллаларда аввал диний экстремистлар билан алоқада бўлган ёшлар ўртасида алоҳида ишлар олиб борилиши ҳакида бирорта ҳам респондент кўрсатмаган. Жиззах, Навоий, Хоразм, Сирдарё вилоятларида ҳам бу ҳакда бирорта респондент маълумот бермаган.

Вилоятлардаги маҳаллаларда ёшларни спортга жалб этиш ҳам яхши эмас. Масалан, спорт мусабакалари ўтказилиши ҳакида Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари, Коракалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳридан ҳеч бир респондент маълумот бермаган. Шундай экан, хозирги вактда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги 2002 йил 24 октябрдаги Фармонини Республика бўйича амалга ошириш ишлари олиб борилаётган бир вактда маҳаллаларда ёшларни спортга жалб қилиш борасида муҳим ишлар амалга оширилиши лозим.

Маҳаллаларда аҳоли ўртасида ўтказилган тадқиқотнинг сўровномасига “1998 йилдаги тўй маросимлари ва маракаларни тартиба келтириш тўғрисида Президентимиз фармони зълон килингач, маҳаллангизда тўйлар қандай ўтмокда?” деган савол ҳам қўйилган эди. Ушбу саволга олинган жавобларнинг натижалари шуни кўрсатдики, 1743 нафар респондентларнинг тўртдан бир кисми ёки 25,5 фоизи Президент фармонидан кейин тўйлар бироз тартиба тушганлигини, декин хозирги вактда олдингидай ўтказилаётганлигини, 19,9 фоиз кишилар эса тўйларни ўтказишда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлигини кўрсатишган, 10,6 фоиз кишилар тўйлардаги исрофгарчилик яна ошгани, дабдабали тўйларга йўл қўйилаётганини кайд этган, 33,1 фоиз респондентлар эса ўзлари яшаётган маҳаллада тўйлар маҳалла назорати остида, исрофгарчиликка йўл қўйилмай

ўтаётгандынини ёзган, 10,9 фоиз респондентлар ушбу саволга аник жавоб берген олмаган (4-расм).




#### 4-расм. 1998 йилдаги түй маросимлари ва маъракаларни тартибга келтириси түйлөрдө Президенттеги Фармони эълон килингач, маҳаллаларингизда түйлар қандай үтмоқда?

Вилоятлар бүйича түйларнинг қандай үтказилиши хакида респондентларнинг фикрлари хилма-хил. Масалан, Бухоро вилоятидаги 76,0 фоиз, Сурхондарё вилоятидаги 46,4 фоиз, Навоий вилоятидаги 45,8 фоиз респондентларнинг фикрига қараганда, түйларни тартибга солиш бүйича чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонидан кейин дастлабки вақтларда түйларни үтказиш бүйича бирмунча ишлар килинган ва дабдабали түйларни үтказиш тұхтаган. Лекин кейинчалик бу иш унүтилған ва ҳозирги вақтда аввалгидек үтмоқда.

Түйларда истрофчиликка йүл күйилмай, маҳалла назораты остида үтказилиши Қашқадарё ва Навоий вилоятларида анча яхши. Бу қандай Қашқадарё вилоятидан 70,4 фоиз, Навоий вилоятидан 50,8 фоиз респондент ижобий фикр билдирган.

Қолган вилоятларда бундай фикр билдирганлар озчиликни ташкил этади.

Шуни алохидә айтиш керакки, дабдабали тўйлар, базмлар ва маракаларни ўтказишни республика бўйича кўпчилик, яъни 69,8 фоиз респондентлар қоралайди. Уларнинг фикрича, бундай дабдабали тадбирлар (тўй, базм, маракалар) ўзбек халқининг миллий анъаналарига мос келмайди (5-расм).



5-расм. Сизнинг фикрингизча дабдабали тўйлар, базмлар ва марака маросимлари ўзбек халқимизнинг миллий анъаналарига мос келадими?

Дабдабали тўйларга ва базмларга ҳам кўпчилик респондентларнинг муносабатлари мутлақо яхши эмас. Масалан, 1743 нафар респондентлардан 1609 нафари (92,3%) бундай дабдабали тўйлар ва базмларнинг миллий қадриятларимизнинг сохталаштиришга олиб келаётганигини, баъзи бир кишиларнинг шуҳратпарастликка берилиб кетиб, ўзини кўз-кўз қилишини, баъзи одамларнинг бели оғримасдан нопок йўллар билан топган пулларини қаерга қўйишни билмай шундай ишлар килаётганини кўрсатиш деб баҳо берганлар (6-расм).

- 
- | Дабдабати тўйлар ва оилавий базмалар бизнинг мислий кадриятларимизни сохталаштиришга олиб келяпти
  - | Бу бавзи бир одамларининг бети оғримасдан, нопок йўллар билан толган пули ва бойлигини терисига сиддира олмаслиги
  - | Ижобий
  - | Жавоб беришдан бош тортди
  - | Айтишим юйини

## 6 расм. Дабдабали тўйларга ва оилавий базмларга Сизнингшахсий муносабатингиз кандай?

“Маҳаллангизда қабул қилинган одатлар, хулк-атвор йўналишлари ва қоидаларига шахсан ўзингиз қай даражада амал қиласиз?” деган саволга олинган жавоблардан маълум бўлдики, Республика бўйича 46,5 фоиз респондентлар “Маҳалламиизда қабул қилинган ҳамма одатлар, хулк-атвор йўналишлари ва қоидаларига кўпинча амал қилишга харакат киламан” деб жавоб килган, 45,8 фоиз кишилар эса “Маҳалламиизда қабул қилинган одатлар ва қоидаларинг энг асосийларига ўрта даражада амал қилишга харакат киламан” деган, 7,1 фоиз респондентлар эса “Маҳалланинг урф-одатлари, қоидаларини умуман бажаришга мажбурман” деб жавоб килган, 0,6 фоиз респондент ушбу саволга жавоб бермаган.

Шуни эътиборга олиш керакки, маҳалла урф-одатлари ва қоидаларининг энг асосийларини бажаришга 41,0 фоиз ўзбеклар харакат килса, Марказий Осиё халкларидан эса 63,2 фоиз, славянлардан 69,2 фоиз, бошқа миллат вакиляридан 60,0 фоиз харакат килади. Бу шуни кўрсатадики, маҳалла институти бошқа

миллат вакилларининг ижтимоий хаётида ҳам алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда.

Тадқиқот натижаларидан яна кўйидаги холатлар маълум бўлдики, республика бўйича 61,3 фоиз респондентлар ўз оила аъзоларининг хаётига ёки унинг ахлоқига тааллуқли масалаларниң ечилишида (тўй, кийим танлаш, меҳмон кутиш ва х.к) аввало оила аъзоларининг ҳоҳиш ва манфаатларини хисобга олади, 35,5 фоиз респондентлар эса маҳаллада кабул қилинган хулқ- атвор коидаларини эътиборга олади. Агар буни шахар ва кишлок аҳолиси мисолида кўрмокчи бўлсак, 68,0 фоиз шахарли респондентлар, 57,6 фоиз кишлокда яшовчи респондентлар оила аъзолари ҳаётига, ахлоқига оид масалаларни хал этишда ўз оиласи аъзоларининг ҳоҳиш ва манфаатларига қараб иш тутадилар.

Сўровномадаги “Отанг маҳалла, онанг маҳалла” деган хикматга Сиз қўшиласизми?” деган саволга 1743 нафар распондентларнинг 51,5 фоиз “Ха, тўлик қўшиламан”, 32,8 фоиз “Ха, кисман қўшиламан”, 15,8 фоиз “Йўқ, қўшилмайман” деб жавоб берган. Бу шуни кўрсатадики, аҳолининг кўпчилик қисми маҳаллани ота-онасининг бағридек хис этадилар. Бу айниқса ўзбек миллатига хосдир. Чунки ушбу саволга ўзбеклардан 55,8 фоиз, Марказий Осиё ҳалқларидан 46,6 фоиз, славян миллатидан 20,0 фоиз шундай жавоб қилган. Бу борада яна шуни айтиш керакки, 44,6 фоиз респондентлар маҳаллани бева-бечораларга, ногиронларга, ночор оналарга чин кўнгилдан ёрдам берадиган меҳрибон гўшадек ҳис қиласидилар. 21,0 фоиз респондентлар ёрдамга мухтож қўни-қўшниларга ўз ёрдамларини аямайдиган аҳил жой деб тушунадилар. Яна баъзилари ўз муаммолари ечимини маҳалла хал килиб беради, деб тушунадилар.

Сўров натижаларидан яна шу маълум бўлдики, республика бўйича 60,1 фоиз респондентлар маҳалласида маҳалла кўмитаси аъзоларини сайлаш ҳакидаги йиғилишдан ҳабардор бўлади. 70,2 фоиз респондентлар маҳалла кўмитаси аъзоларини сайлашда катнашиш лозимлигини ўзининг бурчи деб биладилар. Лекин улардан 15,9 фоиз йиғилишда берган овозини деярли хал қилувчи рол ўйнамаслигини кўрсатган. 19,7 фоиз респондент эса маҳалла йиғилишида катнашишни ўзининг

бурчи деб хисобламайди. 10,1 фоиз респондент ушбу саволга жавоб бергани қийналган. Бу ўринда яна шуни айтиш керакки, 18-29 ёшгача бўлган ёшлардан кўра 30-50 ва ундан катта ёшдаги кишилар маҳалла йигилишида фаол катнашадилар ва буни улар ўзларининг бурчи деб хисоблайдилар. Бундай жавоб берган катта ёшли кишилар 56,3 фоиздан 62,5 фоизгачадир.

Махаллада яшовчи оксоколлар ва фаоллар томонидан ёрдамга мухтож кишиларни ижтимоий химоя килиш масаласини ўрганиш шуни кўрсатдики, 34,6 фоиз респондентлар маҳалла оксоқоли ва фаолларининг ёрдамга мухтож кишиларга чин кўнгилдан ёрдам беришни, 16,6 фоиз респондентлар зарур бўлганда хатто давлат идораларига бу борада мурожаат қилишни ёзган. 30,2 фоиз респондентлар эса бу масалада улар томонидан кисман ёрдам берилишини кўрсатишган, 7,1 фоизгина респондентлар маҳаллада ёрдамга мухтож кишиларга умуман ёрдам берилмаслигини кайд этган, 11,5 фоиз респондентлар ушбу масала бўйича “Айтишим қийин” деган.

Ўтказилган тадқиқот саволлари қаторига “Махаллада яшовчилар, балки шахсан Сиз ёки Сизнинг оила аъзоларингиз олдида турган куйидаги муаммоларнинг қай бирини маҳалла кўмитангиз хал қила олади, қай бирини хал қила олмайди?” деган савол ҳам киритилди. Мазкур саволларга берилган жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, 71,3 фоиз респондентлар мунтазам иш ҳаки тўланадиган доимий иш топишда маҳалланинг кучи етмаслигига ишонади. Факат 14,0 фоиз респондентларгина бундай ишларни амалга ошира олади, деб ўйлади. 14,7 фоиз кишилар эса бу ҳакда бирор аник фикр айтишга қийналган, 65,1 фоиз респондентлар эса маҳаллани моддий ёрдам кўрсатишга қодир эканлигига ишонади. 28,9 фоиз респондентлар эса маҳалла бундай ишни амалга ошира олмайди деб ўйлади, 6,0 фоиз респондент бу ҳакда жавоб бермаган.

Шу билан бирга респондентларнинг ярмидан кўпроғи (52,7%) маҳалла кўмитасининг бемор кишиларга доридармонлар олиб беришга, bemorlararga ёрдам кўрсатишiga ишонмайди. 36,0 фоизгина респондентлар ушбу масалада маҳалланинг кучига ишонади. 11,4 фоиз респондент эса бу борада аник жавоб бермаган.


“Махалла оиласдаги ички муаммоларни хал кила оладими?” деган саволга 63,1 фоиз респондент ижобий жавоб килган. Шунингдек, 82,5 фоиз респондентлар махалла қўмитаси кўни-кўшилар ўртасидаги келишмовчиликни бартараф этишига, 84,4 фоиз респондент тўй, марака, дафи маросимларини ташкил этишига ишонади.

Шу билан бирга баязи муаммолар борки, уларни хал этишда маҳалланинг кучи етмайди. Масалан, 52,6 фоиз респондент маҳалланинг аҳолини газ, кўмир ва ёкилги билан, 48,7 фоиз респондент тоза ичимлик суви билан тъминлай олмаслигини кўрсатган.

1743 нафар респондентлардан факат 312 нафари ёки 17,9 фоиз маҳалладаги бой одамларнинг шу маҳаллада яшайдиган камбағал ва noctor, ёрдамга мухтож одамларга ёрдам бериб туришларини кўрсатган, 655 нафар (37,6%) респондентлар эса ҳар замонда ёрдам беришларини, 29,4 фоиз респондентлар ҳеч кандай ёрдам бермаслигини кайд этган, 15,1 фоиз респондентлар ушбу саволга “Айтишим кийин” деган.

Маълумки, маҳалланинг ишларини юритишда, унинг обод бўлишида, таълим-тарбияли, ахлок-одобли ёшларни тарбиялашда маҳалла оқсоқолининг роли ғоят каттадир. Шундан келиб чиқиб, респондентларга берилган “Махаллангиз оқсоқолини биласизми?” деган саволга олинган жавоблар таҳлилидан маълум бўлдики, 82,4 фоиз респондентлар махалла оқсоқолини яхши биладилар, 17,6 фоиз респондент эса билмайди.

Респондентлар томонидан маҳалланинг фуқаролар йигини фаолиятига берган баҳолари ҳар хил 5,5 фоиз респондентлар маҳалланинг фуқаролар йигини фаолиятига “жуда юкори” деб баҳо берган бўлса, 36,0 фоиз эса “юкори” деб, 40,3 фоиз “ўртача” деб жавоб берган, 7,9 фоиз респондентлар махалла фуқаролари йигини фаолиятини қоникарсиз деб ҳисоблайдилар, 10,2 фоиз ушбу саволга аниқ жавоб бермаган (7- расм).



7-расм. Махаллангизнинг фуқаролар йигини фаолиятига  
кандалай баҳо бера оласиз?

#### **Хулоса, таклифлар ва тавсиялар**

1. 2003 йилни Президентимизнинг таклифи билан “Обод махалла йили” деб зълон килингандигини Республикада аксарият кўпчилик аҳоли билади ва бу тадбирни кўллаб-кувватлайди. Буни 90,0 фоизга якин респондентларнинг берган жавоблари исботлайди. Улар “Обод махалла” деганда тинчлик ва осойишталик ўрнатилган кўркам ва чиройли аҳоли яшайдиган жойларни тушунадилар. Бу ерда одамлар орасида меҳр-муҳаббат, ўзаро ёрдам фазилатлари мавжуд.

2. Респондентларнинг 60,6 фоизи махалланинг инсон ҳаётида тутган ўрнига ғоят катта баҳо берадилар ва улар махалла ишларида, махаллада ўтказиладиган тўй-томушаларда, маросимларда фаол қатнашадилар. Шу билан бирга, айтиш лозимки, респондентлар берган жавобларга қараганда уларнинг кўпчилиги ўлим маросимлари, маракаларга нисбатан тўй ва томошаларда фаол иштирик этадилар.

3. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 65,0 фоиз респондентлар ўзлари ёки оиласаларнинг муаммоларини ҳал этиш учун махалла қўмитасига мурожаат этадилар ва уларнинг

кўпчилиги имкон даражасида маҳалладан зарур мадад ва ёрдамлар оладилар.

4. Маҳаллаларда ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий тарбиявий, спорт ишларини янада кучайтириш талаб этилади. Маҳалла қўмиталари билан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшлар орасида олиб борилаётган ишлари ҳакида кўпчилик респондентларнинг берган жавоблари талаб даражасида эмаслигини кўрсатади.

5. Маҳаллаларда ўtkазиладиган дабдабали тўй-тomoшалар, базмлар ва ортичча ҳаражатлар кетказиб қилинган марака, худойиларнинг ўзбек ҳалқининг миллий анъаналарига мос келмаганилиги сабабли кўпчилик аҳоли бу ҳолатга салбий баҳо берганлар.

6. Маҳалланинг неча асрлар давомида таркиб топган ўз коидалари ва шаклланган жамоатчилик фикри бор. Шунинг учун ҳам маҳалла ахолисини кўпчилиги кийиниш, юриш-туриш ва бошқа масалаларда ана шу маҳалла анъаналарига, жамоатчилик фикрига амал қиласидилар.

7. Респондентларнинг 54,3% маҳалла қўмитаси йиғилишида иштирок этишни ўз бурчи деб билади.

8. Маҳаллага ҳозирги вактда кўп вазифалар юклатилган. Шундай экан, маҳалла ўз имкониятидан келиб чиқиб иш олиб боради. Буни респондентларнинг жавоблари исботлайди. Жумладан, маҳалла ўз худудидаги ёрдамга мухтоҷ ахолига имкон даражасида маблаг билан моддий ёрдам кўрсатади, оиласалар ва қўни – кўшнилар орасида содир бўлган жанжални бартараф этиш ва улар ўртасида яхши муносабатлар ўрнатиш, маҳаллада турли тадбирлар (Наврўз байрами, маросимлар, худойи, ифторлик) ўtkазиш борасида кўп ишларни амалга оширади. Лекин маҳалла ахолини газ, кўмир, ўтин, ичимлик суви билан таъминлашни, касаллар ва ногиронларга тиббий ёрдамлар кўрсатишни ва уларни дори-дармонлар билан таъминлашни талаб даражасида амалга ошира олмайди. Бунинг учун маҳалланинг бюджетини, моддий техник базасини кучайтириш керак. Бу борада яқинда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган маҳсус Дастур ғоят мухим рол ўйнайди.

9. Юкорида келтирилган ижобийрок фикрларга қарамай, кўпчилик маҳаллалардаги фукаролар йигинларининг фаолияти юксак даражада эмас. Респондентлар томонидан факт 41,5% фукаролар йигинининг фаолиятини юксак деб баҳолаши шунга мисол бўла олади.

10. Маҳаллаларни ночор, кам таъминланган кишиларга, ёлғиз қарияларга берадиган ёрдамни кучайтириш учун маҳалланинг моддий томонини кучайтириш; бюджетни кўпайтириш учун турли маҳаллий корхоналар, тижорат ишларни йўлга кўйиш зарур.

11. Маҳалланинг “Камолот” ёшлар ижтимоий харакати билан ёшлар орасида хукукий орган ходимларини таклиф этган холда кўпроқ тарбиявий тадбирлар: хукуқ ва қонунлар хақида сухбатлар ўtkазиш турли спорт тадбирларини мунтазам ташкил этиш лозим.

12. Маҳаллада яшовчи ногирон, кам таъминланган, касал кишиларни қўллаб-кувватлаш учун шу маҳаллада истиқомат қиласиган бой-бадавлат кишилар, идоралар кўмагидан фойдаланиш зарур. Шундай инсонпарварлик килган шахсларни “Маҳалла” газетасида макташ, тарғибот этиш лозим.

13. Маҳалла фукаролар йигинлари фаолиятини янада фаоллаштириш, кадрлар сифатини яхшилаш ишга қобилиятли, билимли ва ахоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган кишиларни маҳалла оқсоқоли этиб тайинлаш зарур.

14. Маҳаллалар фукаролар йигини раҳбарларининг малакасини ошириш, улар учун бир хафталик ўқишлиар ташкил этиш ва бу ўқишлиарда маҳаллада комплекс иш юритиш йўл-йўриклиарини ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

О.Б. Ота-Мирзаев,  
география фанлари доктори; профессор  
Н.А. Мўминов,  
техника фанлари доктори; профессор  
У.К. Каюмов

## ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИ

социологик таҳлил<sup>23</sup>

Ўзбекистон мустакилликка эришгандан кейин илмий жиҳатдан аник асослаб берилган миллий сиёсат асосида ривожланишнинг ёркин, истиқболли йўлига кириб бормоқда. Бу сиёсат ўзбек халқининг ўзлигини англаши узлуксиз ўсиши ҳамда маънавий қайта тикланишини миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш сари йўналтириш имконини бераетир. Шу боисдан ҳам миллий ўзликни англаш билан бевосита боғлиқ масалаларни ўз вактида ва тўғри ҳал этиш зарурати шу куннинг долзарб талабига айланди.

Миллий ўзликни англаш миллат ҳаётида, унинг ривожланиш муаммолари, ҳозирги ва узок муддатли манфаатларини амалга ошириш омиллари ҳақида аник тасаввур ҳосил килиш имконини берган ҳолда, илғор тарихий вазифани адо этаётганилиги учун ҳам бу жараён моҳиятини ижтимоий усууллар кўмагида тадқиқ қилишнинг амалий зарурати ва мухимлиги мукаррар равишда муттасил ортиб бормоқда.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, бир томондан, катъий қилиб айтадиган бўлсақ, **миллий қадриятлар, ўзликни**

---

<sup>23</sup> Ушбу маколада мониторинг сифатида 1999-2004 йилларда республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилган социологик сўровларнинг асосий натижалари ёритилган. Умумий сўровда катнашган респондентларнинг сони 6735 киши, шу жумладан, 1999 йил сўровда катнашганлар - 1204 киши, 2001 йилда – 1969 киши, 2003 йилда – 2073 киши, 2004 йилда – 1489 киши. Сўровларда Ўзбекистонда яшайдиган 18 ёшдан юкори бўлган барча миллат вакиллари катнашган: ўзбеклар, қорақалпоклар, тожиклар, қозоклар, кирғизлар, туркманлар, руслар, татарлар, украинлклар, яхудийлар ва б.

англашнинг ички имкониятлари; иккинчи томондан эса, жаҳонда юз берадиган оламшумул ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар мухитида аксарият давлатлар маданиятига кўшилиб улгурган ва катта аҳамият касб эта бошлаган қадриятлар тараққиёт манбалари хисобланади. Ушбу маънода давлатимиз бошлиғи И.А.Каримовнинг фикри илк бор ва ўз вактида айтилди: «Анъанавий маънавий бойликларимизни ҳозирги замон демократик жамият маънавий бойликлари билан айнан уйғуналаштириш – бизнинг келажакда равнақ топишмиз гарови, жамиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятига кўшилиб кетишининг гаровидир»<sup>24</sup>.

Ўзбекистондаги бугунги ижтимоий–иқтисодий вазият миллий ўзликни англашни ўрганишнинг долзарблигини тобора кучайтираётир. Бу эса ўзбек жамияти яқдиллиги ва бирдамлигини янада чукурлаштириш, бинобарин, бунда жипсласишиш (интеграцияланиш) жараёнини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида ички имкониятлардан тобора самарали фойдаланишдан келиб чиқадиган тезкор вазифалар айнан шуни тақозо қиласди. Бу эса, масалан, яхлит ижтимоий онгнинг, умумфуқаролик менталитетининг шаклланишида ўз ифодасини топади.


Миллий ўзликни англаш юзасидан самарали ижтимоий тадқиқот олиб бориши борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан илк бор ишлаб чиқилган миллий ўзликни англаш ва маънавий бойликлар ўртасидаги мавжуд ўзаро боғликлик тўғрисидаги асосий фикр (концепция) ягона услубий мўлжал сифатида қабул килинган. Тадқиқот олиб боришининг жамики босқичларида улар шуни кўрсатдиги, ўзбекистонликтарнинг аксарият қисми учун миллатнинг ўзига хос этник хусусиятларга ҳамда ўз тилига эга эканлиги миллатларни бир-биридан фарқлайдиган асосий белги сифатида намоён бўлмоқда.

Айни паллада таққослама таҳлил миллатни ягона худуд, тил, эътиқод, маданий жиҳатдан ўзлигига хослигини саклаган одамлар бирлигидан иборат, деб тушуниш гоясининг муттасил

---

.Каримов.И.А.Ўзбекистон XXI аср бўсағасида.- Т, 1997, 145 – бет.

сусайиб бораётганлигини кўрсатаётир. Масалан, бу нуқтаи назарни ёқлаганлар сони 2001 йилда 55,8 фоизга етган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 44,4 фоизни ташкил этди. Шунингдек, миллатни ягона маданият, тарих ва тилга эга одамлар бирлиги, деб тушунадиганлар сони ҳам камаймокда (1999 йилда бу кўрсаткич 47,5 % бўлса, 2004 йилда – 35,3%дан ортмади). Тарихий келиб чикишини тан олиб, ўзини ўз миллати билан бирдай деб хисобловчилар сони 2003 йилдаги 43,8 фоиздан 2004 йилда 41,7 фоизгача кискарди. Бу масалада руҳий омилга алоҳида ургу берадиганлар сони ҳам 21,8 фоиз (2003 й.) дан 18,9 фоиз (2004 й.) гача кискарди.



1 – расм. Ўзбекистонликларнинг «миллат» деган тушунчага муносабати, %

«Миллат» тушунчасининг ишлатилишига салбий караш, бундан олдинги сўровдагига караганда, анча кўп эътироф этилди (2003 йилда – 5,7% ва 2004 йилда 6,1%). Бунда сўровда қатнашганларнинг 2,8 фоизни бу тушунча ҳеч қандай эскирган эмас, деб хисблайди. 2003 йилда 2,5%, 3,3 фоизи эса «миллат» деган тушунча одамларнинг бир-бири билан якинлашувига ҳалакит беради, деб эътироф этади (2003 йилда – 2,7%). Уларнинг орасида ҳар бешинчиси – қиргиз (20%) ва ҳар ўнинчиси – рус (9,5%).

Фуқаронинг «миллат» хақидаги шахсий тасаввури уларнинг этник ва маълумот даражаси билан боғлик

масалалардан қанчалик хабардорлигини акс эттиради. Бу тушунчани тил, тарих ва маданият билан bogлаш ноаксариятни ташкил этувчи кўп этник муҳитдаги миллат вакилларида анча устунлик килади. Масалан, кирғизларнинг 80,0 фоизи «миллат» тушунчасини маълум бир ҳалқка мансублик билан тенглаштиради, туркманларнинг 85,0 фоизи учун бу тушунча уларнинг тарихий келиб чикишини акс эттиради, қоракалпокларнинг 56,3 фоизи «миллат» тушунчасини этник урф-одатлар ва тилга боғликлек билан изохлади, татарларнинг 52,9 фоизи «миллат» деганда, тил, тарих ва маданиятнинг умумийлигини тушунади, корейцларнинг 75,0 фоизи бу масалада, аввало, ўзининг миллатта мансублигини кўнглида хис этишига асосланади.

«Миллат» деганда, ўзининг маълум бир ҳалқка мансублигини хис этиш олий маълумотли одамларда анча юкори (69,6%), тўлиқсиз олий маълумотли одамларда – (49,4%) ва шаҳарликларда – (50,0%).

Миллий давлатчиликни ҳаммабоп, умуминсоний бойлик деб тушунадиган кишлоқ аҳолисининг 46,6 фоизи «миллат» деганда, «ягона ҳудуд, давлат, тил, дин ва ўзига хос маданий анъаналарга эга одамларнинг бирлигидир», - деган вариантни кўллаб-куватлайди.

Куйидаги саволларга берилган жавоблар айникса катта қизикиш ўйғотади.

«Сиз паспортингизда қайси миллат вакили сифатида қайд этилгансиз?»

«Сиз ўзингизни қайси миллатга мансуб деб хисоблайсиз?»

Сўровда катнашганларнинг аксарияти қайси миллатга мансублигини ўзининг қайси этник хусусиятларга тегишли эканлигига қараб белгилайди.

Шу билан бир каторда, амалий хаётда бу борада ҳануз қарама-каршиликлар кўзга ташланади, лекин улар илгариларидағига қараганда бир мунча кам. Масалан, ўзбеклар орасида уларнинг 0,3 фоизи паспортларида «миллати «ўзбек», деб қайд этилмаган, руслар орасида бу кўрсаткич 7,1 фоизни ташкил килади. Аммо сўровда катнашган (ўзини ўз миллати билан бирдай, деб хисоблайдиган) жами украинларнинг ҳар иккитасидан биттаси рус деб хисобга олинган. Худди шундай

миллий мансубликнинг аралашиб кетиш холатлари илгариларга қараганда 0,3 фоиз даражасида бўлса ҳам (1999 йилда – 24,2%) тожикларда учрайди, улар ўзларини ўз миллати билан бир хил, деб хисоблашса ҳам тожикларнинг паспортларида миллати ўзбек, деб кайд килинган (8,2%).

«Сизнинг ўз миллатингизга мансублигиниз нимада ифодаланади?», деган асосий саволга сўров қатнашчиларининг 42,7 фоизи «ўз ҳалкига мансубликни хис этиш, у билан маънавий бирдамликда», 42,1 фоизи эса «аждодларимиз яшаётган (яшаган) она-заминга меҳр» деган варианти танлаган.

Миллий нуқтаи назардан миллий ўзликни англаш ўзига хос хусусиятларга эга, масалан, тожик миллати вакиллари учун «мен ўз она тилимда сўзлайман, фикр юритаман ва ўзимни унинг вакили, деб хисоблайман», - деган нуқтаи назар ўз миллатига мансубликни хис килишининг асосий белгиси сифатида тан олинади. Ўзбеклар, руслар, қозоқлар, татарлар, украинлар учун ўз ҳалкига мансублигини жўшкин хис этиш ва бу билан маънавий бирликка интилиш бу масалада асосий мезон хисобланади. Коракалпоклар ва туркманлар учун ўз миллатига мансубликни англамоқ ўзлари туғилиб-ўсган ва авлод-аждоллари яшаётган (яшаган) ерга меҳр туйгуси билан чамбарчас боғлиқдир. Аксарият кирғизлар учун эса ўз миллатига мансублик бой тарихга эгалик ва ўз миллатидан мағурланиш туйгусида акс этади.

Маълумотлар тахлили ўзбекларнинг ҳалқка мансублик ва у билан бирдамлик, она-ватан ҳамда ҳалқ маданиятига муҳаббат ҳиссига асосланган жўшкин таркибий қисмлар салмоғи муттасил ўсиб бораётир, деб таҳмин килишта асос беради. «Ўз она тилимда сўзлашаман ва фикр юритаман», деган нуқтаи назарни илгари сураётган, маълум бир миллатга мансубликни хис килишдан иборат бирёклама фикрнинг камайиб бориши (2001 йилдаги 46,7%дан 2004 йилдаги 35,3% гача) кузатилмокда.

Айни паллада, тадқиқотнинг олдинги босқичига қараганда, ўз миллатининг тили ва маданиятини билмаганлиги сабабли ўзини ўз миллатининг хақиқий вакили, деб хисоблай олмайдиган ўзбекистонликларнинг сони анча (2003 йилда – 34,1% дан 2004 йилда – 25,2% гача) камайди.

Сўнгги тадқикот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, «менинг қайси миллатга мансублигининг ҳеч кандай аҳамияти йўқ, энг муҳими, мен инсонман ва одатий ҳаёт кечиришим учун менга шунинг ўзи кифоя», - деган вариантда акс этган фикр ўзбекистонликларнинг бошқа миллат вакилларига нисбатан хайриҳоҳлиги ортиб бораётганлигидан далолат беради (28,0%). Бу борада украинлар (50,0%), яхудийлар (50,0%), коракалпоклар (40,6%), руслар (40,5%), туркманлар (35,0%) анча илгарилаб кетдилар, сабаби улар учун қайси миллатга мансублик хал қилувчи аҳамиятта эга эмас.

Тадқикотлар шуни кўрсатдики, сўров қатнашчиларининг мутлак кўпчилиги (78,7%) Ўзбекистон Республикаси фукароси паспортига қайси миллатга мансубликнинг ёзиг қўйилишини ижобий баҳоламоқдалар (2001 йилда – 83,0%, 1999 йилда – 78,2%).

Қайси миллатга мансубликнинг қайд этилишини Марказий Осиё ҳалқларидан туркманлар (85,0%), коракалпоклар (84,4%), қозоклар (81,4%), ўзбеклар (80,9%) айниқса маъкуллашмоқда. Бундай қайднинг паспортда бўлишига славян ҳалқларининг кўпчилик кисми (60,0%) ҳануз бефарқ қарамоқда. Уларнинг фикрича, бу нарса славян ҳалқларининг ҳаёт кечиришлари учун мутлако монелик килмайди (2003 йилда 45,2%).

Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, сўровдан ўтган фукароларнинг ҳар иккинчиси (46,2%) ўзини даставвал ўзбекистонлик, деб билади, ҳар утгадан биттаси (33,0%) ўз миллати вакили, деярли ҳар олтинчиси (17,5%) ўзбекистонлик ва ўз миллатига мансуб деб хисоблади.

Миллий ўзликни англовчи фукароларнинг мамлакат тарихи ва маданиятига муносабати миллий ўзликни англашнинг муҳим кўрсаткичи хисобланади. Сўров натижасида шу жихатдан куйидагилар аникланди: «Сиз ўзингиз тугилиб-ঃсган ўлканинг тарихи ҳамда маданиятини етарли даражада биласизми?»- деган саволга сўровда қатнашганларнинг аксарияти (93,2%) ижобий жавоб берди. Аммо уларнинг факат 41,8 фоизи «ҳа, етарли даражада биламан» (1999 йилда – 43,7%, 2001 йилда – 35,1%, 2003 йилда – 45,6%) деб жавоб қайтарди. Ўзбекистонликларнинг ҳар иккинчиси «биламан, лекин етарли даражада эмас (51,4%), 6,8 фоизи эса «бilmайман», - деб айтди.

Бу кўрсаткичлар амалиётда ўзгармайди. 2001 йилда бу масалада ўз билимларининг етарли эмаслигини 51,8 фоиз, 2003 йилда эса 50,4 фоиз киши тан олди. «Билмайман» - деб кайд килгандар ўртасида славян халклари мансуб миллат вакиллари кўпчилик (руслар – 16,7%, украинлар – 25,0%)ни ташкил этди. Пойтахтда истиқомат қилувчилар (20,2%), Сурхондарё (15,8%) хамда Андижон (12,6%) вилоятларининг аҳолиси ҳам шу хисобга киради.

Ўзбекистон тарихини билиш масаласи ўзбекистонликлар учун алоҳида аҳамиятга хосдир (92,4%). Сўровда катнашганларнинг 42,8 фоизидан 29,3 фоизи (2001 й.) Ўзбекистон тарихини «етарли даражада» билади; ҳар иккинчи фуқаро (50,4%) эса «етарли даражада билмайди».


Сўровда иштироқ этганларнинг – 7,3 фоизи «йўқ, билмайман», - деб жавоб қайтарди (2003 йилда – 6,8%). Уларнинг ичida бухороликлар (18,4%), андижонликлар (12,6%), фарғоналиклар (12,1%) ва мактаб ўкувчилари (17,6%) кўпчиликни ташкил этдилар.

Тадқиқотлар ўзбекистонликларнинг ҳар иккинчисидан ортикроғи (57,6%) Ўзбекистон ва ўзбек халқи тарихи, маданияти хамда маънавий бойлигини чукур ўрганишга интилаётганлигини тасдиқлади. Бунда тарих, маданиятни билмаслигини ёки етарли даражада билмаслигини тан олган сўров иштироқчиларининг ҳар еттинчиси (14,2%) энди бу масалаларни ўрганишга киришган. Аммо сўровдан ўтганларнинг ҳар тўртинчиси (24,0%) ўрганишни мақбул, лекин шарт эмас, деб хисоблайди. Қарийб ҳар қайси ўнинчиси (9,6%) эса бу ҳақда ўйлашга хоҳиш ва кизикиш йўклигини айтади.

Киёслама маълумотлар ўзбекларнинг ўз халқи маънавий қадриятларини чукур ўрганишга кизикиши бироз (2003 йилдаги 63,8%дан 2004 йилда 44,7%гача) сусайган. Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганишга нисбатан қайта кизикиш аксарият туркмандар – (80,0%), корейцлар (66,7%), кирғизлар (46,1%), руслар (41,9%), тожиклар (35,0%), украинлар (33,4%) учун айникса хосдир. «Ўрганиш макбул, лекин шарт эмас», - деган вариантни кирғизлар (23,0%) ва қозокялар (21,6%) ларнинг ҳар бешинчиси танлади. Давлат ва фуқаролик бирдамлилиги (40,8%), шунингдек миллат ва унинг ичидаги бирдамлилик

(40,4%) дан иборат бирлашган омил бўйича ўзбекистонликлар фикри амалий жиҳатдан тенг кисмларга ажралди. 2003 йилда ўтказилган сўровда миллат ва унинг ичидаги бирдамлик асосий омил деб тилга олинди (45,0%). «Давлат ва фукаролик бирдамлиги» гоясини сўров катнашчиларининг 43,6 фоизи илгари сурди.

1999 ва 2001 йилларда ўтказилган сўровларда «давлат ва фукаролик бирдамлиги» вариантини ёқловчилар устунылик (59,1% ва 53,3%) килди.



2-расм. «Сизнинг фикрингизча, Куйидагилардан қайси бири одамларни хаммадан кўпроқ бирлаштиради?» деган саволга жавобларнинг тақсимланиши

Сўров иштирокчиларининг тақсимланиши фукаролик жамиятини шакллантириш йўлидан илгарилаган сари миллат ичидаги ва фукаролар ўртасидаги бирдамликни ҳар томонлама уйғулаштириш ўзбекистонликлар учун бирлаштирувчи омиллар жумласига киришини кўрсатди. Бироқ этник гурӯхлар ўртасида ушбу омилнинг тарқатиш даражаси бўйича анча тафовут кўзга ташланади. Агар миллий бирдамлиги қорақалпоклар (59,4%), яхудилар (50,0%) ва ўзбеклар (41,1%) га салмоқли даражада тааллукли бўлса, фукаролик бирдамликнинг ниҳоятда зарурлигини туркманлар (80,0%), украинлар ва корейшлар (75,0% дан) хамда руслар (50,0%) амалда исботладилар.

Тадкиқотларнинг ўтган босқичлариға киёсланганда динни бирлаштирувчи асос деб ҳисобловчи сўров катнашчилари сони (18,8%) муттасил ортиб бораётгандиги кузатилаётир. 1999-2003 йилларда бу кўрсаткич сўровда қатнашганларнинг ўндан ортикроқ қисмини ташкил килди. Жиззах (40,3%), Фаргона (34,5%), Тошкент (30,4%) вилоятларидағи сўров иштирокчиларнинг кўлчилиги ушбу нуқтаи назарни қўллаб-куватлади. Шу жумладан, уларнинг ҳар тўрттадан биттаси мактаб ўқувчиси (25,9%), ишчи (21,4%), нафакахўр (21,1%) ҳисобланади. Дин ва диний туйғуларнинг аҳамиятини қирғизлар (73,3%), татарлар (29,4%) ва қозоклар (20,9%) алоҳида таъкидлайдилар.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги аҳволи ва ўрни ҳакидаги ўзбекистонликлар фикрининг тақкослама таҳлили Республика аҳолисининг ватанпарварлик ва фуқаролик туйғуси ғоят юқорилигидан далолат беради.

Берилган баҳолар бундан олдинги сўров маълумотлари билан таққослаб кўрилганда жамиятдаги (мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига тўла кўшилишига тўскиниллик килаётган) мавжуд ижтимоий-иктисодий муаммоларга нисбатан танқидий эътиrozлар бирмунча камайганлитигини кўрсатмоқда (2004 йилда 7,7%, 2003 йилда - 15,0%, 2001 йилда - 13,6%). Бу борада славян халқлари (26,2%), украинлар (25,0%) ва бошқа миллат вакиллари (ўрта ҳисобда ўн қисмига яқини) бу борада танқидий мулоҳазаларни камрок билдиримокдалар.

2003 йилда славян халқлари вакилларининг 36,0 фоизи ижтимоий-иктисодий масалаларга оид муаммолар мавжудлигини қайд килди.

"Ўзбекистон - тарихий-маданий, адабий-маънавий ҳамда илмий меросга бой ўлка", - деган варианти кўллаб-куватлаганлар сони мутаносиб равишда ортди. Яҳудийлар (100,0%), корейцлар (100,0%), қозоклар (88,4%), қирғизлар (86,7%), туркманлар (80,0%) ва тоҷиклар (79,6%)нинг мутлак кўпчилиги, коракалпоклар (68,8%), ўзбеклар (68,0%), татарлар (58,8%) ҳамда руслар (54,8%) нинг аксарият қисми жавобнинг шу вариантини қайд этди.

Ўзбекистонликлар фуқаролик даражасининг анча юксаклиги шунда акс этадики, мамлакат аҳолисининг мутлак

кўпчилиги (87,6%) ўзини Ўзбекистон Республикасининг фукароси деб тўла хис этади (87,6%). Ўзбекистонликларнинг озроқ қисмигина (4,8%) ҳануз ўзини ССР фукароси, деб билади, аммо бу хиссиёт кун сайнин сусаятти. Бундай карашга берилган кишилар орасида украинлар (25,0%), руслар (21,4%) ва кекса авлодга мансуб - 70 га кирган ҳамда бу ёшдан ошган қариялар (15,4%), шунингдек 60-69 ёшдаги фукаролар 10,8 фоизни ташкил этмоқдалар.

Тадқиқотлар фукароликни тушунишда, улар томонидан ватанпарварликни хис этишда, шунингдек ўз Ватанларига содикликда, фукаролик бурчини англашда етуклик даражасини ҳар қачонгидан ҳам тўла намоён килишлари учун кулай имконият мавжудлигини кўрсатади. Масалан, сўров иштирокчиларининг кўпчилиги учун «Ватан» тушунчаси инсоннинг туғилиб-ўсган ери (82,6%), шунингдек мустақил Ўзбекистон билан бевосита боғлик (17,3%) деган тасаввурдан иборатдир.

Ўзбекистонликларнинг аксарият қисми ўзини мустақил Ўзбекистоннинг чинакам ватанпарварлари деб хисоблайди (77,1%); улар «ватанпарвар», деганда Ватанга сидқидилдан хизмат килиш (49,9%)ни, унга нисбатан чексиз меҳр-мухаббатни англайдилар (42,2%); сўровдан ўтганларнинг атиги 2,5 фоиз ўзини ватанпарвар эмасликларини тан олди. Шу билан бирга сўровда иштирок этганларнинг мутлак кўпчилиги ҳалқа содиклик нимадан иборат эканлигини яхши билади. Бу тушунчанинг замирида "Ўз ҳалқининг баҳтли келажаги учун кураш" (47,3%), "ўз ҳалқига нисбатан меҳр-мухаббат (42,2%), ўз ҳалқи тарихига ҳурмат ва уни яхши билиш" (10,5%) ётади.

Бу ўринда "ўз ҳалқининг баҳтли келажаги учун кураш" варианти аҳамиятининг муттасил ортиб бораёттанилиги диккатга сазовордир. 2003 йилда ўтказилган сўров катнашчиларининг 36,7 фоизи шу гояни ёклиди.

Эмпирик маълумотлар ўзбек жамиятининг этник-ижтимоий моҳиятини баҳолашда жамоатчилик фикри аниқ ва қатъи тўхтамга эга эканлигини якъол кўрсатди: сўрок катнашчиларининг кўпчилиги (73,7%) "Ўзбекистон - кўпмиллатли мамлакат, бу ерда жамики фукароларнинг (қайси миллат ва динга мансублигидан қатъи назар) тенг ҳуқуқлиги

асосий қомус асосида кафолатланган» (2003 йилда - 73,7%) деган фикрни билдиришди.

Сўров қатнашчиларининг ҳар бешинчиси мамлакат тақдирни учун асосий (титул) миллатнинг масъуллигини таъкидлайди (20,3%); уларнинг ҳар иккинчиси - яхудий (50,0%), учдан бири - рус (33,3%), ҳар тўртингчиси- тоҷик (22,4%), ўзбек (21,4%) ва кирғиз (20,0%) дир.

"Ўзингиз учун Ўзбекистоннинг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?" - деган саволга сўров иштирокчиларининг аксарияти мана бундай: "Менинг Ватаним" (63,0%), ҳар тўртингчиси - "Менинг уйим" (26,3%) ва факат 10,7 фоизи "Яшаётган мамлакатим", - деб жавоб берди.

Сўровда қатнашгандарнинг мутлақ кўпчилиги "Жаҳонда Ўзбекистондан яхши мамлакатнинг ўзи йўқ" деб хисоблайди ва шу боисдан бошқа мамлакатда яшашни асло истамайди (83,0%). Бошқа мамлакатда яшаш истагини билдираётгандар сони 2003 йилдагига караганда 11,1 фоиздан 7,2 фоизгача камайди. Уларнинг ичидаги руслар 33,3 фоизни, 29,4 фоизни татарлар ва 50,0 фоизни бошқа миллат вакиллари ташкил килди.

«Сиз фарзандларингизнинг бошқа мамлакатга бориб яшаш истагида бўлиб қолишига қандай қарайсиз?» деган саволга сўров қатнашчиларининг 58,5 фоизи «Мутлақо қаршиман, фарзандлар ўз ота-оналари ёнида яшашлари керак», - деб жавоб қайтарди. Айни паллада «агар хоҳлашса, майли чет элга бориб ҳам яшайверишишсин», - деб каршилик килмаётгандарнинг сони 2001 йилдагига караганда 34,0 фоиздан 24,3 фоизгача камайди.

Сўнгти пайтларда ўтказилган сўровга кўра бошқа мамлакатга ишлаш учун вақтинча бориш истагидагилар сони ҳам бирмунча (2003 йилда 35,8%, сўнгти сўровда 21,0%) камайди.

Ўз фарзандларининг ўқиши ёки ишлаш учун чет элга вақтинча боришини истаётгандарга тадбиқан ҳам худди шундай ҳолат кузатилмоқда (41,3%). Сўров қатнашчиларининг 0,2 фоизигина шундай фикрга кўшилдилар. Сўровдан ўтказилганларнинг тенг ярмидан ортикроғи ўз фарзандларининг яшаш учун чет элга кетишларига мутлақо қарши. Аммо сўров иштирокчиларининг чорак қисми (24,5%) ўз фарзандларининг бошқа мамлакатда яшашларига тарафдор.

Ўзбекистонликлар ўз фарзандларининг ўкиши учун АҚШ (44,9%), Россия (16,2%), Англия (13,2%), Германия (9,6%) ва Корея (8,1%) ни мақбул мамлакатлар жумласига киритадилар; ишлаш учун эса Россия (60,0%), Корея (30,0%) хамда АҚШ (10,0%)ни максадга мувофик мамлакатлар деб хисоблайдилар.

Сўров натижалари инсоннинг миллий – фукаролик нұктаи назари шаклланишига таъсир кўрсатадиган асосий омилларни аниклашга ёрдам берди. Оила ва қариндошлар ниҳоятда катта таъсир кўрсатадиган омиллар жумласига киради (78,6%).

Тадқикот натижалари маҳалла ва унда амалий кучга эга бўлган жамоатчилик фикри инсоннинг миллий-фукаролик нұктаи назари шаклланишида ғоят мухим аҳамиятга эгалигини, бунинг устига-устак ушбу ижтимоий институттинг мавқеи 1999 йилда 45,7 фоиздан 2002 йили 54,5 фоизгача, ҳозирги вақтга келиб эса 55,5 фоизгача ортганлиги, бу ҳолат маҳаллий миқёсдаги ўз-ўзини бошқариш органи сифатида маҳалла аҳамияти муттасил кучайиб бораётганлигини кўрсатади.

Мактаб ва бошка ўкув муассасалари (45,5%), оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, матбуот – 27,0%), меҳнат жамоаси (жамоадаги мухит – 20,1%) бу масаланинг ечимида ўзбекистонликлар учун анча салмокли омил хисобланади. Аммо шуни унутмаслик керакки, адабиёт ва санъат (1999 йилда – 23,0%, 2001 йилда – 18,0%, 2003 йилда – 12,6% ва 2004 йилда – 11,0%), маданият хамда маданий муассасаларнинг (шунга мувофик тарзда 12,0%, 13,9%, 13,5%, 12,3%), миллатлараро алоқа маданийтининг аҳамияти (2001 йилда – 10,3%, 2003 йилда – 7,6% хамда 2004 йилда – 2,7%) муттасил камайиб бораёттир.

Миллий ўзликни англаш ва миллатлараро мулокот – алоқа ривожида тил ғоят мухим аҳамиятта молик омил хисобланади.

«Ижтимоий мулокат – жойларида алоқа тили сифатида Сиз аслида кайси биридан фойдаланасиз?» – деган саволга икки вариантдаги жавоблар танланганда куйидаги натижаларга эришилди: масалан, асосан ўзбек тилида гаплашадиган оиласлар 81,3 фоиз (1999 йилда – 75,5%, 2001 йилда – 67,3%, 2003 йилда – 78,1%)ни; ўзбек ва рус тилларида сўзлашадиган оиласлар 5,9 фоиз (2003 йилда 8,8%)ни; рус тилида мулокат киладиган оиласлар 6,0 фоиз (2003 йилда 8,3%) ни ташкил этди.

Шуни ҳам алохидат таъкидлаш жоизки, республика миқёсидаги, шунингдек айникса шаҳарлардаги ижтимоий

	кўрсатчилар	Ўзбек тили	Рус тили	Ўзбек ва рус тиллари	Тожик тили	Қорақалпок тили	Қозоқ тили
--	-------------	------------	----------	----------------------	------------	-----------------	------------

мулокотларда ўзбек тилининг миллатлараро алоқа воситаси сифатидаги аҳамияти салмокли равишда ортиб бораётир. Часалан, дўстлар, кўшнилар даврасида 76,5 фоиз, (2003 йилда – 71,1%), мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида – 16,5 фоиз (2003 йилда – 71,4%), жамоатчилик йиғинларида 71,9 фоиз (2003 йилда – 63,7%) ўзбекистонликлар ўзбек тилида мулокотга киришадилар.

Жамоат жойларида (19,1%), меҳнат жамоаларида (17,1%) ўзбек ва рус тиллари баб-баравар ишлатилади.

1-жадвал  
«Ижтимоий мулокот жойларида алоқа тили сифатида Сиз аслида кайси биридан фойдаланаисиз?» - деган саволга  
респондентларнинг жавоблари, %

оиласларда	81,3	6,0	5,9	5,2	2,4	1,7
дўстлар ва кўшнилар даврасида	76,5	6,4	13,3	4,6	2,4	1,5
мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида	76,0	7,3	12,2	4,0	2,3	1,5
жамоат тўпланадиган жойларда	71,9	6,4	19,1	3,8	2,3	1,4
меҳнат жамоаларида	70,5	7,1	17,1	3,7	2,8	1,7

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, руслар, европалик миллат вакиллари жамоатчилик тўпланадиган

жойларда асосий алоқа воситаси сифатида рус тилидан фойдаланадилар.

Сўровда иштирок этган русларнинг 66,7 фоизи жамоатчилик жойларида, шунингдек меҳнат жамоаларида 71,4 фоизи рус тилида гаплашадилар. Шуни унутмаслик керакки, рус миллатига мансуб фуқаронинг ҳар бешинчисидан зиёдорги (21,4%) жамоат жойларида мулоқот воситаси сифатида ўзбек ва рус тилларидан фойдаланади.

Тадқикот натижалари шуни кўрсатадики, ахолининг кўпчилик кисми (84,7%) давлат тили бўлмиш ўзбек тилининг келгусидаги ривожини кўллаб-кувватлади. Сўров қатнашчиларининг ярмидан кўпроғи давлат тилини ўрганиш шартларини такомиллаштириш юзасидан зарур чоралар кўрилиши лозим, деб хисоблайди; ҳар бештасидан биттаси (20,2%) давлат тилини ўрганиш жараёнини эволюцион йўл билан, босқичма-босқич амалга ошириш зарур, деган фикрни маъқуллайди, 10,3 фоизи эса бошка этник вакилларнинг тили ва маданиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш максадга мувофик, деган фикрда. Шу билан бирга сўров иштирокчиларининг 8,6 фоизи таъкидлашига караганда, бу жараёнга аралашиб мақбулдир.

Ўзбек жамиятининг бағри кенглик даражасини «Сиз миллатларо никоҳга қандай қарайсиз?» - деган саволга қайтарилган жавобларга қараб ҳам аникласа бўлади.

Ўзбекистонликларнинг 36,6 фоизи (2003 йилда – 38,8%) бундай никоҳга салбий муносабат билдиради, 22,8 фоизи (2003 йилда – 26,9%) бу ҳолатни яхши, деб баҳолайди, 24,6 фоизи (2003 йилда – 22,8%) эса бунга бефарқ – бетараф эканлигини таъкидлайди.

Ўз этник гурӯҳи доирасида никоҳ битими тузиш этник келиб чиқишини барқарорлаштириш чораси маданий ўзига ҳосликини сақлаб қолиш чораси бўлибгина қолмай, айни паллада бу даставвал ўзликни англаш ва ўз ҳалқи билан руҳий боғликларни хис этиш усули ҳамдир.

Миллатлараро никоҳга тоқат килиш намунасини татарлар ва яхудийлар (50,0%), ўзбекларнинг карийиб тўртдан бир кисми (23,0%) яққол намоён этдилар. Туркманлар (80,0%), корейцлар (50,0%), украинлар (50,0%), татарлар (41,2%), руслар (38,1%),

тожиклар (24,5%) ва ўзбеклар (23,5%)нинг аксарият қисми бу масалага бетараф карашини билдири.

Миллатларо никохга ёшлар анча хайриҳоҳлик билан қарамоқдалар; 16-19, 20-29 ёшлардаги ҳар икки ёш йигит ёхуд қиз «яхши», «фарки йўқ», «бетарафман», деган варианtlарни таъкидлаб, бундай никохларга ижобий баҳо беради.

Бу ҳолат ўз этник маданият кадри билан боғлик масалаларни чукур билмасликнинг оқибатдир.

Ўз миллатининг анъаналарига амал қилиш кишлоқ жойларида кучлирок сезилади (38,8%). Қишлоқ ҳаёт тарзида қадимий миллий урф-одат ҳамда анъаналарга қатъий амал қилинаётганлиги, миллатлараро мулоқотларда эса етарли тажрибага эга бўлмаслик, ўз этник хусусиятлари аҳамиятининг оқибатда мустахкамланишига олиб келаётир.

Сўров шуни кўрсатдики, этник хусусиятларга майли кучли бўлган фукароларнинг аксарияти аралаш никохларга айнан салбий муносабат билдири. Масалан, ўзбекларнинг ярмидан кўпроги (62,9%) ўз миллатига мансуб одам билан никоҳ тузишни афзал кўришини билдири. Ўз ота-оналарининг бундай аҳдини сўровдан ўтган ўзбекларнинг 8,3 фоизи жуда номақбул ҳисоблади; ўзбекларнинг ҳар иккитадан биттаси ўз фарзандларининг рус миллати вакили билан никоҳдан ўтишига мутлақо салбий муносабатда эканлигини тан олди. Аммо шуни ҳам унутмаслик лозимки, эндиликда ўзбекларнинг анча кам қисмигина шу фикрни ёклаб чиқмоқда. 2003 йилда ўтказилган сўровда улар аксарият кўпчиликни ташкил қиласарди (72,4%). Ўзбекларнинг кўпчилиги ўз фарзандларининг, туркманлар (85,0%), шунингдек қорақалпок, тожик, кирғиз ва бошқа миллат вакиллари билан никоҳдан ўтишларига қаршилик килмайди (шунга мувофиқ тарзда 46,9 %, 46,9%, 46,7%).

Сўров натижалари кўрсатдики, ўзбекистонликларнинг аксарият қисми ўз миллати анъана ва урф-одатларини яхши билади ва сўров иштироқчиларининг мутлақ кўпчилиги (93,8%) уларга маълум даражада амал қиласи (факат 6,2%и салбий жавоб кайтарди); анъана ва урф-одатларни «етарли даражада биламан», деган вариантни танлаган ўзбеклар 59,9 фоизни, тожиклар 51,0 фоизни ташкил этди. Қозоклар ва кирғизлар ўз анъана ва урф-одатларини озрок кўламда билишади (27,9%,

26,6%). Ўз анъана ва урф-одатлари ҳакида ҳеч нарса билмайдиган фукаролар ўртасида русларнинг улуши юкори (19,0%).

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида миллий ўзликини англашнинг шаклланиши ҳамда ривожи бўйича келгусида мониторинг тадқиқотлари ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ана шундай тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг ўзлигини этник жиҳатдан аниқлаш харитасини тузуш учун зарур имконият туғилади. Бу эса пировардида мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш асосларини янада мустаҳкамлаш учун хизмат килади.

**Муқимжон Қирғизбоев**

**тарих фанлари номзоди, доцент**

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Миллий мустақилликнинг дастлабки даврида собиқ тоталитар жамият қолдирган мерос мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини ўзига қамраб олган эди. Мамлакатда, хаттоки, фуқаролик жамиятининг унсурлари хам хали шаклланмаганилиги, бу соҳада тажрибаларнинг етишмаслиги, демократик қадриятлар халқ менталитетига сингмаганилиги, янги жамиятнинг иқтисодий асослари шаклланмаганилиги каби юзлаб муаммолар ўз ечимини кутмоқда эди.

Мустақил Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шаклланишида 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси мухим аҳамият касб этди. Конституциянинг ғоялари, максадлари, руҳи, унинг ҳар бир қоидаси «Инсон ҳукуклари умумжахон Декларацияси», бир кеча асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан бўён авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган миллий ва шарқона давлатни адолатли идора этиш ҳамда халқ билан бамаслаҳат сиёsat олиб бориш анъаналарини хам ўзида мужассамлаштириди.

Мустақиллик учун ҳаракат янада кенг кўламда давом этди. Олий Кенгаш 1990 йил 21 июлда Мустақиллик Декларациясини қабул қилди. Мазкур Декларация республика давлат ва миллий мустақиллиги ўрнатилиши жараёни учун мухим аҳамият касб этди. Мустақилликнинг дастлабки даврларида ёқ давлат мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришни ўзининг асосий стратегик мақсади сифатида эълон қилди.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш мақсадларида 1991 йилнинг 15 февраляда Ўзбекистон Олий Кенгashi «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Мазкур қонун республикада фаолият юритиб келаётган жамоат бирлашмалари фаолиятини

тубдан ислоҳ қилишга, уларнинг собиқ яккахоким мафкурадан покланишига, шунингдек, жамоат бирлашмалари тузилмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратишга ҳуқукий шарт-шароитлар яратиб берди. Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида биринчи марта мазкур конунда жамоат бирлашмаларининг мақсадлари халқаро ва демократик мезонлар асосида таърифлаб берилди: «Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иктисадий, ижтимоий ва маданий, ҳуқукий эркинликларни рӯёбга чикириш ва химоя килиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш...»<sup>25</sup> мақсадларида тузилади.

Мамлакат тарихида илк бор фуқаролик жамияти институтлари -жамоат бирлашмаларининг мустакиллиги, уларнинг давлат ва ҳукуматдан алоҳида фаолият юритувчи ҳуқукий субъект эканлиги тан олинди. Бу ҳолат фуқаролик жамиятига хос белгилардан бири эди. Конунда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашиш, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги ҳуқукий жиҳатлардан мустаҳкамланди.

Республикада фуқаролик жамияти ва ҳуқукий давлат қўришнинг сиёсий ва ҳуқукий кафолатлари қисқа муддатларда биринчи Конституция ва бошқа конунларда ўз ифодасини топди. Натижада фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ҳуқукий асослар туғилди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқукий давлат барпо этиш ислоҳотлари энг мураккаб ва машақкатли синовларни кутмокда эди. Чунки мамлакатда эскидан мерос бўлиб қолган давлатчилик анъаналари ва тоталитар жамият асоратлари ҳали кучли эди. Шунингдек, халқнинг ҳам ҳали янги жамият қуриш ва уни ташкил этишга доир тажрибаси кам, руҳияти ва сиёсий маданияти эса фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлардан анча узок эди. Ана шундай шароитларда Президент И.А.Каримов томонидан фуқаролик жамияти, ҳуқукий давлат ва бозор муносабатларига ўтиш даврининг назарий асослари ишлаб чиқилди. Албатта, улар

мамлакат тарихий ривожланиш анъаналари, демократик принциплар ва халқимиз дунёкараши, қолаверса, мамлакат миллий манфаатларини ўзида ифода этар эди. Ўтиш даврида давлат қурилиши, бозор иқтисодиётини шакллантириш, умуман, ўтиш даврида жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёнларини бешта асосий қоидалар асосида амалга ошириш концепцияси ишлаб чикилди. Бу бешта асосий қоидаларнинг моҳияти қўйидагича ифодаланди:

«*биринчидан*, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мағкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. ҳам ички, ҳам ташки иқтисодий муносабатларни мағкурадан ҳоли қилиш зарур;

*иккинчидан*, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чикиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпастлар (ретроградлар) ва консерваторлар каршилигини бартараф этиши шарт;

*учинчидан*, конун, қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма хурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

*тўртингидан*, аҳолининг демографик таркибини хисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий химоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади;

*бешинчидан*, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини хисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар»сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу қоидалар ўз истиклол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади»<sup>26</sup>

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти барпо этишга доир ислоҳотларни ривожланган демократик мамлакатлар ва халқаро ҳамжамиятлар тажрибаси негизидаги

демократик қадриятлар асосида амалга оширишга жиддий ахамият берилди. Чунки демократик қадриятлар нафакат халқаро тажриба ва синовлардан ўтганлиги учун, балки ўзбек халқининг миллий манфаатларига мос келганлиги учун ҳам ислоҳотлар жараёнларига татбиқ этила бошланди.

Президент И.А.Каримовнинг фикрича, фуқаролик жамияти назарияси ва амалиёти ҳар бир мамлакат миллий қадриятлари, халкнинг миллий менталитети ва миллий анъаналарини ўзида ифодалаishi зарур. Бу шунинг учун ҳам зарурки, фуқаролик жамияти барпо этишда ҳар бир халқ ўз миллий манфаатларининг ифода этилишини ҳам англаши лозим. Бу каби холатга эга бўлиш учун миллийлик янги жамият мазмуни ва шаклу шамойили билан уйгунлашиши лозим. Ўзбекистон эса бошқа мамлакатларга нисбатан адолатли ва халқчил жамият барпо этишга доир миллий мерос ва қадриятларга бойлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, мамлакатда янги жамият куриш ислоҳотлари инқилобий йўлни ҳам қабул қилмайди. Чунки бу йўл ўзининг вайронагарчилиги, миллионлаб аҳолининг ижтимоий ахволи пасайиб кетиши, жамиятнинг кутблашган томонларга бўлинниб кетиши каби салбий ҳолатларни келтириб чикаради. Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов куйидаги фуқаролик жамиятининг Ўзбекистон мамлакати учун ўзига хос жиҳатини илгари суради: «*Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шакланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараккӣ топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаринилар ясашга урининилар гоят ноҳуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни гарб олимлари ҳам «ижтимоий таракқиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди...»*<sup>27</sup>.

Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» асаридағи куйидаги фикрлар фуқаролик жамиятининг янги кирраларини очиб беради: «*Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга*

*монегик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манбаатлари, унинг ҳукуқ ва эркинликлари тўла дараражада рӯёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вактда бошқа одамларнинг ҳукуқ ва эркинликлари камситилишига йўл кўйилмайди»<sup>28</sup>.*

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти куриш ислохотларини янада чукурлаштириш, унга мутаносиб равишда ҳукукий давлат куриш мақсадларидан келиб чиқиб жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш (либераллаштириш) концепциясини ишлаб чиқилди ва унинг йўналишлари куйидагича белгиланди:

- Мамлакат сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият курилишини эркинлаштириш;
- Мамлакат сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўпартиявийлик мухитини карор тоғтириш;
- Нодавлат тузилмалар, ҳукуматга карашли бўлмаган ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- Жамиятда фикрлар хилма – хиллиги ва қарашлар ранг – баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш;
- Инсон ҳукуклари ва эркинликларини, одамлар онгида демократик кадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.
- «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилидан келиб чиқиб иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг VIII сессиясида кабул килинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий конун келгусида кабул қилиниши зарур бўлган ўзгаришлар жараёнини ўзида мужассам этадиган янги

қонунларнинг кабул килиниши учун принципиал қоидаларни белгилаб бериши кўзда тутилди.

Мамлакатда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг демократик принциплари, сиёсий тизимни ривожлантириш масалалари Президент И.А.Каримовнинг биринчи ва иккинчи чакириқ Олий Мажлиснинг сессиялари (1995 – 2004 йиллар), Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005, 28 январь) маърузалари **«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари»** концептуал сиёсий дастурнинг асосини ташкил этди.

2002 йилнинг 29-30 августида бўлиб ўтган иккинчи чакириқ Олий Мажлиснинг IX сессияси мамлакатда фуқаролик жамияти қуришни авж олдиришда муҳим аҳамият касб этди. Сессияда мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари»га доир маърузаси фуқаролик жамияти қуришнинг концептуал назарий асосларини янада бойитди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005 йил 28 январь) «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида мамлакат жамиятини демократлаштириш ва янгилаш концепцияси, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этиш бўйича асосий вазифаларнинг концептуал йўналишлари белгилаб берилди. Унда мамлакатни модернизация килиш борасида узокни кўзлайдиган «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари», деган тамойилга асосланган ислоҳотларни янада чукурлаштиришнинг барча йўналишларида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ва вазифалар аник ва равшан ифода этилди. Мамлакатда марказий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини номарказлаштириш асосида кучли жамиятнинг шаклланиши учун шарт-шароитлар

яратиш максадларида «ҳоки. чят ваколатларининг маълум бир кисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳукукий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш»<sup>29</sup> вазифаси белгиланди. Шунингдек, «ўзини- ўзи бошқариш органлари - маҳалла, маҳалла кўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йигинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш»<sup>30</sup> хам мухим вазифалар сирасига киритилди.

ХХ асрнинг бошларига келиб Президент И.А.Каримов томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал дастурни амалга ошириш янги боскичга кирди. Мамлакат йўлбошчисининг назарий қарашларини хаётга татбиқ этиш даврига ўтилди. Давлат ҳокимияти ва ҳалк илфор ривожланган мамлакатларда фуқароларга эркинлик багишлаган, шахснинг эркин камол топиши учун барча шарт - шароитларни яратган, жамиятнинг ҳамма жабҳаларини демократиялаштиришта кобил бўлган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотларнинг янги боскичини амалга оширишга киришди.

Шунингдек, мамлакатда икки палатали парламент ислоҳотлари билан узвий боғликларда нодавлат ва жамоат ташкилотларини ижтимоий табакалар ва гурӯхлар манфаатлари ва иродаларини ифодаловчи ташкилотлар даражасига кўтариш, жамиятдаги турли-туман ижтимоий катламларнинг манфаатларини келиштириш, жамиятни доимий баркарор бўлишига замин яратиш, шунингдек фуқароларнинг жамият ва давлат органларини бошқаришдаги иштирокининг кенгайиши учун кенг ижтимоий ва сиёсий кенгликлар яратилди. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг давлат ва конунлар томонидан кафолатланиши ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун имкониятлар яратди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон жамияти сиёсий тизимида икки палатали парламент ислоҳотларининг бошланиши хам давлат ҳокимияти тизими ва жамият институтларини хам модернизациялаштириш ва ислоҳ этиш учун шарт-шароитлар

ва имкониятларни янада кенгалағырди. Авваламбор, парламент ислоҳотлари натижасида жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва гурухларнинг манфаатлари ва иродаларини ифодаловчи янги институтлар - парламентнинг Конунчилик палатаси ва Сенатнинг шаклланиши натижасида бу турли-туман манфаатларни конунлар ва сиёсий қарорларда ифодалай олиш имкониятлари яратилди. Албатта, бу ўзгаришлар фуқаролик жамиятига хос бўлган қадриятлардан бири - фуқаролар истаклари ва манфаатларини фуқаролик институтлари воситасида давлат иродаси ҳамда давлат вазифаси даражасига кўтариш амалиётига эришилади, шунингдек фуқаролик жамиятига хос бўлган конунлар кабул қилишининг ўзига хос имкониятлари яратилиади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳам ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришдир. Ҳозирги даврда бундай давлат ва жамият барпо этишнинг конституцион ва конуний асослари яратилди. Демократик типдаги миллий давлатчилик шаклланди.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимиятини шакллантиришга доир конституциявий асослар ва унга доир барча конунлар ижтимоий ҳуқуқий давлат қуриш мақсадлари асосида яратилди. Чунки давлат қуришнинг умумий йўлини аникламай туриб, унинг куйи органлари ва жамиятни ислоҳ қилиш мумкин эмас эди. Илк бор ҳокимлик институтини жорий этишда ҳам стратегик мақсаднинг ҳуқуқий давлат қуриш эканлигидан келиб чиқилди. Шунингдек, миллий меросимиздаги ҳуқуқий давлатга хос баъзи унсурлар кайтадан тикланди.

Ўзбекистонда Миллий мустакиллик даврига келиб миллий анъаналар ҳамда демократик қадриятларга асосланган янги типдаги давлат ҳокимиятини шакллантириш имкониятлари туғилди. Янги ўзбек миллий давлатчилиги соҳасидаги ислоҳотлар Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг беш тамоилии асосида амалга оширилди. Давлат ҳокимиятини янгидаи шакллантириш учун, аввало, етук

ва ривожланган давлатлардаги сиёсий тизимнинг тузилиши ва амал қилиш принципларининг шаклланиш тажрибаси ва тарихий миллий анъаналар асос қилиб олинди.

Шунингдек, Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг «Ўзбек модели»ги хос давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолияти асосида амалга оширилган туб ўзгаришларнинг пировард максади асосан ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти куришга қаратилди. Давлат ҳокимияти органларининг турли йўналишларда амалга оширилган ислоҳотларни чукурлаштириш жараёнлари натижаси ўлароқ, ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг конституциявий ва ҳукукий асослари яратилди.

Мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг кийин жараёнлари, айниқса, мулк муносабатларининг вужудга келиши, ўзини-ўзи маблаг билан таъминлаш, хўжалик юритишнинг янги усуслари вужудга келиши билан бутунлай янги типдаги давлат ҳокимияти органларига эҳтиёж сезилган эди.

Умуман, жаҳондаги демократик давлатлар тарихий тажрибаси ва конституцион тузуми тажрибаларини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат ҳокимиятига доир қонунларга биноан марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш, маҳаллий бошқарув ва бошқа барча масалаларни аҳолининг манфаатларини эътиборга олган ҳолда қонунлар, шунингдек, тегишли моддий ва молиявий ресурслар асосида бевосита ёки билвосита ҳал қилиш мақсадларидан келиб чиқиб ташкил этилди.

Республикада Миллий мустакиллик асосларини яратишга доир ислоҳотлар жаҳондаги илғор ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ўзбек ҳалки менталитетига хос бўлган анъаналарни уйғунлаштириш асосида кеча бошлади. Шунингдек, бу жараёнларга яна жамиятни демократлаштириш ислоҳотлари ҳам уйғунлашди. Мамлакатда демократик қадриятлар асосидаги ҳукукий асосларнинг яратилиши фуқаролик жамиятининг пойдеворини ташкил этди.

## **М У Н Д А Р И Ж А**

Кириш.....	3
Н. Жўраев. Демократия: тарих, бугун, эртага.....	6
М.Куронов. Баркамол шахе тарбиясининг миллий модели.....	48
К. Аъзамов. Мустакиллик, маънавият ва демократия.....	57
М. Бекмуродов. Фуқаролик жамияти ва ўзбек менталитети.....	69
М. Бекмуродов. Оилада миллий тарбия ва менталитет.....	79
З. Қодирова, Э. Каримова. Ўзбек менталитети ва демократик тамойиллар.....	93
Х. Дўстмуҳамедов. Ахборот, демократия ва менталитет.....	123
О. Б. Отамирзаев, Н. А. Мўминов, У. К. Қаюмов. Маҳалла жамоатчилик фикрида .....	127
О. Б. Отамирзаев, Н. А. Мўминов, У. К. Қаюмов. Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги.....	146
М. Кирғизбоев. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти куриш ислохотларининг ўзига хос ҳусусиятлари.....	162

## **МЕНТАЛИТЕТ ВА ДЕМОКРАТИЯ**

Ушбу китоб Тошкент ахборот технологиялари университети Илмий Кенгаши томонидан маъқулланган (2006 йил 29 июнь) ва нашрга тавсия килинган (554-сон – баённома).

Масъул мухаррир

с.ф.д., проф. Н. Жўраев

Мухаррир

Қ. Парниева

Bosishga ruxsat etildi 26.10. 2006 y.

Bichimi 60 x 84  $\frac{1}{16}$

«Temes Uz» harsida terildi.

Nashr tabog'i -11,83

Bosma tabog'i -10,75

Adadi-500.

100-buyurtma.

Toshkent axborot texnologiyalari universiteti tasarrufidagi  
«ALOQACHI» nashriyot-matbaa markazida chop etildi.  
Toshkent sh. Amir Temur ko'chasi, 108-uy.